




Шерхон ҚОРАЕВ

**ДУНЁНИ
МАЪРИФАТ
ҚУТҚАРАДИ!**





ДУНЁНИ МАЪРИФАТ ҚУТҚАРАДИ!

(Ўзбекистон Республикаси Давлат
мустақиллигининг 27 йиллигига
бағишланади)

УЎК130.12
КБК71.04
Қ59

Қораев, Шерхон

Дунёни маърифат қутқаради(матн) /Ш.Қораев-Қарши:
"Қашқадарё кўзгуси ОАВ" нашриёти, 2018й.- 188бет.

КБК 71.04

ISBN 978-9943-4751-6-8

Ушбу китобда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, келажакимиз бўлган ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш лозимлиги, бу йўлда китоб ўқиш, билим олиш ёшларнинг энг олий вазифаси эканлиги илмий асослаб берилган.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси
Тошмурод Ҳамдамов.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими
Мурод Ҳазратқулов.

ISBN 978-9943-4751-6-8

© Шерхон Қораев ,2018й.

©"Қашқадарё кўзгуси ОАВ" нашриёти, 2018 й.

МУҚАДДИМА

Бугун дунёда миллатнинг қудрати билимли, интеллектуал салоҳиятли, тарбия кўрган инсонлар билан белгиланади, десак сира муболаға бўлмайди. Бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, модомики дунё кураш майдони экан, бу майдонда ғалабага эришиш ва зафар қозониш муҳим аҳамият касб этади. "Қандай қурол билан бошқалар ғолиб бўлиб, саодатга эришган бўлсалар, биз ҳам ҳаракат қилиб ва интилиб, ўз фарзандларимизни шундай қуроллар билан қуроллантириб, майдонга туширишимиз керак. Бундан бошқа чора йўқдир ва бўлмайди ҳам". Бу қандай қурол деган ҳақли савол туғилади. Бу майдон қуроли - билим ва интеллектуал салоҳият, гўзал ахлоқ-одоб, кенг тафаккур, мафкура, таълим ва тарбия. Узоқни кўра олган Биринчи Президентимиз бу ҳақда шундай деганлар: "Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср - интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундан хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қиладиган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб билади".

Ҳозирги дунёда ақл ва билим ўз сўзини айтади. Қайси-

ки юртда билимли ва истеъдодли инсонлар кўп бўлса, бу юрт тараққиёт майдонида ўз ўрнига эга бўлади. Японияни оласизми ёки Жанубий Кореянинг тараққиёт йўлига назар соласизми, Осиё йўлбарслари деб ном олган бу мамлакатларнинг ривожланишида донишманд, ва комил инсонлар, ўз соҳасининг ёрқин "юлдузлари" ҳал қилувчи ўрин эгаллаган. Шунинг учун бўлса керак, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак" деб уқтирдилар. Чунки, билимли, кучли ва доно фарзандлари кўп мамлакат гуллаб-яшнайдди, энг тараққий этган давлатлар қаторидан жой олади-да! Дарҳақиқат Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан бошланган ислоҳотлар, у кишининг муносиб издоши Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган залворли ва салмоқли ишлар, яъни ислоҳотлар самараси ўлароқ, фарзандларимизнинг ҳар бири комил инсон бўлиб, вояга етса ажаб эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Бола ота-она қўлида бир омонатдир", дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги, ҳақиқатан ҳам, жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Биз, кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда иш-лаяпти, деб хотиржам юрибмиз. Лекин бизнинг бундай сод-далигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик би-

лан фойдаланмоқда. Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз душманлар қўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун, аввало ким айбдор? Ўзимиз эмасми?"

Президент ҳақ. Биз шундай глобаллашув даврида, шиддатли замонда яшаяпмизки, фарзандларимиз ҳақида гапирганда, уларни турли хил маънавий, мафқуравий ва ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш кўз ўнгимизга келади. Маънавий таҳдид атамасига Биринчи Президентимиз "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида лўнда ва маънодор қилиб таъриф берганлар. Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва информацион хуружлар назарда тутилади. Бундай хуружлар бугунги кунда ҳар қандай восита ёки усул билан бўлмасин, ёшларни онги ва қалбини ишғол қилишга қаратилганлиги билан хавфлидир. Ёт мафқуралар дейсизми, ёки чет эл кинофильмлари орқали тарғиб қилинаётган ғайриинсоний одатлар, ахлоқий бузуклик, тарбиясизлик фарзандларининг эртасини ўйлаган ҳар қандай инсонни бир жаҳолатга қарши ўн маърифат билан курашга, "ўз боласини ўзи асрашга" ундайди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мафқура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглари? Бундай озиқни у аста-

секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана гап нима ҳақида кетаяпти.

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар - бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими - уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари шарт". Албатта биз маҳаллада бирор бир бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошламоғимиз лозим. Бу "бола меники эмас" деб қўл қовуштириб ўтириш бу бемаъниликдир. Чунки Ўзбекистоннинг ҳар бир боласи сизу бизнинг фарзандимиз. Фарзанднинг эса бегонаси бўлмайди. Бу бир томондан. Иккинчи томондан, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик ва зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш - бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди.

Оммавий маданият ниқоби остида изчил тарғиб этилаётган ғоялардан бири бу - маънавий бузуқликдир. Ғарб фильмларига назар солсангиз, ҳар бирида жиллақурса бирор-бир эротик (фаҳш) кўринишнинг киритилиши маҳсулотнинг харидорғирлигини таъминлайди, деган қараш кинематографияда устунлик қилади. Фалсафа фанлари доктори Санжар Чориев ёзганидек, ахлоқсизликка асосланган фильм ва клиплар ғарбда ҳозирги замон кишисининг мутлақо салбий қиёфасини чизиб беради: уларга асосланадиган бўлса, бугунги замон кишиси қаҳри қаттиқ, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган, жинсий алоқани инсон борлиғи-

нинг сир-синаоти эмас, кишилар ўртасидаги одатий муносабат деб биладиган шахсдир". Кишини ўйга толдирадиган, ташвишлантирадиган, бонг урадиган ҳолат. Эртага бизнинг болаларимиз ҳам ғарбдан андоза олмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди?! Аслини олганда, у қандай ном билан аталмасин, индивидуализм, эгоцентризм, цинизм, ахлоқий бузуклик, зўравонлик, бефарқлик дейсизми, бир сўз билан айтганда, маънавий инқироз ифодасидир. Нима қилиш керак, деган ҳақли савол ҳар биримизни қийнайди?! Жавоб эса битта, у ҳам бўлса бундай жаҳолат, маънавий қашшоқлик ёки тубанликка қарши билим билан, ақл билан, гўзал ахлоқ билан, соғлом эътиқод билан курашмоқ керак. Аслини олганда ҳам маърифатли, тарбияли, эътиқодли, мустақил фикрига, дунёқараш ва ўз фуқаролик позициясига эга инсонни на оммавий маданият, на террорчилар, на одамфурушлар, на миссионерлар чалғита олади.

Бугунги интернет асрида ёшларимизни зўравонлик, тубанлик, ахлоқсизликка йўғрилган фильмлар, видеолавҳаларни, беҳаё суратларни томоша қилаётгани хоҳлаймизми-йўқми, баайни ҳақиқат. Ваҳоланки, бизлар, маҳаллақўй, ота-оналар, жамоат ташкилотлари фарзандларимизни ана шундай таҳдидлардан, бало-қазолардан асраб-авайлашимиз керак эмасми? Хўш, уларни қачон ва қандай ҳимоя қиламиз? Қачонки, ахлоқсиз фильмларни томоша қилганидан сўнгми? Йўқ, албатта, бугун интернетга, телевидениега, уяли телефонларга чегара қўйиб бўлмайди. Бу сахнани кўрма десангиз, кўрадиганлар, "зарарли" китобни ўқима десангиз ўқийдиганлар, ғаразгўй кимсага эргашма десангиз, эргашадиганлар афсуски орамизда бор! Аммо гап бўлажак комил инсонларни турли хуружлардан ҳимоя қилиш

ҳақида кетар экан, бу борада қўл қовуштириб ўтириш юрагида ўти бор, мард кишининг иши эмас. Хўш нима қилиш керак? Бунинг учун Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ёшларимиз билан кўпроқ гаплашишимиз, уларнинг қалбига қулоқ солишимиз, дардини билишимиз, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керакка ўхшайди. Албатта ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир Инчунин, мафкуравий иммунитетни бор фарзандиларимиз ўзида ёт ва заҳарли ғояларга қарши туриш, керак бўлса, курашиш учун катта куч топа олади. Демак, яна масала мафкуравий тарбияга бориб тақалади. Мафкуравий тарбия ўзагини билим ташкил этади. Мен айтмоқчиманки, ҳар бир ўғил-қизимизнинг мафкураси пишиқ бўлсин. Ана шунда сизу бизни, барчамизни ҳеч ким, ҳеч қачон тўғри йўлимиздан чалғитолмайди. Биринчи Президентимиз ҳам бу борада ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш лозимлигини ўқтириб ўтган эдилар: "Болаларимиз тарбиясини маҳкам ушлашимиз лозим. Йўқ, болам, бундай эмас, мана бундай, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодсан, қандай бебаҳо маънавий мероснинг вориссан, деган гапларни уларнинг қулоғига қуйиш керак. Бугун яхши яшяпмиз, деб талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан узилмаслиги зарур. Аслида бу ҳам жиддий бир хавф".

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 19 сентябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам халқаро жамоатчилик диққат-эътиборини дунёда терроризм билан курашда куч ишлатиш йўли ўзини оқламаётганига қаратар экан, бундай таҳдидларга қарши курашиш учун биринчи

навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир, деб таъкидладилар.

Маълумотларга қараганда, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси- "вируси" тарқалишининг олдини олишдир, деди ўз маърузасида Давлатимиз раҳбари. Мухтарам Юртбошимиз бу билан нафақат Ўзбекистон болаларини, балки дунё ёшларини асраш, маънавий хуружлардан ҳимоя қилиш тўғрисида қайғурмоқдалар.

Модомики, терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларга қарши курашнинг "қуроли", Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ёшларимизнинг онги ва тафаккурини маърифат асосида шакллантириш экан, бунда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳақиқатан маърифат ва бобокалонларимиз қолдирган маънавий мерос билан қуролланган ўзбекистонлик борки, террорчи-бузғунчи кимсалар тўрига илинмайди, тўғри йўлдан адашмайди, ҳар доим ўз эътиқодига содиқ қолиб, ўз юрти истиқболи, деб яшайди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил-

нинг 15 июнь куни Ташкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, "Нуруний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, илм-фан ва маданият намоёндалари билан учрашар экан, ёшларимизни турли хил ғоявий, маънавий ва ахборот хуружлари, диний оқимлар қутқуларидан огоҳ этадиган китоблар ёзиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтдилар. Қўлингиздаги ушбу рисола-нинг туғилишида ҳам ушбу учрашув ва мазкур ғоя сабабдир.

Ушбу китобда жамланган мақолаларим 2017-2018 йилларда туман, вилоят ва республика газеталарида чоп этилган ва у ЎзЛИДеП Нишон туман Кенгаши раиси, Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Нишон туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари Нишон туман Кенгаши депутати Бекназар Сариев ташаббуси асосида нашр этилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бинобарин мақолаларда кўтарилган масалалар, ғоялар долзарблиги билан ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Албатта, бундай китобларни ўқиш ва уларга амал қилиш кечагидан-да кўра долзарб аҳамиятга эга, деб ўйлайман ва китобнинг нашр этилишида бошқош бўлган фидойи ва олижаноб инсонлар Бекназар Сариев, Нишон туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шоҳли Турсунов ҳамда ушбу бошқарма ходими Муҳиддин Рўзиқуловларга ўз миннатдорчилигимни билдирман.

Мухтасар қилиб айтганда, ёшларимиз таълим-тарбияси учун ҳар биримиз масъулиятни чуқур ҳис қилиб, бир ёқадан бош чиқарсак, ўйлаймизки, кўзлаган мақсадга албатта ета- миз. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъби- ри билан айтганда, "Бугун замон шиддат билан ўзгараяп- ти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким - ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари би- лан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унут- масин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, де- ган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзли- гини сақлаб қолишга ундаб турсин.

Бунга нима ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан".

Шундай экан, азиз, ота-оналар фарзандларимиз тар- биясига жиддий эътибор бериб, уларни маърифатли ин- сонлар қилиб вояга етказайлик.

НАЖОТ - МАЪРИФАТДА!

Муҳтарам Юртбошимиз кўплаб учрашувлардаги сўзлаган нутқларида терроризмдек жаҳолатга ва зўравонликка қарши маърифат билан курашишга жамоатчилик эътиборини қаратиб келмоқдалар. Албатта терроризм - глобал муаммо. Бу муаммо - дунё аҳлини ташвишга солиб келмоқда. Бундай бало-қазога қарши бутун дунё курашмоқда. Аммо, Муҳтарам Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияда таъкидлаганидек, "Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши, асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдинини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман". Юртбошимиз ҳақ. Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги қадимги маданий обидаларни ер билан яқсон этилгани, террорчилик йўлини танлаганларнинг ўз жонини дунёнинг арзимас молига алмашаётгани, бегуноҳ инсонларни қурбон қилаётгани, Аллоҳнинг уйи - масжидларни портлатаётгани аслини олганда уларни жаҳолат ботқоғига ботган билимсиз, оми ва маънавий қашшоқ кимсалар эканлигидан далолатдир. Дин ниқоби остига беркинган бундай тубан кимсалар ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайдилар. Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси Ҳасмонхон Алимовнинг ёзишича, соғлом эътиқодни оёқ ости қиладиган ва муборак динимизни ўз манфаати йўлида қурол қилиб олган кимсалар борлиги бугун барчамизни ташвиш-

га солмоқда. Маълумки, ақидапараст ва бузғунчи кучлар халқ руҳиятини ичдан емириб, ҳалокатга бошлайди. Жамиятнинг ҳамжиҳатлигини бузади, халқни жар ёқасига олиб боради. Диний тушунчалардан усталик билан фойдаланиб, одамларга унинг асл моҳиятини бузиб кўрсатади. Шунингдек, халқнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, оммада норозилик кайфиятини тарбиялайди. Ёшларни эса алдов йўли билан ўзининг жирканч қуролига айлантириб, жувонмарг қилади".

Хўш қандай қилиб жоҳилларга ва жаҳолатга қарши курашиш мумкин? Ахир, совуқ қуроллар ишлатиб, террорчиларни буткул йўқ қилишнинг иложи бўлмапти-ку? Бу бало қутилмаган жойдан бош кўтариб чиқмоқда. Унда қандай қилиб, бу иллатнинг олдини олиш мумкин? Бунинг чораси борми? Албатта, бор. Мухтарам Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессия минбаридан туриб, жаҳолатга қарши курашнинг ягона йўли ва ечими - Маърифат эканини айтиб ўтдилар. Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг 27-мартдаги "Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференциясида ҳам яна бир бор бу масалага халқаро жамоатчилик диққат-эътиборини қаратдилар: "Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳамisha принципиал позицияга эга бўлиб келган.

Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим". Албатта Юртбошимизнинг мазкур ғояси ҳаётда ўз тасдиғини топаётгани

ҳам айни ҳақиқат. Бинобарин билимли ва ахлоқ-одобли кишилар зинҳор-базинҳор қўпоровчилик кўчасига кирмайдилар, ўз Ватанига, яқинларига, биродарларига қарши қурол кўтармайдилар, иймон-эътиқодини сариқ чақага алмаштирмайдилар. Аммо зиёли инсонни камол топтириш учун "шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир". Бу усулни дунёнинг истаган мамлакатада қўлласа ҳам у ўзини оқлайди, албатта. Чунки гап шундаки, илмли ва гўзал ахлоқли, тарбияланган кишилар терроризм ва экстремизм тўрига илинмайди. Зеро, Имом Зарнужий ёзади: Илм - олий мартабалардан олийроғидир. Агар ўхшатиш жоиз бўлса, гўё олий мартаба яъни жанозадан кейин жамоат томонидан кўтариб кетилаётган тобутнинг мартабаси кабидир. Тобутни авайлаб, елкалари узра кўтариб баланд тутадилар. Соҳибни илмнинг ҳам ҳурмати орта-орта, бокий қолур. Жоҳилу нодон тупроқлар орасида қолур... Илм нур, соҳибини маънавий кўрликдан тўғри ва ҳақ йўлга ҳидоят қилур. Кўр кўзларини кўрадиган қилади. Жоҳил умрини зулмату қоронғулик ичида ўткази. Яъни, бефойда ҳаётини зулмат ичида яширади". Албатта, террорчи жоҳилларнинг умри ҳам Имом Зарнужий таърифлаганидек, зулмат ва ғафлат ичида ўтиб бормоқда ва улар алалоқибат "тупроқ орасида" - хору зорликда ўлим топадилар. Ҳозир ҳам бундай жоҳил бузғунчиларнинг қисмати ана шундай яқун топаётгани барчамизга маълум. Бордию, улар илм-маърифат йўлини танлаганларида гуллаб-яшнаб турган, обод ўлкалар - Сурия, Ироқ ва Ливия вайрон ва аҳолиси эса ер юзи бўйлаб сарсон-саргардон бўлмаган бўлармиди?! Бундай вайронгарчиликлар

ва хунрезликлар маърифатсизлик ҳосиласи эканлиги баайни ҳақиқатдир. Ҳа, Ислом динидан, унинг муқаддас китоби - Қуръони карим ва ҳадислардан, эътиқодимизнинг асл моҳиятидан хабардор бўлмаган маърифатсиз, ўз шахсий манфаатини ўйлаган, билимсиз ва калтабин ғаламисларнинг жиноий қилмишлари оқибатида пайдо бўлди бундай нураган бинолар, хувуллаган аҳоли манзиллари, майиб-мажруқ одамлар, сон-саноксиз бегуноҳ кишиларнинг жонсиз жасадлари?! Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги фикрлари ҳар қандай кишини чуқур ўйга толдиради: "Ажабо! Одамларга нима бўлган?! Муслмонларга нима бўлган?! Муслмон муслмонни аёвсиз ўлдирмоқда! Муслмон муслмонни таламоқда! Муслмон муслмон юртларини вайрон қилмоқда! Муслмон муслмоннинг масжидини портлатмоқда!..

... Ҳасрат ва надомат ила ўйга толаман... Нималар бўлапти ўзи? Бу ишларнинг сабаби нима? Авваллари ҳам шундай бўлганми? Бу аянчли ҳолатнинг ниҳояси борми? Нима қилмоқ керак?..

... Аммо аччиқ бир ҳақиқатни таъкидлоб айтишимиз лозим. У ҳам бўлса, муслмонлар ичида исломни тартибли равишда ва керакли услубда мутахассис устозлардан ўрганмасликдир. Яна бир сабаби - бирёқламалик, бемазҳаблик, одобсизлик ва динда чаласавод одамларнинг ўз хоҳишлари асосида гулувга кетишларидир". Яъни, мазкур омиллар маърифатсиз жоҳиллар кўпайишига олиб келди ва олиб келмоқда.

Бугун дунё аҳли жаҳолатга қарши курашишда Ўзбекистон тўплаган тажрибадан ибрат олиши ва ўрганиши лозим. Негаки, Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва маърифий исломни

кенг ёйиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу шубҳасиз барча-барчани, айниқса, ёш авлодни жаҳолат ва зўравонликка қарши маърифат билан "қуролланиши"га хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, терроризм ва экстремизмдек иллат билан рўбару келган дунёни фақат ва яна фақат маърифат, таълим-тарбия, гўзал ахлоқ қутқаради. Мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий ёки Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси, Ҳадис илми Олий мактаби, нуфузи ва мақоми ўзгарган Мир Араб олий мадрасаси ҳамда тасаввуф, калом, ақида мактаблари, албатта буларнинг барчаси ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериб, эзгулик ва тинчлик, асл фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади, ёшларимизда миллий ифтихор туйғусини ва мафкуравий иммунитетни шакллантиради. Зотан, бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аجدодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мухтасар қилиб Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, "бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси"ни тарқалишини олдини олишдир". Бунинг учун эса ўз навбатида, терроризм ва экстремизмни бартараф этишда фақат уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланмасдан, энг аввало, бундай таҳдидларни келтириб чиқараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларимизни эзгу инсоний идеаллар асосида вояга етказиш талаб этилади.

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ АХБОРИЙ ЖАМИЯТ ВА ДУНЁНИНГ АХБОРИЙ МАНЗАРАСИ

Ахборот асрида ахборотлашаётган жамиятда истиқомат қилаяпмиз. Бир сўз билан бу жамиятни Ахборий жамият дейишади. Ҳозирги кунда ахборот қудратли, ҳал қилувчи куч, психологик қурол. Кимки зарур ахборотга эга бўлса, у жаҳонда ўз сўзини айтади. Бугун дунёда пешқадам бўлиш учун зарур ахборотга эгалик ҳамда ахборотнинг кучидан "унумли" фойдаланишнинг ўзи кифоя. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "турли гоё ва манфаатлар қураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари" кўзга ташланаяптики, бу ўз навбатида дунёнинг ахборий манзарасини белгилаб бермоқда.

Ахборотнинг қудрати шундаки, у инсон онгига салбий ёки ижобий таъсир кўрсата олади, кишини маълум фаолиятга ундаши, тасаввури, дунёқарашини бутунлай ўзгартириши ёки муайян томонга йўналтира олиши, кайфиятини кўтариши ёки тушкунликка тушириши, бир сўз билан айтганда бошқариши мумкин. Ахборот ва коммуникация тех-

нологиялари ривожланган давлатлар замонавий қурол - ахборотдан муайян манфаат йўлида "самарали" фойдаланаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

"Ахборот асрида таълим-тарбия" китобида ёзилишича, ахборот назорат остидан чиқиб кетгач, инсоният бир қатор муаммо ва ижтимоий "касаллик"лар билан тўқнаш келди. Дунё психологларининг эътироф этишича, "ахборотга мубталолик"ка чалинган ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Мутахассислар бу ҳолатни "ахборот очлиги синдроми" дея баҳоламоқда.

Келинг ахборотни тавсифлаб олсак, олдиндан маълум бўлмаган бирор нарса, ҳодиса ҳақидаги ҳар қандай хабар ахборот деб аталади. «Репортёрлик фаолияти назарияси ва амалиёти» китобида ахборотни қуйидагича изоҳлашди: "Ахборот, фактлар ҳақидаги хабардангина иборат бўлиб қолмай, инсон ички эҳтиёжи бўлмиш мулоқотни таъминловчи алоқа қилиш амали ва фикр алмашиш жараёни ҳамдир. Яъни ахборот тақдим этилиш шаклидан қатъий назар, кишилар, нарсалар, фактлар, воқеа-ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлардир.

Турли хил маълумотларни эркин оладиган, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзлаштирадиган ва эркин оммавий ахборот воситаларига эга, ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланган жамият - Ахборий жамиятдир.

АХБОРОТ БУ - ПСИХОЛОГИК ҚУРОЛ

Биз учун ахборот - энг таъсирчан ва ўткир восита, аслида ҳам ахборот катта қудратга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Табиатимиз шундайки, керакли ахборотга эга бўлмасдан яшолмайди, ичимиз қизий-

ди, қандай йўл билан бўлмасин уни қўлга киритамиз. Албатта, ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар сония ҳар биримиз муайян маълумотни кўрамиз, илғаймиз, эшитамиз, хабардор бўламиз, ўқиймиз. Гап шундаки, биз доимий, боринги, кечаю кундуз ахборотлар таъсирида, унга беип боғланган ҳолда истиқомат қиламиз. Кундалик ҳаётимизда интернет, матбуот, телевидение ва радио янгиликларига кулоқ тутамиз. Бу ҳам ўз навбатида биз учун ахборот "сув ва ҳаводек зарур" восита эканлигини англаиб турибди.

Бугун инсониятнинг муаммоларидан бири сифатида тилга олинаётган ахборот хуружи - шахс дунёқараши, жамият барқарорлиги, давлат тинчлигига раҳна солишга ва жамоатчилик фикрини чалғитишга йўналтирилган салбий таъсир воситасидир. Мисолларга мурожаат қилсак, ОАВ ва интернет орқали билиб билинмай 2012 йил 26 декабрда Мая қабиласи календари бўйича охир замон бўлади, деган ёлғон хабарга, айрим инсонларнинг ишонишгани, айти шу кунда уйдан ташқарига чиқмай қиёматни кутишганига гувоҳимиз. Демокчимизки, ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхшисини олиш ва чалғитувчисига чалғимаслик, ёлғонига алданмаслик учун ёшларимизнинг онги ривожланган, билими етарли, қалби ҳимояланган, мустаҳкам иродали бўлиши лозим. Албатта, ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, Мухтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев табири билан айтганда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун хоҳлаймизми йўқми, ёшларимиз учун асосий ах-

борот манбаи интернет халқаро ахборот тармоғи бўлиб қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Биз Хитойдан 500 миллион, Россиядан 50 миллион, Ўзбекистондан 11 миллиондан ортиқ (2015 йилги маълумот) интернетдан фойдаланувчи рўйхатга олинганини ҳисобга олсак, қайсидир маънода худди шунча одам ахборот босими таъсирида эканлиги маълум бўлади. Зотан глобаллашув жараёнлари одамларни маълум бир манфаатларга хизмат қиладиган, олисяқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги ахборот босимларининг доимий таъсири остида яшашга мажбур қилмоқда. Бундай ҳолат айниқса, глобаллашув ва жаҳон интеграциялашув кучайган даврда яққолроқ намоён бўлмоқда.

"Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма" китобида ёзилишича, глобаллашувнинг асосий аломатларидан бири миллий чегараларнинг ахборот юзасидан ўз аҳамиятини йўқотиб боришидир. Бунда миллатни миллат, давлатни давлат сифатида сақланиб қолинишида мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудрати билан бир қаторда унинг глобал ахборот майдонидаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиши, турли ахборот хуружларига қарши тура олиши, бир сўз билан айтганда, ахборот хавфсизлигини қай даражада таъминлаганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётнинг барча соҳаларида стратегик ресурс, ҳал қилувчи восита ва пировард мақсадга айланган Ахборот бугун дунёни бошқармоқда, десак муболаға бўлмас. Содда қилиб айтганда, ўз вақтида ахборотга эга бўлган, ахборотга таъсир қилиш имконини топган ҳаммадан қудратлироқдир. Яъни Ахборот бу - куч, ахборот - бу бойлик, ахборот бу - қудрат, ахборот бу - ҳукмдорлик. Бошқача қилиб айтганда,

одамлар онгини бошқариш, ижтимоий гуруҳ, миллат, элат, ҳаттоки бутун бир халқларни бўйсундириш, давлатларнинг сиёсий жараёнларига таъсир кўрсатиш учун энг универсал восита, замонавий қурол - бу Ахборот ва коммуникацион воситалар эканлигини эътироф этишни истардик.

МАҚСАД - ИНСОН ОНГИНИ ЭГАЛЛАШ

"Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма" китоби тили билан айтганда, бугун курашнинг бош майдони ахборот ҳудуди, асосий мақсад эса ер ёки бойлик эмас, балки инсон онгини эгаллашдир. Инсон онгини эгаллагач эса, ўз-ўзидан ер ва бойлик оқиб келади. Аслини олганда бу қудратли қуролдан мақсад ҳам шу.

Бугунги кунда ҳар қандай ахборот яшин тезлигида дунёнинг истаган чеккасига етиб бориши, миллионлаб одамлар ундан бир зумда хабар топиши оддий ҳолга айландиқолди. Бутун дунё янгиликлари бир зумда кафтингизда гўё! Танганинг икки томони бўлганидек, бундай қулайликнинг хавфли томонлари борлигини ҳам эътибордан соқит қилмайлик. Сир эмаски, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

АХБОРОТ ҚЎПОРУВЧИЛИГИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов "Олисларга интилан дарё" мақоласида бунга бир мисол келтиради: "Ахборот яхши ниятда фойдаланилса, яратувчи қуролга, ёмон ниятда фойдаланилса, қўпоровчи қуролга айланиши мумкин. Афсуски ахборотни қўпоровчи қуролга айланти-

ришга уринадиган кучлар йўқ эмас. Мисол тарзида 2001 йил 11 сентябрь фожиасидан кейин бўлган воқеани эслаш жоиз. Ўшанда Ўзбекистон жаҳондаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб, халқаро терроризмга қарши курашга қўшилишини баён этди. Бу мамлакатимизнинг обрўсини дунё миқёсида янада юқори поғонага кўтарди. Шундай масъулиятли паллада юртимизга тирноқ ичида "хайрихоҳ" бўлган айрим оммавий ахборот воситалари ваҳимага тўла миш-мишлар тарқатдилар. Амударёнинг нариги бетида минглаб қуролланган толиблар шайланиб турибди, улар эртага Ўзбекистонга бостириб кирадилар, деган мазмунда бухтондан иборат ахборотни дунёга дoston қилдилар. Албатта, Ўзбекистон халқи унча-мунча ёлғонга лаққа тушадиган даражада анойи эмас. Лекин дунёда бизнинг юртимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга шай турган ва ҳақиқий аҳволдан яхши хабардор бўлмаган давлатлар бундай хабарларни эшитиб ташвишланиши, шубҳага тушиши мумкин. Ҳақиқат аён бўлиши учун Ўзбекистондаги чет эл ваколатхонларининг ходимлари, чет эл ахборот агентликларининг мухбирлари Термизга таклиф этилди. Улар Ўзбекистон сарҳадида ҳеч қандай толиблар тўпланмаганини, Сурхондарё аҳолиси тинч- осуда меҳнат билан банд эканлигини ўз кўзлари билан кўриб хотиржам бўлдилар. Бир нодон қудуққа тош ташлаб юборса, уни олиб чиқиш учун юзта доно овора бўлади, деган гап бор. Бироқ бундай миш-мишларни шунчаки нодонлик ёки ҳазил деб баҳолаш соддалик бўлур эди. Бунинг номи атайлаб қилинган ахборот қўпоровчилиги дейилади".

АХБОРОТ ХУРУЖИ УСУЛЛАРИ

Албатта ахборот маконининг вужудга келиши уни бўлиб олиш, назорат қилиш ва бошқаришга ҳаракат қилувчиларни майдонга олиб чиқди... Бундай кучларнинг кураш воситаси ҳам айнан ахборот қуролидир. "Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма" китоби ибораси билан айтганда, ахборот қуроли деганда, одамларга руҳий таъсир кўрсатадиган ва уларнинг устидан назорат қилиш имконини берувчи воситаларни, компьютер вирусларини, мантиқий бомба, телекоммуникация тармоғида ахборот алмашинувини бостирувчи мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотларни сохталаштириш каби ҳаракатларни назарда тутишади.

Ҳозирги замонда ахборот хуружлари асосан бир марталик ташвиқот акциялари, узоқ муддатли тарғибот компаниялари, мафкуравий тазйиқ, маданий экспанция, ахборот блокадаси, дезинформация каби руҳий-информацион таҳдид кўринишида кўзда ташланмоқда.

Ахборот хуружлари, асосан қуйидаги усуллар орқали амалга оширилмоқда:

1. **Дискредитация** - воқеа аҳамиятини пасайтириб кўрсатиш.
2. **Дезинформация** - ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш.
3. **Тухмат**.
4. **Эътиборни чалғитиш**.
5. **Фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш**.

Интернет халқаро ахборот тармоғи бугунги кунда ахборот хуружининг маконига айлангани ҳеч кимга сир

эмас. Албатта "ўргимчак тўри" да гиёҳвандлик, наркобизнес, ичкиликбозлик, террорчилик, ақидапарастлик, зўравонлик, маънавий бузуқлик, тубанлик, саводсизлик, маданиятсизлик, ёвузлик билан йўғрилган сайтлар, ур-йиқит, ваҳшийлик, жангарилик мазмунидаги фильмлар, компьютер ўйинлари истаганча топилади. Виртуал оламда ахборот хуружининг нишонига ёки кимнидир "ўлжа" сига айланмаслик учун ёшларимиз ҳушёр, огоҳ ва маърифатли бўлиши айтилади. Зотан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, "интернет буюми бир дўкон. Дўконга борганида одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори деб тушуниш керак. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялаш керакки, улар интернет бозорига кирганда, фақат ўзи учун зарур нарсани олсин, интернетдаги ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргансин".

ОҚНИ ҚОРАДАН ФАРҚЛАЙ ОЛСАК...

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ахборот хуружлари асосан оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилмоқда ҳамда бу билан муайян мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, бошбошдоқлик, ур-йиқит, тўс-тўполон, ҳаттоки исён «уюштирилмоқда». Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Афғонистон, Украина мамлакатларида можароларга, тараққиётни издан чиқишига, шаҳарларни вайрон бўлишига олиб келган "Араб баҳори" ва рангли инқилобларда бундай ахборот хуружларидан "унумли" фойдаланилганлигини айтиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов 2004 йил 26 июнда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ҳам ахборот хуружлари тўғрисида тўхталганди; "Юртимизга қарши қаратилган информацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шаввоzlарни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишга даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уринишларини фош этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир". Албатта бугун ҳам ёлғон ва сохта ахборотлар тарқатиб, инсонларни чалғитишга уринадиган ғаразгўй кучлар кечагиданда фаоллашганини ҳисобга олсак, замон халқимиз, айниқса ёшларимизни иродасини мустаҳкам, иймонини бақувват, замонавий билим ва касб - ҳунар эгалари этиб тарбиялашни ва уларда Мафкуравий иммунитет ҳамда Ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришни тақозо этади.

Хуршид Дўстмуҳаммад «Ахборот маданияти-ҳаёт-мамот масаласи» деб таъкидлайди ва ёзади: Эндиликда одамларнинг, оилаларнинг, миллий қадриятларнинг-инсониятнинг ривожини, фароғатини ва истиқболи ахборот одоби ва маданиятига боғлиқ бўлиб қолди.

АГАР, ОГОҲСЕН...

Ҳазрат Алишер Навоий замона нуқтаи назаридан келиб чиқиб, огоҳликни шоҳлик, эркинлик кафолати деб атаган эди. Албатта беш юз етмиш йилдан ортиқроқ вақт ўтган

бўлсада ҳозир ҳам шунга ўхшаш манзара. Ҳар дам огоҳ ва ҳушёр бўлмаса, эркинлик қўлдан кетиши, "ўргамчак тўри", "ахборот сиртмоғи" ёки турли ахборот ва коммуникация воситалари орқали турли хил ичи қора кимсалар ва бузғунчи кучлар, ғаламис оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Балки "авлиёлар авлиёси" бўлган бобомиз биз авлодларни "Агар огоҳсен шоҳсен..." дея доимо сергак, ҳушёр ва огоҳ яшашга, ахборот, маънавий ва мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушмасликка ҳамда тинчлик, хотиржамлик ва эркинликни асраб-авайлашга чорлаган, бугунги воқеаларни олдиндан кўра билган бўлса не ажаб?!

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 4-қурултойидаги нутқида ёшларни бундай таҳдидлардан асраш учун уларнинг дунёқарашини жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида шаклланиши лозимлигига тўхталиб ўтди: "Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаяётгани - бу ҳам бор гап.

Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур.

Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият

хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз".

Мухтасар қилиб айтганда, ахборот майдонида рухий-информацион таъсир воситаларини чеклаш, таъқиқлаш ва назорат қилишга демократиянинг талаблари йўл қўймайди. Ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобилига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга маъқул эмас. Бугунги глобаллашув замонида, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир "темир девор" қуриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўттиришнинг ҳожати йўқ. Аммо бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам халқаро ахборот тармоғи имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Албатта, жаҳон ахборот маконидаги мислсиз интеграция жараёнлари бугунги юксак тараққиёт учун беқиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали, афсуски, турли бузғунчи ғоялар, "оммавий маданият" кўринишлари ҳам ҳаётимизга суқилиб кириб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, маънавий қадриятларимизга, беписанд қараш каби ҳолатлар ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди. Бундан ташқари ҳеч ким ташқи ғаразгўй кучлар ижтимоий тармоқлар, мессенджерлардан қора мақ-

садлари йўлидан "унумли" фойдаланмаслигига кафолат беролмайди. Энг ташвишли томони шундаки, шундай каналлар, гуруҳлар борки, асосий беҳаё расмлар, фахш видео лавҳалар тиқилиб ётибди. Айрим маънавий қашшоқ кишилар эса, ана шундай каналлару гуруҳлардан бош кўтармайдилар, беип унга боғланиб, тубанлик ботқоғига ботадилар, бебаҳо вақтни ва пулни ҳавога совурадилар.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш - инсонни, аввало, ёш авлодни, келажакимизни асраш демақдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Бизнингча, ахборот хуружларига қарши туриш ва турли руҳий-информацион таъсирларга тушмаслик учун фуқароларимизнинг билими, таҳлил қилиш ва оқни қорадан фарқлаш қобилияти ривожланган бўлиши лозим. Токи ҳар бир маърифатли шахс "бу қандай ахборот, холис ёки нохолис, кимнинг ғаразли манфаатига хизмат қилади?" каби саволларга жавоб топа олсин. Мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-этиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар ахборотлар хуружлари "тўри"га илинмайди, деб ўйлаймиз.

Ўз ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги тўғрисида"ги Қонунида белгиланганидек, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ёшлар онгига салбий таъсир этадиган, соғлом турмуш тарзига тўғри келмайдиган ҳамда ижтимоий хавфли ҳисобланган ахборотларни тарқатишга йўл қўйилмайди.

Албатта бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун "Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя" китобида эзгулик ва тарққийётга хизмат қилувчи маълумотларни ахборот дунёсидан саралаб олишдаги билимлар, қобилият ва малакани ўзида мужассам этувчи - Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш тақлиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Шерзод Раҳимов ҳамда Жамшид Пирматов ("Нишон тонги" газетаси "Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масалалари" мақоласи 21 (3773) сон, 13 май 2016 йил) ёш авлод ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали маълумотларни олиши учун "Ахборот иммунитет" га эга бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Нима бўлган тақдирда ҳам, ёшларимизни ажборот хуружларидан ҳимоя қилиш, бунинг учун ёш авлодни билим билан қуроллантириш, юксак маънавиятли ва мафкураси пишиқ бўлишига эришиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кечиктириб бўлмас вазифамиздир.

Зотан, 2018 йил 15 июндаги Мухтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги»да таъкидланганидек, бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларга, жаҳолатга қарши маърифат асосида курашиш талаб этилмоқда.

"БУЗГУНЧИ ҲОЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИ..."

Мухтарам Юртбошимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида "ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузғунчи ҳоаяларнинг олдини олиш" ҳақида тўхталиб ўтдилар. Албатта ёш авлодни ижтимоий тармоқлар орқали тарқа-

лаётган ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бугун кечагиданда муҳим аҳамиятга эга. Содда қилиб айтганда, ижтимоий тармоқларда ин қуриб олган бузғунчи ғоялар ёшларимиз онги ва қалбини ишғол қилишга йўналтирилганлиги билан хавфлидир. Дарвоқе бугунги глобаллашув даврини компьютерсиз, интернет тармоғисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги кунда тан олишимиз керакки, компьютерни билмайдиган ва ундаги интернет тармоғи имкониятларидан фойдалана олмайдиганлар замондан ортда қолган ҳисобланишади. Шу боис ёшларимиз бу жабҳада компьютер, планшет ёки уяли телефон орқали "устаси фаранг" бўлиб боришаётгани ҳам баайни ҳақиқат. Таълим муассасаларида яхши ўқимайдиган, билимсиз ва саводсиз йигит-қизларимиз интернетдан бинойидек фойдаланишаётганини кўриб, билиб турибмиз. Энг ёмони ижтимоий тармоқлар орқали улар билан мулоқотда бўлсангиз, фарзандларимизнинг "ғиж-ғиж имловий хатолари" орқали саводсизлиги ҳамда тор савияси, билимсизлиги яққол кўзга ташланади-қолади. Ижтимоий тармоқлар орқали бузғунчи ғоялар тарқатувчилар биринчи галда худди ана шу содда ва ғўр болаларимизнинг билимсизлигидан унумли фойдаланишадида. Етарли билимга эга бўлмаган, китоб ўқимаган, тор фикрлайдиганлар гаразғўй кучларнинг қармоғига бирданига илинишини изоҳлаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Тўғри, ҳозирги замонда интернет халқаро ахборот тармоғисиз яшаб бўлмайди. Аммо истаймизми-йўқми, ҳеч нарса китобнинг ўрнини боса олмайди. Интернетга "боғланиб қолаётганлар" ёки виртуал оламда "яшаётганлар" бу ҳақиқатни тушуниб етишлари керак. Ўткинчи "дўстлик" ва "мулоқотлар", "онлайн ўйинлар" кишини тор қобиққа ўрайди, холос.

Ваҳолонки, интернет орқали ҳам жаҳон кутубхоналарига кириб электрон китоблардан баҳраманд бўлиш мумкин. Бироқ интернетнинг бундай ажойиб имкониятларидан бармоқ билан санокли инсонларгина фойдаланадилар. Мен китобдан олинадиган маърифат ва маънавиятни ижтимоий тармоқлар тўхфа эта олмайдилар, деб баралла айта оламан. Шундай экан, фарзандларимизни китобни севишга ва уни мутолаа қилишга ўргатайлик. Энг аввало, ўзимиз ўқийлик. Буни ўз навбатида ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси деб қарасак, кўзлаган мақсадга албатта етамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Мухтарам Юртбошимиз доимо сизу бизни "бир жаҳолатга қарши - ўн маърифат билан курашиш"га чорлайдилар. Бинобарин, бузғунчи ғоялар, зўравонлик вируслари, оммавий маданият, маънавий ва мафкуравий таҳдидлар жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Бундай жаҳолатга қарши албатта билим билан, маърифат билан, китоб билан "қуролланиб" кураша оламиз.

Зеро Президентимизнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам «Жаҳолатга қарши маърифат»дек улғувор ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини ёритиш, тарғиб қилиш, тушунтириш белгиланган.

ҚИЗЛАР ЎЗГАРИБ КЕТДИМИ...

ёки ижтимоий тармоқлар..?

Яқинда "Comedy.uz"да бир ҳажвий лавҳа кўрсатишдики, у кўпчиликни мушоҳада қилишга чорлайди: Одноклассники ижтимоий тармоғи "жинни"сини онаси овқатланишга таклиф қилди, аммо у кечаю кундуз ижтимоий тармоқдан бош кўтармай, тамадди қилишни рад этди. Ҳатто ул-бул

татишга ҳам унамади. Онаси қутилмаганда "Одноклассники"га уланган телефонни тортиб олиб қўйган ҳам эдики, унинг тутқаноқ касали қўзғалди.

Хўш, ушбу ижтимоий тармоқнинг қандай оҳанграбоси борки, у ўз фойдаланувчисини оёқ-қўлини ипсиз бойлаб қўймоқда. Маълумотларга қараганда, Одноклассникида 7 миллиондан ортиқ (2015 йилги маълумот) ҳамюртимиз рўйхатдан ўтган. Кўпчилиги кечаю кундуз вақтини ушбу тармоқда ўтказишади. Кечалари уйғониб кетиб, тармоққа кирсангиз, соат икки ё учда ўзингиз каби юзлаб бедор ёшларга дуч келасиз. Баъзан уларнинг бошқа қиладиган иши йўқми, дерсиз?! У ерда мактаб, коллеж ўқувчиларидан тортиб турли касб эгаларигача, ёши улғ отахону онахонларгача бор. Айниқса, коллежлар ўқувчилари-ю ўқитувчиларини "Одно...", «Facebook», «Instagram»да ва бошқаларда ҳам кўплаб учратамиз. Улар чекка қишлоқларимизгача кириб боришган. Ахборот асрида бу одатий ҳол, албатта.

Унда ёшлар асосан дўстлар билан SMS алмашиш, статусларга изоҳ ёки камент қолдириш, суратлар жойлаш, зўр расм ёки сўзларга класс босиш, баҳо қўйиш билан банд. Хоҳланг, қўшиқ тингланг ва телефонингизга юклаб олинг, хоҳланг, видео лавҳа томоша қилинг. Энг муҳими, уяли телефон оператори ёки провайдер энг мақбул тарифларда сизга ўз хизматини таклиф қиладики, сиз чўнтагингиз кўтарадиган арзон нарҳда бир неча гигабайт сотиб олиш эвазига "Одноклассники"да ёки бошқа ижтимоий тармоқда узок муддат "яшаш"ингиз мумкин.

Мен ҳам унда рўйхатдан ўтганман, яъни ўз профилимга эгаман. Мақсадим бутун дунёга сочилиб кетган синфдошларимни топиш эди, топдим ҳам. Аммо, ҳар куни "Одно..." ёки

«Facebook»га ташриф буюрар эканман, ўз исмини ошкор қилган ё сир тутган йигит-қизларнинг ёзишмаларига кўзим тушди, жумлаларда стилистик ва имловий хатолар кўплигидан нима деяётганига тушунмайсиз ҳам. Энг ёмони ўз akkaунтларига ўпишаётган икки лаб, беҳаё суратлар ёки хориж фильми қахрамони расмини қўйиб олган ўзбек йигитларининг ҳам қўполлашиб кетганига амин бўламиз. SMS ёзишмаларга разм солсангиз, саводсизларча, боз устига шевада жаргонлар билан ёзилганлиги майлику-я, аммо хурмачада турмайдиган қўпол сўзларни ишлатилиши гашингизни келтиради. Сўкиниб ёзилган ва ўз қадди-қоматини "реклама" қилаётган ўзимизнинг йигитларни кўриб ёқа ушлайсиз! Наҳотки, бу бизнинг Отабекдек тортинчоқ, андишали, одоб-ахлоқли ўзбек йигитларими, дейсиз ажабланиб? Улар уялмай нетмай ўз изҳорларини шу қадар беҳаёларча баён этишганки, ер ёрилиб кириб кетгудек: "Менга яхши қиз керак", "Чиройли қизларни севаман", "Асалларим сизлар учун", «Асалим, жоним бу сизми!» каби статусларни ўқиб, эсангиз қотади. Бу ҳали ҳолваси... "Мен ўша оқ отдаги шаҳзода", "Сексбола", "Хотинбоз" исмли профилларда бундан ҳам баттарроғини учратиш мумкин.

Ўзбек қизлари профилида меҳмон бўламиз, кўпчилиги ўз сурати ўрнида Шаҳзода, Райҳон, Ойдин Юсупова каби юлдузлар суратини қўйишдан ташқари исми шарифи ўрнида ору номусни йиғиштириб қўйиб, ўзини "Асалман асалча", "Наргиза асалча", "Фарзона асалча", "Ширинова Асал Шакаровна", "Асалча қизалок", "Кўзлари мунчоқ асалча" деб аташган. Бундай рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Келинг, уларнинг статусларига эътибор қилинг: "Ман сизни жуда соғиндим асалим" (Мубина), "Mani Mexribon Qizqanchu Akajonimde Ananib Kete Shirin Bup

Qosez" (Odiskaаа, Oydinchamanuuu), "Олмани отманг, баргини сотманг, мен сизни севаман, ҳеч кимга айтманг" (Мухайё, Махлиё)... Кўриниб турибдики, "Одно...", «Facebook» ёки «Instagram»да истиқомат қилаётган айрим қизларимиз ибo-ҳаёларини унутишган. Биз бундай нохуш ҳолатларни ғарб қизларидан кутган эдик, ўзимизнинг қизлардан эмас. Аммо улар бугун ғарблик тенгдошларидан андоза олишаётганмикин? Эътибор қилсангиз, улар на тортинчоқликни, на уялишни билишади. Билишганда, ўзларини ҳар хил "Ширинман", "Асалман", "Шакарман", «Ўзгаллик» деган сўзлар билан ўзини ва ҳусну жамолини "реклама" қилишмасди. Бу хислат ўзбек қизларига хос эмас. Аксинча бу оммавий маданиятнинг бир кўриниши. Наҳотки қизларимиз шу қадар "айниб" кетишмоқда?! Бу билан улар нимага эришишмоқчи? Ёки бу беҳаёликдан "шоҳлари" ўсиб чиқадими? Наҳотки қилаётган қилиқларидан ўзлари уялишмаса? Наҳотки ибo-ҳаёда тенгсиз ўзбек қизлари тубанлашиб кетаётган бўлишса? Наҳотки ота-оналари қизларига тарбия беришмаган бўлса?

Яна бир гап. "Одно...", «Facebook» ва «Instagram»га қадам қўйсангиз, қизларимиз ўз ярим-яланғоч суратларини тақдим этаётганига кўзингиз тушади, қуйишқонга сиғмайдиган бу қилиқдан уялиб этингиз жунжикадию, улар эса беҳаёлик "юрисш"ларини давом эттиришади. Наҳотки ўзбек қизлари шу қадар ўзгариб кетди, дейсиз ўзингизга ўзингиз? Бегона эркаклардан кўзларини олиб қочадиган иболи Кумуш ва Раънодек қизларимиз камайиб кетдимикин? Ҳа, ижтимоий тармоқлардаги миллионлаб йигитлардан уялмаган қизларимиз ўз отонаси, ака-укаси ёки турмуш ўртоғидан уялармиди? Албатта, «Юксак маънавият-енгилмас куч» асари таъбири билан

айтганда, ҳозирги кунда ахлоқсизликни маданият деб би-
лиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан,
эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги
тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тар-
биясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда
бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши
курашиш нақадар муҳим эканлигини англаб етмоқда.

Зотан, мен "Одно...", «Facebook», «Instagram» ёки бошқа
ижтимоий тармоқларга қора буюк чаплаш фикридан буткул
йироқман. Уларнинг ҳам жуда кўп фойдали тарафлари бор-
лигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қолаверса, қизларимиз ке-
чаю-кундуз ўз вақтларини бўлар-бўлмас "дўстлашишлар"-
га сарфламасдан, интернет кутубхоналаридаги нодир жа-
ҳон адабиёти намуналарини ўқишга ишлатишса фойдали-
роқ бўлармиди? А, лаббай?!

"ОДНО"ДАГИ ОДОБСИЗЛИК

Ёки оммавий маданиятнинг оқибатлари

Ҳозир интернет ҳеч кимга янгилик эмас. Унинг ижтимоий
тармоқларида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонлар-
ни, мактаб ўқувчисидан тортиб давлат раҳбаригача учрати-
шингиз мумкин. Унинг фойдали томонлари кўп. Бирок бу
тармоқда "яшаётган" ёшларимизда "қовун қовундан ранг
олади" деганларидек, оммавий маданият аломатлари кўзга
ташланаётганлигини ҳам инкор этолмаймиз. Куни кеча кол-
лежда "Одно" аъзоси бўлмиш сочини хўрознинг тожидек
қилиб олган, жинси шимини тиззасигача қайириб, ғарб ёшла-
ринидек тарам-тарам йиртган бир ўқувчини тўхтатиб тан-
беҳ бергандек бўлдим. Хўш, нега шундай? Нега фарзандла-
римиз ижтимоий тармоқлар "қули"га айланиб, ғарб ёшла-
рининг салбий жиҳатларидан андоза олиб, ўзгармоқдалар?

Нега ёшлар учун интернет ёки компьютер ўйинлари "ҳаёт-мамот" масаласига айланмоқда? Нега болаларимиз кечаю кундуз хоҳ уяли телефон, хоҳ компьютер орқали бўлсин, "Однокласники", "Твиттер", "Facebook", "Телеграмм", «В контакте», «Instagram» каби ижтимоий тармоқлардан бош кўтаришмайди. Мен ҳам уларнинг аъзосиман. Ёшларимизни хат ёзишмаларини кузатиб, ҳаминқадар саводини кўриб ташвишга тушаман. Биз одатда болаларимиз саводсиз бўлса, гиж-гиж имловий хатолар билан ёзса, мактаб ўқитувчиларини айблашга кўникиб қолганмиз. Бироқ ўқувчи ўрганишни истамаса-чи, домланинг бор саъй-ҳаракатлари фойда берармикин? Келинг «Однокласники» виртуал оламига кўз югуртирайлик Йигирма-йигирма беш яшар "Одно"чиларнинг "шукр"ни "шукур", "мен"ни "мин", "йўл"ни "юл", "кино"ни "кено", "қалай"ни "қале" ёзишларига ким айбдор? Домлами ёки ота-она? Менимча, бунга унинг ўзи, ўз устида ишламаслиги асосий сабабдир.

Энг ёмони, "Одно" «Facebook» ва «Instagram» каби ижтимоий тармоқлар турли ғоявий хуружлардан ҳимоя қилинмаганлиги билан ажралиб туради. Айтайлик, бугун унда ёшларимиз тарбияси учун ниҳоятда хавфли порнография ва турли хил ёт ғоялар тарғиботини учратишимиз мумкин. Масалан, боқулик Элда Сейдалиева ўзининг профилида озарбайжончада "у билан кўришиш ва ўз уйда учрашиш 25 манатга тушиши"ни баён этади ёки москвалик беахлоқ Зоя исмли қиз ҳам турли хил беҳаё расмларидан ташқари ўз телефон рақамини "дўстлари"га тақдим этади. Наманганлик Гули исмли қизимиз ҳам уялмай-нетмай порнографик суратларини эълон қилиш билан чекланмай, яна йигитлар билан "дўстлашиш" мақсадида ўз телефон рақамини ҳам кўп мил-

пион аудиториялик ижтимоий тармоқ ҳукмига эълон қилади. Фарғоналик Нилишқа эса ибo-ҳаё пардаларини йиғиштириб, йигитларни ўз қучоғига чорлайди. Наҳотки қизларимиз ўз қилиқларидан уялишмаса? Мен буни ҳеч иккиланмай фарбдаги очик беҳаёлик таъсири, деб айта оламан. Миллий маданиятимизда бундай беҳаёликлар қаттиқ қораланиши ҳаммамизга маълум. Албатта, бинойий ёшларимизни ушбу нотўғри профилларга кирмаслигига ва ўзини фоҳиша деб аташдан уялмайдиган, юзида ҳаё пардаси йўқ қизлар билан дўстлашмаслигига ҳеч ким кафолат бераолмайди. Бундай мисолларни минглаб кўрсатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, бундай порнографик суратлар ва турли хил беҳаё фикрлар улғайиб бораётган фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши бор гап. Содда қилиб айтганда, бугун "Одно" ёки «Facebook», «Instagram» ва бошқалар маълум маънода шунга хизмат қилмоқда. Наҳотки, қизи ё ўғлига палон миллион сўмлик сотка ёки компьютер олиб бераётган ота-оналаримиз фарзандлари нима билан шуғулланаётганидан беҳабар бўлишса? Худо кўрсатмасин, бирор экстремистик сайт орқали бузғунчи гуруҳлар билан ўралашиб қолишса-чи? Ёки "дўстлашганингиз" сизни "Одноклассники.ру" фильмидагидек сотиб юборса, қул қилиб ишлатса алам қилмайдими? Севиб қолганингиз террорчи бўлиб чиқса, бошингизни қаерга урасиз! Хўш, нима қилиш керак? Халқ мақолида айтилганидек, ўзини маҳкам тутиб, қўшнини ўғри санамаслик керак! Гап яна ёхши-ёмонни фарқлаш, турли хил алдовларга учмаслик, осмонўпар ваъдаларга лаққа тушмаслик, етти ўлчаб бир кесиш ҳақида кетаяпти.

Яна профилларга "саёҳат" қиламиз. Бугун "Одно" да ўз исмини ошкор қилмасдан машҳур юлдузлар сурати остида

тахаллус қўйиш одат тусига кирган. Келинг, йигит ва қизларимизнинг ўзларига қўйиб олган лақаб ва тахаллусларини ўқиймиз: "Юличка Красотка", "Шаддод киз", "Милый катёнок", "Ёқимтой қизалоқ", "Диявол (шайтонча)", "Севги фариштаси", "Секс қироли", "Жонимисан жонингни олай", "Жим мани курма Диз ман АдноДа Юрмиман", "ОООоооООО, КККkkkККК", "Қўшиқчи йигит, бир-бало, бир-бало", "Ойинга айт мани (куёвим) демасин", "Красавчик Улугчик", "Акасининг ёқимтойи", "Тожик бачча", "Ширинча-қизча" каби лақаблар кишининг ғазабини кўзғайди, холос. Тузукроқ лақаб топилмадими ёки ёшларимиз шу қадар бачканалашиб кетдими, дейсиз? Аслида тахаллус чиройли сўздан иборат бўлиб, инсонга завқу шавқ бағишлаши керак. Ўзини ҳамманинг кўз ўнгида шайтон, фаришта ёки шакар, захар, асал-новвот деб сифатлаш ақлли одамга хос хислат эмас, шекилли. Ёки йигитларимиз ярим-яланғоч сурати билан "Аллоҳни севаман" деб тахаллус қўйиши қайси маданият қоидаларига тўғри келади? Ёшларимизнинг уйламай-нетмай босилаётган бу "қадамлари" ўзларига эриш туюлмайдими? Ёки қизлар сурати ва исму шарифи билан "фаолият кўрсатаётган" йигитларимизни қандай деб аташ мумкин. Бу тортинчокликми ёки қизларга ҳавасми? Ҳадисда айтилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатланадилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий тармоқларнинг салбий томонларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш, саводи ва маданиятини оширишга чорлаш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

"ЎРГИМЧАК ТҮРИ" ДАГИ ТУЗОҚ

Ҳозирги кунда узоқ ва яқин теварагимизда юзага келаётган вазият ҳақида сўз юритар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётгани, қарама-қаршиликларни ҳал қилишда куч ишлатишга зўр бериш, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётгани ташвишланарли ҳолдир. Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Энг ёмони, эндиликда диний экстремистик кучлар ўз ботил мақсадларини амалга оширишда, мафқураси бўш ёшларни ўз қармоқларига илинтиришда ва чалғитишда, бузғунчи ғояларини ёйишда "Интернет" халқаро ахборот тармоғидан кенг кўламда устамонлик билан фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Гап шундаки, ғаламис ва ақидапараст оқимлар ғўр ва содда ёшларни турли хил ёлғон-яшиқ ғоялар билан ўзига оғдиршга ҳаракат қилади. Иймон, диёнат, дин ҳақида гапирётган бу жоҳилларнинг ўз қилмишлари на дин, на иймон қодаларига мос келади. Аслини олганда инсонни тўғри йўлдан оздириш ҳам ғуноҳи азимдир.

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида таъкидлаганидек «Ислом-ҳақиқатни англаш демакдир у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз ислом динидан зўравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишига уринаётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қилаолмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қиламиз».

Сўнги йилларда бузғунчи оқимларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар 7000 дан ошганлиги, ижтимоий тармоқларида ақидапараст кучларнинг тузоқлари ҳар қадамда учраб туриши, баландпарвоз ваъдалар, ёлғон маълумотлар ортида бузук эътиқодлар яширинганлиги ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. Аслини олганда инсон қаерда, қандай маълумот олмасин, албатта текшириб кўриши ва уларга кўр-кўрона эргашмаслиги, бузғунчи оқимлар ҳақида бор ҳақиқатни билиши керак. Зеро, Аллоҳ таоло марҳамат қилганидек, "(Эй инсон) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)" (Исро, 36). Албатта, айрим ёшларнинг адашаётгани, бузғунчи гуруҳларга қўшилиб қолаётганининг бош сабаби ҳам билимсизлик ва ишонувчанлик оқибатидандир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "ал-Қоида" каби террорчи ташкилотлар ўз тарғиботларининг 99 фоизини интернет орқали амалга оширишади. Гап шундаки, жиноий ташкилотга тааллуқли бўлган веб саҳифаларнинг бирида фойдаланувчиларга юклаб олиш учун "қизиқарли" журнал таклиф этилган бўлиб, унинг саҳифаларидан қўлбола бомба тайёрлашга ўргатувчи кўрсатмалар жой олгани, шунингдек, болалар ўртасида худкушликни тарғиб этувчи махсус мультфильмларни ишлангани, ҳар қандай йўл билан нав-ниҳолларни қўпоровчиликка қизиқтиришга ҳаракат қилинаётгани ҳар биримизни ташвишга солмай қўймайди.

Карим исмли бир йигитнинг ҳикоя қилиб беришича, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ишлаб юрган кезларида телефонига Нисо сурасининг 97-оятини ўқинг, деган SMS келади. Укаси ва шерикларидан оятнинг мазмунини шарҳлаб беришларини сўраса, улар Ислом давлатини барпо этишдан иборат, деб жавоб беришади. "Шу тариқа мен ҳам уларнинг даъватларига қизиқадиган ва интернет орқали бўладиган ақидапарастликка йўғрилган мулоқотларни интизорлик билан кутадиган бўлдим, - дейди иқрорнома-сида Карим, - ниҳоят, мен укам билан бирга жиҳод қилишга тайёргарлик кўриш ва Сурияда бўлаётган қуролли тўқнашувларда бевосита иштирок этиш мақсадида Истанбулга йўл олдик... Чегарани бузган ҳолда сим тўрлар тагидан Сурия ҳудудига ўтдик. Сурияда бўлаётган қонли тўқнашувларда иштирок этиб, укамдан айрилдим.

У ерда кўрган қора кунларим менинг кўзларимни очмади. Қарийб беш ой сарсон-саргардонликда юрганимдан кейин ортга қайтишга қарор қилдим. Мақсадим юртимга келиб, халқни жиҳод қилишга тарғиб этиш эди...

... Мен бугун суднинг қора курсисидан ўтириб, бир нарсани айтмоқчиман. Аслида мен зулмат оламидан нур излабман, оёғим остида турган нурли ва чароғон йўлни кўрмасдан охири йўқ, боши берк кўчага кириб қолганимни билмаган эканман". Албатта, Карим сингари айрим адашганларнинг қисмати кўпчиликка сабоқ бўлиши мумкин. Бироқ ана шундай ёшларнинг бузғунчи тўдалар исканжасига тушиб қолишида бир томондан ота-она, қариндош-уруғ, яқинлар, жамоатчиликнинг жиндак бепарволиги ҳам сабабчмикан? Наҳотки биз айрим миллатдошларимизнинг заллат ботқоғига ботаётганини пайқамадик? Ёки ўз ташвиш-

ларимизга ўралашиб қолдикмикан? Саволлар кўп, аммо жавоб эса... Азиз ота-оналар! Ҳали ҳам кеч эмас. Интернетга боғланиб бораётган, бошини кўтармаётган, унга муккасидан кетган фарзандларингизни назорат қилинг, тарбия беринг, тўғри йўлга солинг. Шояд, бир кун келиб, улар сизу бизнинг юзимизни ерга қаратиб қўймайди. Зеро бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, иймон-этиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслигимиз керак.

ХОИНЛИК

Жирканч иллатлардан бири

Ҳар бир инсон ўз юртида азиз. Она юртида ҳар бир киши ҳалол меҳнати орқали қадр-қиммат топади. Аммо айрим ватанфуруш кимсалар ҳам борки, ўзгалар ногорасига ўйнайдилар. Аслида Ватанни севиш иймондандир. Унга

хиёнат қилиш эса кечирилмас кўрнамакликдир. Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган "Ватан хоинлари" кўрсатуви-ни кўрар эканман, хаёлимдан Биринчи Президентимизнинг куйидаги фикрлари чарх ура бошлади: Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу сотқинликдир. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликда кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатда сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолади, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Агар теварак-атрофимизда бирорта кишида бундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дарҳол тарбиямизга олиб, тўғри йўлга бошлашимиз керак". Албатта, тарихда бу ҳаётий ҳақиқат кўп бора ўз тасдиғини топган. Ривоят қилишларича, қадимда Фарғонада бир мустаҳкам қалъа бўлган эмиш. Кунлардан бир куни ушбу кўрғонни душман юрт шаҳзода қамал қилибди. Аммо одил подшо атрофида бирлашган кўрғон аҳолиси қалъани шу қадар жонбозлик билан ҳимоя қилибдики, бир неча йил ўтса ҳам ғаним шаҳзодаси қалъани ишғол қила олмабди ва шундан сўнг у хийла йўлига ўтибди. Қамалдаги подшоҳнинг якка ёлғиз Далварзин исмли қизига шаҳзода мактуб йўллабди: "Агарда сен кечаси қалъа дарвозасини очиб берсанг, мен уни эгалласам, сенга ўйланиб, салтанатимнинг маликасига айлантираман", - деб ёзибди шаҳзода. Малика ҳам шаҳзоданинг найрангига учиб, ярим тунда душманга дарвозани очиб берибди. Душман қалъани эгаллаб

хаммани қиличдан ўтказибди ва шаҳарга кириб келаётган шаҳзодага пешвоз чиққан малика унга ваъдасини эслатибди. У қуйидагича жавоб берган экан: "Сен ширин ваъдага ишониб ўз отангни сотдингми, демак биров лақиллатса мени ҳам сотасан. Шунинг учун мен сотқинга уйланомайман", - дея маликани қатл эттирган экан.

Ҳозирги кунда Ироқ ва Сурияда юртига хиёнат ва кўрнамаклик қилиб, қўли қонга ботиб, жангарилар сафига қўшилган террорчилар орасида афсуски, мамлакатимиз фуқаролари ҳам бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда таъкидлаганидек, ашаддий террорчи ва экстремистлар ўз йўлидан қайтмайди. Уларнинг мияси, бутун ҳужайраси заҳарланиб, қўли қонга ботиб бўлган. Уларга гап ўқтириб, инсофга чақиришнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Шунинг учун ҳам ҳар қайси маҳалла, ҳар бир туман ва вилоят ўз ҳудудидан чиққан, чет элларда террорчилар сафида юрган ашаддий экстремистларни Ўзбекистон фуқаролигидан чиқариш ҳақида Ўзбекистон Президентига таклиф киритиши зарур.

Бу масалани, аввало чуқур ўрганиш керак, айби исботланган тақдирда мен уларни Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилишга тайёрман. Оқни - оқ, қорани - қора дейишга вақт келди. Бизга бундай нонқўрлар керак эмас". Президент ҳақ. Ватан хоинлари - террорчи-экстремистлар муқаддас Ўзбекистонимиз фуқаролигига лойиқ эмас. Фуқаролик - бу шараф. Хоинлик эса бу юксак шарафга исноддир.

Сотқинлик гуноҳ амаллардандир. Ўз юртини нон-тузини еб, унга тупуриш инсонга хос бўлмаган иллатдир. Ота-

боболаримиз бундайларни "нон-туз кўр қилади" дейишди. Дарҳақиқат, кўрнамакликни тарих ҳам, халқ ҳам кечирмайди. Наҳотки, шу юртда улғайиб, камол топиб, рўзғор тебратиб юрса-ю, бегоналар қутқусига учиб Ватанига хиёнат қилишга виждони йўл қўйган бўлса?! Сотқинларни виждони бор дейишга тилим ҳам бормайди. Аксинча, виждон бўлганда улар жондан азиз мамлакатига хиёнат қилишмаган, қадамини билиб босишган бўлармиди? Зотан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, ... мен ҳам ўз тажрибамда синаган ҳаётий бир ҳақиқатни яна бир бор такрорлашни зарур деб ҳисоблайман: агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тан-у бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди".

ҚАДАМИНГНИ ЎЙЛАБ БОС...

Ҳозир ҳаммада уяли телефон бор. Коллеж ва мактаб ўқувчисининг қўлида ҳам қимматбаҳо ва алламбало "сотка"ларга кўзингиз тушиши мумкин. Ушбу "матоҳ"ларнинг аксарияти интернет халқаро ахборот тармоғига уланганига, унинг ёрдамида улғайиб бораётган ёшларимиз дунёни кафтдек кузатиши мумкинлигига нима дейсиз? Албатта, жумлаи жаҳон кафтингизга намоён бўлса, қандай ажойиб! Аммо, ёшларнинг халқаро ахборот тармоғидан фақат кўнгилочар восита сифатида фойдаланаётгани, мусиқа кўчириш, клиплар, кинолар кўриш, турли "вахшиёна" ўйинларни ўйнаш, "йигит-қиз" танишуви билан оввора бўлаётгани вақтни беҳудага сарфлашдан бошқа нарса эмас. Вақтни исроф қилиш эса гуноҳи азимдир. Аъроф сурасининг 31-оятда "У исроф қилувчиларни севмайди", деб огоҳлан-

тирилган. Ахир интернет орқали электрон кутубхоналарга кириш ва зарур маълумотларни ўқиш ҳам мумкин-ку? Санкт-Петербург ёки Лондон электрон кутубхоналаридан зарур асарларни топиб, мутолаа қилишга нима етсин? Дарҳақиқат, монитор қаршисида ўтириб, қараш ҳаром қилинган беҳаё суратлар ёки видео лавҳаларни томоша қилишдан кўра бизнинг фарзандларимиз учун жаҳон адабиётларини мутолаа қилиш минг чандон фойдалироқ эмасми? Қолаверса, ҳадиси шарифда ривоят қилинади: "Расулulloҳ (с.а.в.); (Номаҳрамга) қаровчини ҳам, қаралган одамни ҳам, (шунга рағбат қилса) Аллоҳ лаънатласин", деганлар. Минг таассуфки, бугун ёшларимиз виртуал оламда компьютер ёки уяли телефон тугмасини бир ёки икки марта босиб, исталган шахвоний фильмни томоша қилиб, ўз телефонига юк-лаб олаётгани ва блутиз орқали бошқа телефонларга тарқатаётгани, энг ёмони, бундай беҳаёликни тарғиб қилувчи сайтлар миллиондан ошиши бор ҳақиқат эканлигидан кўз юмолмаймиз. Келинг, рақамларга кўз югуртирайлик: ушбу беҳаё ва бузуқ сайтлар "сайёҳ"ларининг асосий қисмини 12-17 ёшли ўсмирлар ташкил этаётгани, виртуал оламга қадам қўяётганларнинг аксарияти ана шундай сайтларни "қидирув"га бериши ва "мириқиб" кўриши сизу бизни бифарқ қолдирмаса керак, азиз ота-оналар. Коллежда ўқитувчилик қилувчи танишим айтиб берган бир воқеа ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди: У дарсига халақит бераётган ўқувчининг уяли телефонини олиб қўйгани, "қаҳрамонимиз" маъруза тингламай, ўқув машғулот мобайнида порнографик видео лавҳаларни томоша қилгани, қолаверса қўлидаги матоҳда бундай фильмлар тўлиб кетганини эшитиб, ҳар қандай киши ёқа ушлайди? Бу қизиқишми ёки

тубанлик? Бироқ нима бўлган тақдирда ҳам сизу бизнинг боламизга бепарволигимиз, ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз оқибатида у ана шундай аянчли ҳолга тушиб қолган. Наҳотки фарзандларимиз фаҳш улкан қабихлик ва гуноҳи азим эканлигини тушунмаса? Ҳақиқатан ижтимоий тармоқлардаги порнография, ваҳшийлик ва бузғунчи ғоялар "қучоғи"-га тушган, онги ва тафаккури ривожланмаган, ёшларимиз тубанлашиб, сизу биздан узоқлашиб боради. Энг ёмони, вақти келиб у бизни юзимизни ерга қаратиши, ёки террорчилар, бузғунчилар, беҳаёлар сафига қўшилиб қолиши ҳеч гап эмас. Бугун ҳам чет элларда террорчи тўдалар сафига кириб қолаётган ёки беш юлдузли меҳмонхоналарда танафурушлик билан шуғулланаётганлар сафида ҳамюртларимиз борлигини инкор қилолмаймиз. 2006 йилда ўтказилган сўровлар натижасига кўра, интернет ва уяли телефон болалар ва ўсмирлар учун "ўта хавфли восита" деб топилган. Биз зинҳор базинҳор, азиз ота-оналар, болаларингизга уяли телефон ва компьютердан фойдаланишни таъқиқланг, деган фикрдан йироқмиз. Аммо, ёшларимиз тарбияси билан шуғулланиш, тубанлик ботқоғига тушиб қолишининг олдини олиш ва назорат қилиш сизу бизнинг асосий вазифамиздир. Зотан Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бош вазир лавозимида ишлаган даврида «Ўқувчининг бўш вақти-душманнинг иш вақти» деганида ҳақ эди. Агарда биз бугундан фарзандларимизга эътиборлироқ бўлмасак, бошқалар ўз бор диққат-эътиборини унга қаратиб, ўз "тўри"га илинтиради. Ҳойнаҳой чет элларга ишлашга кетган интернетдан ўззукун бош кўтармаган айрим ёшларимизни ёвуз ва ғаразгүй тўдалар қармоғига тушиб, Ироқ, Сурия, Покистон, Афғонистонда алданиб юргани,

бузғунчилик билан шуғулланаётгани кўзимизни очмайди-ми? Демокчимизки, халқаро ахборот тармоғида тарқатилаётган беҳаё ва экстремистик материаллар ёшлар ахлокини издан чиқариб, келажакка раҳна солаётгани аниқ.

"Интернет орқали бир рус аёли билан танишиб, Санкт-Петербургда йўл олдим, - дея ҳикоя қилади Азиз исмли йигит, - у мени очик чеҳра билан кутиб олди. Бир неча ой у билан бирга яшадим. Отамнинг ҳаромдан узоқ юр, унинг оқибати йўқ, деган фикрлари ҳам эсимдан кўтарилди... Аммо, кейин билсам, у аёл фоҳиша экан. Унинг менга ўхшаган хушторларининг сони саноғи йўқ эди... Ишладим, пул топдим, бироқ энг ачинарлиси, мен рус аёлидан ОИТС касалини юктириб олибман. Бир онлик лаззатни деб ор-номусимни поймол қилганим, бедаво дардга йўлиққаним, ўткинчи ҳиссиётларга алданганим алам қилади". Азизнинг ушбу ҳикоясини эшитар эканман, сўнги пушаймон кишига душман эканлиги намоён бўлади, наҳотки унинг бу йўлга кираётганида "эсингни йиғиб ол" дейдиган инсон топилмаганлиги ич-ичимни тирнайди. Бузқулик аслида инсон учун ор-номус топталиши ва оқибати азоб-уқубатдир. "Фаҳш ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг" (Анъом, 151), дейилади Қуръони Каримда.

Биринчи Президентимиз "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида ёшларимизни чалғитишга, ўз домига тортишга, интернет орқали ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринаётган ғаразгўй кучлар ва кимсалар борлигига эътиборимизни қаратиб, сизу бизни огоҳликка даъват этади. Албатта, бунинг учун ҳар бир оилада одоб-ахлоқ тарбиясини жиддий йўлга қўйишимиз, фарзандларимизни бузқулик, бузғунчилик ва тубанликка тортадиган интернет зарарларидан ҳимоя қилишимиз зарур. Чинакам ҳимоя бу

ўғил-қизларимизни ўшбу зиёну зарарлар ҳақидаги бор ҳақиқат билан қуроллантиришдир. Бор ҳақиқатни билган фарзандларимиз эса зинҳор-базинҳор бундай нопок йўлга қадам қўймагай!

Бузғунчи оқимлар қутқуларига учмайлик

Бугун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадислари ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этади. Унда "Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У хотиржамлик ва сиҳат-саломатликдир" дейилади. Албатта Аллоҳнинг улўф неъматини - тинчликнинг қадрига етиш, ҳушёр ва эътиборли бўлиш лозимки, бу ўз навбатида шукроналикдир. Тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркор.

Ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилиқ, ғаразгўй кучлар, бузғунчи оқимлар таъсирига тушмай, балои офат келишини ўзоқдан англаб, уларни олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз ва ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслигимиз зарур". Зотан Исломи динида ҳам лоқайдлик, эътиборсизлик, бефарқлик ва ношукрлик салбий иллатлардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифларида таъкидланганларки, "Кимки тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам". Бундан ҳулоса шуки, ҳар ким шу осуда ва тинч бошланган куни учун Яратганга чексиз шукроналар айтиши керак. Шунда оиласига қут-барака инади, иши ўнгидан келади.

Халқ орасида фитна қўзғатиш, тўхмат ва иғво тарқатиш,

бузғунчилик билан шуғулланиш тинчлик ва хотиржамликни издан чиқарувчи ҳодисалардан ҳисобланади. Айни кунда турли хил зарарли оқимлар, ақидапараст қора кучларнинг кўзлаган мақсади ҳам изчил ривожланиш, барқарорлик ва хавфсизликка раҳна солишдан иборат. Содда қилиб айтганда, бузғунчи оқимлар сизу бизнинг тинч-осойишта ҳаётимизни кўролмайдилар, бу нобакорлар эл-юртларда низо ва уруш уруғини сочишни, шу орқали мўмай даромад орттиришни кўзлайдилар. Албатта, бутун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи ғоялар, оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш кечиктириб бўлмас вазифадир. Зеро бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунёда юз бераётган кескин зиддиятлар, тўқнашувлар ва қарама-қаршиликлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги турли можароларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Айниқса, ёвуз мақсадлари йўлида муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олган ғаразли ҳаракат ва кучлар соғлом фикрлайдиган ҳеч бир инсонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Дунёнинг турли бурчакларида, муслмон мамлакатларида рўй бераётган қўпоровчилик ва бузғунчилик ҳаракатларидан барчамиз тегишли хулоса чиқариб, доимо огоҳ бўлиб яшашимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Огоҳлик ва ҳушёр бўлиб яшаш тинчликни таъминлаш, турли хил кўнгилсизлик ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, зарарли жиноий-диний оқимлар, ғаразгўй кучлар ва миссионерлар тузоғига тушмаслик, оммавий маданият тўрига илинмасликнинг муҳим шартидир. Муҳтарам Президенти-миз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, минг афсуски,

зарарли диний оқимларга кирган болани "Бу қўшнининг боласи, бошқа қишлоқ ёки туманнинг боласи", деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Кимдир четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб, юрган бўлса, баъзи раҳбарлар, у Фарғонадан эмас, Андижондан, Қашқадарёдан эмас, Самарқанддан, деб бепарво бўлмоқда. Лекин, у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон фуқароси-ку!..

... Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми?" Ушбу аччиқ ҳақиқат мазмун-моҳиятини теран англаб, барча-барчамиз бепарво бўлмасдан ёшларимизни диний оқимлар таъсирига тушишидан ҳимоя қилмоғимиз зарур. Бу керак бўлса, келажакни асраш ва ҳимоя қилиш демакдир.

Мухтасар қилиб айтганда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Мусулмон киши шундай инсонки, унинг тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор чекмайдилар!" дея марҳамат қилганлар. Янада соддалаштириб айтадиган бўлсак, қўл билан бошқаларнинг фақат дунёси - саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказиш, тил билан эса - инсонларни турли бузғунчи ғояларга, жиноий гуруҳларга тарғиб қилиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиш орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин. Шундай экан, бундай жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, Ватанга содиқ бўлиш, унинг ҳар қарич тупроғини кўзига суртиш, чинакам фидойига айланиш - юрт тинчлигини мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса ҳисобланади. Зотан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ибораси билан айтганда, барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожланти-

риш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт.

“ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ ҚУЛФИ-КАЛИТИ БЎЛСИН!”

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида ҳам барчамиз диққат-эътиборимизни жаҳондаги кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучаяётган таҳликали вазиятда “юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт” эканлигига қаратди: “... Маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар фаоллари - барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозим.

Ишни ана шундай ташкил этсак, ҳар биримиз бу масалага бефарқ бўлмасдан, ўз боламизни, ўз уйимиз, ўз маҳалламизни ўзимиз асрайдиган бўлсак, мен ишонаман, бундай бало-қазолар ҳаётимиздан албатта йироқ бўлади”, - деди жумладан Давлатимиз раҳбари.

Албатта, Мухтарам Юртбошимиз Тошкент шаҳрининг

Сергили туманига ташриф буюрган чоғларида ҳам "ҳар бир туман, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир маҳалланинг қулфи ва калити бўлиши керак" деган ажойиб ғояни илгари сурдилар. Бу ғоя энг аввало, ҳудудга келиб-кетаётган турли хил ғаразгўй кимсалардан огоҳ бўлиш, куни тун ҳушёр ва сергак бўлиш ҳамда тинч-осойишта ҳаётни асраб-авайлашда намоён бўлади. Мажозий маънода аҳолининг, боринги, ҳар биримизнинг огоҳлигимиз Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳудудимиз эшикларининг қулфи ва зифасини ўтайди. Биз қанчалик террорчи ва бузғунчи оқимлар қутқуларидан огоҳ ва ҳушёр бўлсак, ҳудудимизга жиний тўдалар бош суқиб кира олмайди. Нафақат суқилиб кира олмайди, балки бош кўтаришга ҳам ботина олмайди. Қолаверса бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан эса бугунги шиддатли замонда маънавий-мафкуравий таҳдидлар ва оммавий маданият ҳам онгимиз ва қалбимизни эгаллашга уринаётгани, айрим ёшларимизни ўз исканжасига тортаётгани ҳам баайни ҳақиқат эканлигидан келиб чиқсак, зимдан кўзга кўринмас интернет орқали кириб келаётган хуружлардан огоҳ бўлишимиз талаб этилади.

Албатта, тинчлик ва осойишталик барчамизнинг огоҳлигимиз билан мустаҳкамланади. Маҳалламизга ва кўча-куйга кўзимиз тушган нотаниш кимсаларни сўраб-суриштириш, заррача шубҳа туғдирган ғаразли кучлар ва бузғунчилиги кимсалар ҳақида тегишли идораларга хабар бериш аслини олганда бизнинг виждоний бурчимиздир. Шундай қилмасак, бадкирдор кимсалар ўз чиркин мақсадларини амалга оширадлар ва тинчлигимизга дарз кетади. Бинобарин бир қарашда содда ва беайб кўринган кимсалар ҳорижда яъни ўлкаларидаги осойишта ҳаётга раҳна солиб, мактабу масжидлар, ту-

рар жойлар ва аҳоли гавжум манзилларни портлатаётгани ҳам бор ҳақиқат-ку?! Шунинг учун Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди...

... Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ташаббуси билан чиқаяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш - бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди".

Огоҳлигимиз бир томондан айрим адашган кимсаларни нотўғри йўлдан қайтаришимизга ҳам боғлиқ. Лоқайд инсонгина юртдоши адашса, жим қараб туради. Ҳақиқий ватанпарвар атрофидагиларни тўғри йўлга бошлайди. Очиғи, бугунги кун - лоқайд ва бепарво ўтирадиган замон эмас. Кўриб, билиб турганингиздек, Юрт раҳбари юксак садоқат ва фидойилик билан мамлакат истиқболи учун ҳаракат қилмоқда. Сизу биз ҳам Юртбошимиз ёнида мамлакатимиз келажаги учун жонни жабборга бериб, интилоғимиз айни муддао, деб ўйлайман.

Яна шуни айтиш жоизки, фарзандларимизни тинчлик неъматини қадрига етадиган инсонлар қилиб тарбиялашимиз керак. Ана шунда ҳар бир ўғил-қиз бир дам ҳам огоҳликни қўлдан бермайди, ҳудудларимиз қулфи мустаҳкам бўлади.

Қолаверса, ёш авлод онгу тафаккурини билим ва маъ-

рифат асосида шакллантириш энг муҳим вазифадир. Чунки билимли ва одоб-ахлоқли кишилар жиной тўдалар таъсирига тушмайди. Огоҳлик ва маърифат бундай маънавиётли инсонларнинг қалқонидир. Бу қалқон турли хил ёт таъсирлардан ишончли ҳимоядир.

Ҳозирги кунда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда "Жамоатчилик назорати масканлари" ташкил этилди. Ушбу масканлар ҳудудларга кириб-чиқадиган ҳар хил кимсаларни назорат қилиш, керак бўлса, жиноятчиликнинг олдини олишга кўмаклашмоқда. Ўз ўрнида бундай тузилма ҳар бир маҳалланинг эшигидир, десак сира муболаға бўлмайди. Айтинг-чи, маҳаллани ўз уйимиз десак, унинг тинчлигини асраш - эшикдан кириб келаётган қора ниятли кимсалардан огоҳ бўлишимизга боғлиқми-йўқми, ахир?! Албатта, боғлиқ, шундай қилмасак, уйимиз, маҳалламиз, ҳудудимиз тинчлигига путур етади.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда. Яна бир бор, такрор бўлса ҳам айтамыз, ҳудудларнинг хавфсизлиги - сизу бизнинг огоҳлигимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, азизлар, юртимиз тақдирига ҳар биримиз даҳлдор эканлигимизни унутмайлик! Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «барчамиз учун Ватан битта! Битта мақсад бизни бирлаштиради, у ҳам бўлса, Ватанимиз тараққиётидир! Муқаддас юртимиз, бағри кенг халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир». Зотан бошимиздан кечираётган давр барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилиш, орзу қилиш

эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта баҳоли қудрат курашишимиз даркор.

СОХТА САЛАФИЙЛИК

Ёки жаҳолатга қарши маърифат билан курашайлик

Муқаддас динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тўхмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди.

Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар етиб тарбиялашимиз керак эмасми?"

Энг ёмони, ғоявий хуружларнинг турли йўллар билан, яъни устамонлик билан олиб борилаётгани, ёшларимизни тўғри йўлдан уришга, диний оқимлар сафига турли хил усуллар билан жалб қилишга ҳаракат қилинаётгани ҳар қандай соғлом фикрли одамни ташвишга солмай қўймайди. Албатта, иймон-эътиқодли, оқу қорани фарқлай оладиган билимли инсонгина бузғунчи гуруҳлар қутқусига учмаслиги мумкин. Бунинг учун албатта ҳаммамиз, юксак билим ва маъна-

вий фазилатлар билан "қуролланишимиз" лозим. 2014 йилнинг 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонида уламо-лар ва жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда Биринчи Президентимиз ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш ҳақида гапирар экан, фарзандларимизни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Яъни "Биз ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланишимиз учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак".

Хайрли ишларни куфр деб бўладими?

Бузғунчи экстремистик оқимлардан бири бу сохта салафийликдир. У исломнинг дастлабки уч асрига мувофиқ яшаш тарзини тарғиб қилувчи тажовузкор тоифадир. Ушбу ёвуз гуруҳ араб ва ислом мамлакатларида тарқалган бўлиб, эндиликда бизнинг минтақамизга ҳам суқилиб киришга ҳаракат қилмоқда. Аслини олганда, мутаассиблар ислом динининг ҳар бир замон ва маконга мослаша олишини тан олмайдилар. Қолаверса, Расулulloҳ (с.а.в.), саҳобалар ва азиз авлиёлар қабрларини зиёрат қилишни улар куфр ва ширк ҳисоблайдилар. Кўзини ёғ босган ушбу қора кучлар бир пайтлар Мадинада саҳобаларнинг қабрларини бузиш билан чекланмай Пайғамбаримиз қабрларини вайрон қилишга ҳам уриниб кўришган. Уларнинг иддаоларича, "мозоротга бориш куфр эмиш". Аслини олганда, Пайғамбаримиз ҳадиси шарифда марҳамат қилади: "Сизларга қабрлар зиёратини таъқиқлаган эдим. Мана энди қабрларни зиёрат этаверинг, зеро у сизларга охиратни эслатади. Хўш,

инсонга бир дунё ҳикмат ва савоб келтирувчи ибратли амални қандай қилиб "куфр" ёки нотўғри деб аташ мумкин? Бу қип-қизил жиннилик эмасми?

Тараққиёт кушандалари

Бир сўз билан айтганда, сохта салафийлар бугунги тараққиётни инкор этадилар. Демократик тамойилларга зид бўлган халифалик давлатини қуриш мазкур ёвуз гуруҳларнинг асосий мақсадидир. Сохта салафийлар ҳозирда биз ишлатиб келаётган милодий йил ҳисобидан фойдаланишни қатъиян таъқиқлайдилар. Устига устак янги йил каби байрамларни нишонлаш ҳам манъ қилинган. Улар шу қадар тубанлашиб кетишганки, ҳатто костюм-шим, пальто кийиш, галстук тақилишига тўсқинлик билдирадилар. Яъни, сохта салафийларнинг чиркин ғоялари содда қилиб айтганда, қўрқув ва зўравонлик, қонхўрлик ва ваҳшийлик устига қурилган.

Исломда "салаф" арабчада аждодлар, аввал яшаб ўтганлар маъносини ифодалайди. Аслида салаф деганда Мухаммад (с.а.в.) замонида ҳамда ундан кейинги даврда яшаган мусулмонлар тушунилган. Яъни ислом уламолари саҳобий, тобеин ва тобаа тобеин, аниқроғи, илк мусулмонларни "салафи солиҳ", яъни "солиҳ аждодлар" деб аташади. Бундан кейингиларга нисбатан салаф ёки салафий тушунчаларини ишлатиш мумкин эмас. Сохта салафийлар эса "салаф солиҳларга эргашиш" ниқоби остида мусулмон жамиятларини илк ислом даврига қайтаришни тарғиб қилишмоқдаки, шунинг ўзи тараққиёт кушандаларининг қораниятини исботлаб турибди.

Ибн Таймия ва унинг тажовузкор ғоялари

Сохта салафийликнинг ақидавий, ҳуқуқий ва фалсафий

асосларга эга бўлиши суриялик Ибн Таймия фаолияти билан боғлиқ. Ҳаёти давомида ўзининг тажовузкор қарашлари оқибатида тўрт марта қамалган, қамокда вафот этган бу шахс "сохта салафийлик" ҳаракатининг назарий асосчисидир. Ибн Таймиyanинг "давлатни шариат асосида бошқармаётган ҳукмдорга жиҳод эълон қилиш мумкин"лиги ҳақидаги бузғунчи қарашлари, бу борадаги фатволари Ислом ғоялари билан ниқобланган радикал-экстремистик кучларнинг шаклланишига замин яратди. Маълумки, "Аҳли сунна вал-жамоа" эътиқодига кўра, ислом арконлари бештадир", яъни имон, намоз, рўза, закот ва ҳаждир. Аммо сохта салафийлар "жиҳод - олтинчи аркон ва жиҳод қилиш фарзи айндир" деган нотўғри ғояни илгари суради. Унинг қуролли жиҳод сифатида талқин қилиниши жиҳод кураши диний экстремизм ва терроризмнинг бир кўриниши эканлигини англатади. Бундан ташқари, Жухаймий Утайбий ва унинг тарафдорлари каби сохта салафийларнинг 1979 йилнинг ноябрида Маккадаги "масжид ал-Ҳаром"га ҳужум қилиши ҳам қонхўр гуруҳларда на виждон, на эътиқод, на муқаддас тушунча йўқлигини яна бир қарра исботлайди. Сохта салафийлар қандай шаклда бўлмасин ва қандай ғоя устида ҳаракат қилмасин, бузғунчи моҳияти ўзгармай қолмоқда, ҳар қандай янгиликка "кескин қаршилик" билдирилиши, анъанавий мазҳабларнинг инкор қилиниши, тасаввуфни тан олинмаслиги, қабристонларни зиёрат қилинишига йўл қўйилмаслиги бузғунчиликни яққол намоён бўлишига хизмат қилмоқда. Сохта салафийлар ўз ғояларини ёйишда яширин "ҳужралар" тизими фаолиятини кучайтириш, унда асосан ёшларни ўқитиш ва онгига "халифалик", "жиҳод", "шаҳидлик" ғояларини сингдириш орқали ўз таъсир доираларини кенгайтириш, янги "жамоат"ларни тузишга асосий эътибор қаратишмоқда. Аниқ-

роқ қилиб айтганда, бундай ғаразгўй кучларнинг асосий нияти - ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабиҳ нияти йўлида фойдаланиш эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, биз муқаддас динимизни нотўғри талқин этаётган ва уни ниқоб қилиб, бизни орқага, ўрта асрлар ҳаётига қайтаришга уринаётган бузғунчи кучларга қарши кескин курашиб келдик. Бундан кейин ҳам қатъий кураш олиб борамиз. Халқимизни ишонтириб айтаман: мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига раҳна солишга уринадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига қарши биз кескин зарба беришга қодирмиз.

ОҚ СУТ ҲАҚҚИ

ёхуд тўғри йўлдан адашмаслик саодати

Ойнаи жаҳон ёки интернет халқаро ахборот тармоғига кулоқ солсангиз, дунёнинг қай бир гўшасида террорчилик содир бўлгани, минглаб беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилгани ва қўпоровчиликни уюштирганликни қай бир бузғунчи ташкилот ўз зиммасига олганига гувоҳ бўласиз. Наҳотки, беғуноҳ инсонлар қонини тўкиб ёки Суриядаги кўҳна шаҳарларни вайрон этиб, нимагадир эришиш мумкин бўлса? Ироқ ва Шом ислом давлати қуришга даъво қилган бу бузғунчи ташкилотнинг қайси бир иши муқаддас динимиз қонун-қоидаларига жавоб беради?! Боғдоддаги жомеъ масжид -Оллоҳнинг уйини портлатилишими? Ёки она сути оғзидан кетмаган норасида гўдакларни танлаб олиб, худкушликка ўргатишми? Ёки динимизда қадрланган аёлларни хўрланишими? Санайверсак, шайтон малайларининг

кирдикорлари кўп? Аслини олганда, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади, "Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга меҳр-муруватли бўлишга буюрур ва сизларни бузуқликдан, зўравонликдан, жамики ёмон ишлардан қайтарур.

У зот, шояд ибрат-эслатма олсангиз, деб сизларга панд насиҳат қилур" (Қуръони карим, 16:90). Аммо дин ниқоби остида беркинган террорчилар эса ўз қора қилмишларини давом эттиришмоқда. Улар на Яратганнинг муқаддас каломи, на пайғамбари (с.а.в.)нинг ҳадисларидан хабари бор. Бир сўз билан айтганда, бу кимсалар билимсиз ва саводсиз жиноятчилардир. Худодан қўрққанлар одам жонига қасд қилиш у ёқда турсин, ҳатто Яратганнинг нимжонгина махлуқоти - чумолига ҳам озор бермайди. Алвастидек сочи, соқоли ўсиб кетган, бўйнигача гуноҳга ботган, бундай қўли қон, ранги совуқ террорчи кимсаларни одам дейишга тилинг бормади. Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ироқ ва Сурияда Ироқ ва Шом ислом давлатини ўрнатамиз, деган ғоя билан ёвуз, ваҳший бир куч пайдо бўлди. Уларнинг жирканч қиёфасини оммавий ахборот воситаларида берилаётган лавҳалар орқали кўриб турибмиз. Улар муқаддас ислом динининг бутун дунёда обрўсини тўкмоқда. Аслида бу ёвуз кучларнинг муслмончиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ваҳшийлик, одам ўлдириш, одамларни қўрқитиш, гаровга олиш ислом динига тамоман ёт нарсалар".

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳри метрополитенида содир бўлган террорчилик хуружлари, Туркиянинг Истанбул ва Мисрнинг Александрия ва Танте шаҳарларидаги портлашлар Ироқ ва Шом ислом давлати террорчилик ташкилотининг асл башарасини, жинойи қилмиш-

ларини яна бир бор намоён этди.

-Санкт-Петербургда рўй берган машъум воқеа оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдираман, - деди Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига ташрифи чоғида, - Терроризм чегара билмайдиган хавфдир, шу боис унга қарши барча кучларни бирлаштирган ҳолда курашиш лозим.

Дарҳақиқат, тинчлик, мусаффо осмон учун курашмоқ керак. Бунинг учун эса биринчи навбатда, террорчилар, қора кучлар, ғаразгўй кимсалардан огоҳ бўлишимиз шарт ва шу йўлда бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, диний қарама-қаршилиқ, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни хавотирга солмоқда.

Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур.

Айниқса, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида миллатимизга мансуб кимсалар борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда.

Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсдан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб, деб ҳисоблайди". Президент ҳақ. Минг таас-

суфки, Россия Федерациясига ишлаган кетган айрим ёшларимиз билиб-билмай бузгунчи оқимлар алдовларига учиб, Ироқ, Сурия ва Афғонистондаги жангарилар сафига қўшилиб қолаётгани ёки террорчилик хуружларини уюштираётганлар сафида борлиги ичимизни тирнайди. Наҳотки кечатгина ёнимизда тинч-тотув ҳаёт гаштини сурганлар бугун нотинч ҳудудларга террорчилар билан елкама-елка ваҳшийликка қўл урмоқда? Наҳотки, биз уларнинг чет элга чиқиб кетишига ёки жангарилар сафига қўшилишига жим қараб турдик? Наҳотки, ота-оналар фарзандларидаги жиний оқимларга мойилликни сезмадилар? Хоҳлаймизми-йўқми, уларнинг террорчиларга айланишида сизу бизнинг ҳам айбимиз бор. Ҳамма гап яна бепарволик, лоқайдлик ва эътиборсизликка бориб тақалади. Аммо афсуски айрим ота-оналар фарзандлари томонидан чет элдан юборилган жарақ-жарақ пул оқиб келаётганига маҳлиё бўлиб, уларнинг нима иш билан шуғулланаётганини сўраб-суриштиришмади? Ёки иш излаб, чет элга йўл олган танишимизни юртимизда олиб қолишга интилмадик. Аксинча, мусофир бўлса, ҳаётни ўрганади, катта-катта пул топади, деб уни рағбатлантириб, хорижга кузатиб қўйдик. Хўш, нима бўлди? Жангарилар сафига қўшилган ёшларнинг ота-оналари, яқинлари қандай қилиб, маҳалла-қуйда бош кўтариб юраолади? Бепарволикка берилган сизу биз нима деган, одам бўлдик? Ахир уларни чет элга жўнатмаслик ёки ишга жойлаш, кўмаклашиш қўлимиздан келмасмиди? Кўз олдимизда бўлишганда тўғри йўлдан адашишмасмиди?! Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлиги асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда алоҳида айтиб ўтганидек, "Бугун қанча ёшлар сох-

та алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухласдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми?

Ахир кечагина шу ёшлар ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку? Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди?

Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урди-ю, улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?

Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади.

Юртимизда яшаётган, оиласини, фарзандларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳеч бир инсон, дин арбоблари, жамоатчилик вакиллари бу ҳаёт-мамонт масаласидан четда турмаслиги керак.

Мана, ўзингиз кўраяпсиз, Афғонистон, Сурия, Ироқ, Ливия каби давлатларда нима бўлаяпти? Яна қандай мисоллар керак ўзи? Бу фожиалар барчамизнинг кўзимизни очиши зарур эмасми?"

Хўш, ёшларимизни турли хил бузғунчи оқимларга кириб қолишининг олдини олиш учун нималар қилишимиз керак? Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда ана шундай жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигига яна бир бор эътибор қаратди. Бундай кучларнинг ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илинтиришига ҳеч қан-

дай имконият бермаслигимиз керак. Айрим мамлакатлардан ҳам кўплаб ёшлар билиб-билмай террорчиларга қўшилиб, ана шундай "ўйин"ларда қатнашяпти. "Ўйин" деб мана шу ваҳшийликларни-жаҳолатни айтаяпмиз. Биз бундан доимо огоҳ бўлиб, масаланинг моҳиятини биринчи навбатда ота-оналарга етказишимиз муҳим. Оналарнинг ўз болаларига тўғри йўл кўрсатиши, мен сенга оқ сут бериб катта қилганман, мени рози қилишни истасанг, бундай йўлларга юрмайсан, деган гапларни айтиб, ёшларни кўзини очиши ва тўғри йўлга бошлаши даркор. Ана шунда ёшларимиз ҳеч қачон бундай йўлларга кирмайди. Албатта касални даволагандан кўра олдини олган афзал! Ота-оналарнинг фарзандларини чет элга ишлашга юбормай, аксинча бугунги кунда Муҳтарам Президентимиз томонидан ишбилармонларга, ёшларга ўз бизнесини очишга бел боғлаган, оилавий тадбиркорларга, яхши яшашга, бой бўлишга интилган юрагида ўти бор, ишнинг кўзини билган инсонларга яратиб берилаётган имкониятлардан, «Ҳар бир оила-тадбиркор» ва «Ёшлар-келажагимиз» давлат дастурларидан унумли фойдаланишса, ўйлаймизки, нур устида нур бўлади. Чунки бир қарич томорқада иссиқхона яратиб ёки паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, тикувчилик орқасидан чет элга бормасдан яхши яшаётганлар юртимизда қанчадан-қанча!

Аслини олганда, фарзандини тақдирини ўйлаган ота-она юртимизда уни ўз ўрнини топишига кўмаклашиб, чет элга ишлашга кетишини йўл қўймайди, боласини турли хил бало-қазолар, таҳдидлар, хуружлардан авайлаб-асрайди! Аниқроғи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Ўз уйингни ўзинг асра" деган даъватга бугун

"Ўз болангни ўзинг асра!" деб қўшимча киритиш вақти келди. Албатта, ўз юртингда пул топиш, ишлаб бой бўлиш учун имконият бўлатуриб, чет элда, яъни Ватанидан узоқда, бировларнинг мардикорлигини қилиб, қийналиб юришнинг нима кераги бор?! Эсли-хушли инсон, жаннатни, роҳат-фароғатни бошқа мамлакатдан изламайди. Шоир айтганидек, "Агар жаннат кўкда бўлса, остида Ўзбекистон, Агар жаннат ерда бўлса, устида Ўзбекистон!"

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Фаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-куй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

"ЎЗ БОЛАНГНИ ЎЗИНГ АСРА"

ёхуд ҳаёт ҳақиқатининг асл моҳияти

Ота-она зиммасидаги масъулият

Муҳтарам Юртбошимиз "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда ҳамда "Камолот" ёшлар

ижтимоий ҳаракатининг 4-қурултойида диққат-этиборимизни долзарб муаммо - ўз фарзандларимизни турли хил таҳдидлар ва зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш масаласига қаратди: "Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий вазифа бўлиб турибди.

Мактабда, лицей-коллеж ёки маҳаллада бир бола одашиб, нотўғри йўлга кириб кетар экан, бундан аввало, унинг тенгдошлари, ёшлар ташкилоти хабардор бўлиши, ҳеч кимни тинч қўймасдан, бонг уриши керак эмасми?

Шу маънода, бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган "Ўз болангни ўзинг асра" деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши зарур". Албатта, ўз боласини ўзи асраш - бу нафақат фарзандни турли бало-қазолардан асраш, балки ота-онанинг нуридийдаси тарбиясига жиддий этибор қаратишидир.

"Фарзанд олдидаги бурчимизни бажараяпмизми?"

Турсунхўжа Ҳидоятхўжаев "Фарзандлар жаннат райҳонларидир" китобида ҳақли саволни ўртага қўяди: Фарзанди кўнгилдагидек бўлиб ўсишини, комил инсон бўлиб, миллатига, Ватанига, динига хизмат қилишини истаган ҳар бир ота-она ўзига фарзандим олдидаги бурчимни бажараяпманми, деган саволга жавоб бериши одат тусига киришини истардим. Едириш-ичиришдан ташқари ота-она сифатида фарзандимизнинг ахлоқи, маънавий-маърифий оламини шакллантиришга таъсир ўтказаяпмизми? Ёки бурчимиз фақат уларни едириш-кийдиришдангина иборат бўлиб

қолмаяптими?"

Шундай бўлиб қолаяпти ҳам! Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни тан олишимиз керакки, агарда сизу биз фарзандимизга эътиборлироқ бўлганимизда, кўнглида кечаётганларини ҳис қилганимизда ёки қоши чимирилганини пайқаганимизда болаларимиз жиноят кўчасига кирмаган, диний оқимлар ва бузғунчи тўдалар аъзосига айланмаган, юзимизни шувут қилмаган бўлармиди?! Ота-онанинг лоқайд ва бепарволиги ёки фарзандига жиддий тарбия бермагани, Президент ибораси билан айтганда, ўз боласини ўзи асрамагани сабабми бугун дилбанди террорчилар сафида уни, маҳаллани, миллатни обрўйини тўкаётгани дилимизни хуфтон этади. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, айниқса, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида миллатимизга мансуб кимсалар борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда.

Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб ҳисоблайди?"

"Биз асрамасак ким асрайди?"

Аслини олганда ота-онанинг зиммасидаги масъулият, болани дунёга келтирганликлари билан эмас, балки ахлоқли қилиб, ўстирганликлари, тарбия берганликлари, турли хавфхатарлардан ҳимоя қилганликлари билан белгиланади. Хўш, ўз боламизни ўзимиз асрамасак, ким асрайди? Унга ўзимиз бор вужудимиз ва жон-жаҳдимиз билан тарбия бермасак, ким тарбия беради? Бировнинг боласи билан бировнинг зиғирчалик иши борми? Бор, фақат бизнинг бепарволиги-

миз оқибатида фарзандимизни йўлдан уриши, ўз чиркин манфаати йўлида ундан "унумли" фойдаланиши мумкин. Буни қандай тушуниш керак? Яъни фарзанд ота-онадан ўзоқлаш-дими, ғаразгўй кимсалар таъсирига тушади ёки бадкирдор кимсалар бу ёшни тўғри йўлдан адаштиришдан манфаатдор. Ана шунинг учун Мухтарам Президентимиз бонг уриб, ҳурматли ота-оналарни, кўзни катта очиб, фарзанд тарбияси ва назоратида ниҳоятда ҳушёр бўлишга даъват этмоқдалар. "Бола ота-она кўлида бир омонатдир", дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги, ҳақиқатан ҳам, жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда,-дейди Юртбошимиз.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Биз, кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишлапти, деб хотиржам юрибмиз. Лекин бизнинг бундай соддалигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмоқда. Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз душманлар кўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун, аввало ким айбдор? Ўзимиз эмасми;" азиз ота-оналар?

"Бунга ким айбдор???"

Бугун айрим ёшларни сохта ғояларга, алдовларга ўчиб ўз умрини хазон қилаётганининг, тўғрироғи, адашганининг биринчи сабабини - уларга етарли ва сидқидилдан тарбия бермаганимиздан излаш керак. Абдурауф Фитрат бобомизнинг қуйидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагандек: Фарзанд тарбияси аслида икки кали-

мадан иборат. Шунинг учун ҳам назарингизда жуда майда муаммодек кўринади. Лекин доно одамлар, дейдиларки, бани одамнинг сиёсий, диний, ижтимоий инқилобларининг асоси ана шу икки сўз - "бола тарбияси"дан иборат бирикмага боғлиқ. Бу халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ.

... Болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир". Бинобарин билимли, тарбияли, ахлоқ-одобли йигитқизлар жиний-диний оқимлар алдовларига ва сохта ғояларга учмайди. Бундай ёшлар нима оқу, нима қора фарқига боради, кўр-кўрона бузғунчи-жоҳил кимсалар ортидан эргашмайди. Бир сўз билан айтганда, бу жоҳилга қарши ақл билан, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш дегани! Бу кураш майдонида жаҳолату разолатни енгиш учун албатта маърифат, билим, ахлоқ билан қуролланиш, тарбия орқали камол топиш муҳим аҳамият касб этади. Аксинча, эса болаларимиз тарбия кўрмасалар, вақти соати келиб, жаҳолат жарига қулаши ёки ота-онасини, маҳалла-куйни ҳам шармандаи шармисор қилиш ҳеч гап эмас.

"Фақат ва яна фақат тарбия ҳисобидан"

Ўтган асрнинг бошида Олимаат ул-Банот "Муошарат одоби" китобида тарбия ила болани олтин этмоқлик мумкин, тупроқ қилмоқ ҳам мумкин. Буларнинг ҳар иккисига ота-оналар сабаб бўладилар" деб ёзган эди. Олимаат ул-Банот ҳақ. Ота-она фарзанд камоли, деб яшайди. Ютуғи билан қувонади,

қийналса азоб чекади. Шундай экан, ҳар лаҳза, ҳар дақиқа, ҳар сония болаларимизни гўдаклигидан гўзал тарбия бермоғимиз, яхши хулқ-атвор ва кўркам одатлар билан безамоғимиз, назорат қилмоғимиз, ички дунёсига кириб бормоғимиз, энг яқин дўстига айланмоғимиз лозим. Аниқроқ қилиб айтсак болаларимиз тарбиясини маҳкам ушлашимиз лозим. Йўқ, болам, бундай эмас, мана бундай, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодисан, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисисан, деган гапларни уларнинг қулоғига қуйиш керак. Бугун яхши яшаяпмиз, деб талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан ўзилмаслиги зарур. Аслида бу ҳам жиддий бир хавф. Дарҳақиқат, ҳар бир ёш замон билан ҳамнафас бўлиш билан бирга, ўзлигини, миллийлигини, улуғ зотларнинг авлоди эканлигини унутмаслиги лозим. Ёшларда ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган эътиқод ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳам айна муддао. Бунга эса қандай эришиш мумкин? Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, "Бунга нима ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам ёшларнинг маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун авваломбор уларнинг онгу-тафаккурини жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий мероси асосида шакллантириш лозимлиги қайд этилган.

Шерхон ҚОРАЕВ ДУНЁНИ МАЪРИФАТ ҚУТҚАРАДИ

**МИССИОНЕРЛИК "ЎЙИНЛАРИ" ВА
КИРДИКОРЛАРИ
МУДДАОСИ - ТЎҒРИ ЙЎЛДАН УРИШ**

Миссионерлик сўзи лотинча "missio" сўзидан олинган бўлиб, "вазифа топшириш" маъносини англатса, миссионер эса таржима қилинганда "вазифа бажарувчи" демакдир. Энциклопедияда ёзилишича, "миссионер бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва йўлига киритиш учун жўнатилган инсондир". Бошқа бир китобда эса унга қуйидагича таъриф берилади: "миссионерлик бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати". Содда қилиб айтганда, миссионерлик - бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа динни тарғиб қилишни англатади. Прозелитизм эса тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни билдиради. У миссионерликнинг ажралмас қисмидир.

Қонун билан таъқиқланади

Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунига биноан миссионерлик фаолияти таъқиқланади: Яъни "Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти манъ этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар" (5-модда). "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси"да "бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти" энг кам

иш ҳақининг тегишли миқдорида жарима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Агарда миссионерлар ёки ташкилоти маъмурий жазо қўлланилгандан кейин ҳам қонунни бузишса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, уларга нисбатан оғирроқ жазо чоралари қўлланилади.

Албатта, виждон эркинлиги - инсоннинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик бу унинг конституциявий ҳуқуқидир. Яъни Конституциямизнинг 31-моддасида белгиланганидек, "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларнинг мажбурий сингдирилишига йўл қўйилмайди". Унга мувофиқ инсоннинг эътиқоди билан боғлиқ ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатланиши билан бир қаторда унинг танлови давлат томонидан муҳофаза қилиниши эътироф этилади. Соддароқ қилиб айтганда, виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳолларда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Низолар ўчоғи

Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатларини айрим ҳаётий мисолларда кўриш мумкин. Айрим Муслмон давлатларда христиан дини қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқдаки, майитнинг муслмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мазолига дафн этишни хоҳламаганлари, муслмонлар эса христиан дини вакили жасадини муслмонлар ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижасида келишмовчиликлар юзага келмоқда. Миссионерлик ҳаракатлари туб миллат вакиллари оила-

ларида низолаар ва жанжалларга сабаб бўлаётгани, алал-оқибат христианликнинг айрим бузғунчи йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётлари пайдо бўлиши орқали динлараро низолаарнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкинлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Маблағ чекланмайди

Ўнлаб ноисломий жамоалари қатори Марказий Осиёда фаолият юритаётган "Иегова шоҳидлари" ташкилоти ҳам миссионерликка катта эътибор беради. Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб, асосан уйма-уй юриш ва адабиётлар тарқатиш асносида тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Жамоанинг бош қароргоҳи жойлашган АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида миссионерлар тайёрлаш маркази бор. "Иегова шоҳидлари" бошқа дин вакилларини ўзларига оғдиришга 80 дан ортиқ усулдан фойдаланадилар, улар миссионерликни қуйидаги тўрт босқичда амалга оширадидлар.

- ўз қарашларига заррача бўлса ҳам қизиқиш билдирган одамларни қидириб топиш ва таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;

- уларнинг қармоғига тушган одам онгига "Библия"ни сингдириш;

- прозелитларни сув билан чўқинтириш;

- уларнинг таъсирига тушган кимсаларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш.

Энг хатарлиси, бу бузғунчи тўдалар ҳеч кимдан ўз ёрдами аямайди. Айниқса, улср бошига кулфат тушган инсонлар олдида ҳозир нозир бўлиб, кўмак қўлини чўзади. Аслида эса миссионерлар ҳеч қачон ҳеч кимга беғараз ёрдам

кўрсатмаганликларини ва кўрсатмасликларини унутмасликларини лозим. Миссионерлар кўрсатилаётган ёрдам эвазига ҳар қандай кишини ўз эътиқодини алмаштиришга ундайди. Маълумотларга қараганда, айрим сарф-харажатлардан ташқари миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига 100 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланади. Мақсад нима қилиб бўлса ҳам тарафдорларни кўпайтириш. Зеро, Биринчи Президентимиз айтганидек, ... қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади". Яъни миссионерларнинг асосий мақсади христианликни тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гуруҳларни шакллантириш ва издошлари сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва минтақа устидан назорат ўрнатишдир.

Билим ва собит эътиқод билан

Дарҳақиқат, фуқароларимизни чуқур билимга эга бўлишларига эришиш, таълим муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш, диний қадриятлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланиш миссионерликнинг олдини олишга мустаҳкам замин яратади. Зотан одамнинг ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятлар, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши турли шаклларда, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишда содир этиладиган тазйиқларга бардош беришининг асосий шартидир. Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, мана шундай кескин бир шароитда тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асрашимиз зарур. Айниқса фарзанд-

ларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавф хатарлардан ҳимоя қилишга энг долзарб вазифа, деб қарашимиз керак.

КИБЕРТЕРРОРИЗМ НАЙРАНГЛАРИ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асарларидан бирида кибержиноятчилик тажовузи ва унинг хавф-хатарларидан огоҳ бўлиш ҳақида сўз юритилади: "бугунги кунда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас". Албатта бугунги кунда бизга кечагидан-да кўпроқ ҳушёрроқ бўлиш талаб этилади.

Ҳўш, кибертерроризм нима ўзи? У ахборот технологияси "қўли билан" амалга ошадиган жиноят туридир. Дейлик, "Одноклассники.ру" «Facebook» ёки «Instagram»да бир ғарблик йигит ёки қиз билан танишдингиз, у билан тобора "қалинлашиб" бориб, орангиздан "қил" ҳам ўтмайдиган бўлиб қолди. У бундай қулай имкониятдан фойдаланиб, сизга ўзининг "миссионерлик гоёларини" тарғиб қила бошлади. Сиз эса билиб-билмай бўзғунчи оқимлар таъсирига тушиб қолдингиз. Ана шунда ҳарчанд бу "қопқон"дан чиқишга қанча уринманг, «қадрдонимиз» сизни ўз "муסיқа"сига ўйнатади. Чунки сизни у "ўқиб" бўлган, салбий томону камчиликларингизни беш бармоқдек билади. Қисқа қилиб айтганда сиз миссионерларнинг "қуролли"га ёки "қўғирчоғи"га айланиб қолдингиз. Улар чўкса, сиз ҳам ғарқ бўласиз. Айтмоқчиманки, жинойий оқим билан бир кемадасиз. Кибержиноятчилар сизни жуда яхши билишади ва ўз ҳаракатларида технологик услублардан кўра, кўпроқ инсоннинг нозик жиҳатларидан усталик билан фойдаланадилар. Фи-

рибгарлар муғомбирлигу хийла-найранг билан одамларни ўйла-масдан ҳаракат қилишга мажбур этадиган ва ахборот хавф-сизлигига таҳдид сола оладиган ўзига хос, устаси фаранг руҳ-шунослардир. Содда қилиб айтганда, бу ҳам кибержиноятчи-лик оқибати. Шунинг учун бундай ғаламис ва жиноий оқимлар тўрига илинмаслик ва ҳар қадамни билиб босиш лозим. Албатта, интернетдан фойдаланувчи зийрак ёки ҳушёр, эҳтиёт-корроқ бўлмаса, ўзи билмаган ҳолда жиноят иштирокчисига ёки жиноий гуруҳ аъзосига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳозир-да бузғунчи оқимлар, ёвуз кимсалар халқаро ахборот тармоғи-дан "унумли" фойдаланиб, одамларни чалғитишга, уларнинг онгини ёт гоё ва мафқуралар билан заҳарлашга ўз ғаразли ниятини амалга оширишга уринмоқдалар.

Вирус ва бошқа зарарли дастурлар, ёлғон ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий "ёйиш", хакерлик хужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фириб-гарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалар рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш, бузғунчи гоёларни тарқатиш каби ҳуқуқбузарликлар ҳам кибержиноятлар жум-ласига киради. Буларнинг кўлами ҳам йилдан-йилга кен-гайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, 400 миллион-дан ортиқ интернет фойдаланувчиси кибержиноятчилар қурбонига айланмоқда. Бу эса ўз навбатида жаҳон иқтисо-диётига 110 миллиард доллар зарар етказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бундай жиноят-ларга қарши қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жиноят кодексининг "Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят-лар", деб номланган 20-бобида ахборотлаштириш қоидала-рини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равиш-да (руҳсатсиз) фойдаланиш, компьютер саботажи, зарар кел-

тирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби қатор жинойтлар учун жазо чоралари белгиланган.

Халқимизда бир мақол бор: "Ўзингни маҳкам тут, қўшнингни эса ўғри тутма. Демокчимизки, халқаро ахборот тармоғида хавф-хатарлар бир дунё, санаб адоғига етиш мушкул. Аммо, қатъий тартиб-интизомга риоя қилиш, огоҳликни қўлдан бой бермаслик, оқу қорани ажратиш, жинойий гуруҳлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, меъёрни сақлаш ва ўткир зеҳн-фаросатгина бундай хавф-хатарларга қарши ҳимоя воситаси бўла олади.

Маданиятнинг ёввойи шаклими?

Ҳозирги кунда оммавий маданият тушунчаси кўп мартаба, тез-тез тилга олинмоқда, бу ҳақда жуда кўплаб мақолалар ёзилмоқда, бу мавзуда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аввало, оммавий маданият тушунчасини изоҳлаб оласак: Ҳар бир халқнинг маънавий-эстетик қадриятлари бўлмиш асл оммавий маданият ҳамда айрим кимсалар, ижтимоий гуруҳларнинг кўнгил майли, бўзғунчи ғоялари, бойлик орттириш ва одамларни чалғитишга қаратилган ғаразли мақсадлари ифодаси - сохта "оммавий маданият"-ни бир-биридан фарқлаш лозим. Сохта оммавий маданият туб маънодаги маънавий таҳдиддир.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев оммавий маданиятни юртимиз барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар, ўз ечимини кутаётган энг муҳим муаммоли масалалар қаторига қўшади. Оммавий маданият балоси кўплаб ёшларни ўз домига тортиб, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган анъаналар кириб келишига сабаб бўлмоқда, дейди Юртбошимиз.

Келинг, оммавий маданият феноменидаги оммавийлик маҳ-

сулотнонг тарқалиш даражасини англатишига тўталсак. Маданият эса инсоният яратган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидир. Маданиятнинг яратувчиси инсон. Одамзод ёки жамиятдан ташқари маданият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Моддий ва маънавий қадриятлар бирор ижтимоий гуруҳ, омма ва миллатга дахлдор бўлгани учун миллий маданият, умуминсоний маданият, диний маданият ва оммавий маданият деб юритилади. Шундай қилиб, омма томонидан яратилган, оммага мўлжалланган, омманинг кундалик турмушида қўлланаётган моддий ва маънавий қадриятлар оммавий маданият, деб аталади. Биз тилга олаётган оммавий маданият... ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилгандир. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда.

Оммавий маданият элитар маданиятдан фарқли ўлароқ, аниқ элементларни, қатъий мақсад ва манфаатларни ўзида мужассам этмайди, тез ўзгарувчан, асосан эмоционал характерга эга бўлади. Олимлар сохта оммавий маданиятни оломонча маданият, маданиятсизлик кўриниши деб таъкидлашмоқда. Маънавий таҳдиднинг мазкур тури маданиятнинг ёввойи шаклидир. Интернет халқаро ахборот тармоғи орқали тарқа-

тилаётган беҳаё суратлар, бачкана ва бетамиз рекламалар, татуировкалар тарғиботини оммавий маданият вакиллари санъат намунаси деб аташса-да, аслини олганда бу тубанлик аломатидир. Ғарб қизларида кўп учрайдиган тирноқларни узун-узун қилиш "урфи" ўзбек қизлари ўртасида ҳам мода бўлмоқда. Нима бўпти, демоқчимисиз. Уларнинг айтишича, бу замонавий маданият эмиш. Менимча, ўзбекчиликда тирноқни вақтида ўстирмай олиш тавсия қилинади. Бир неча сантиметр қилиб ўстириб юриш эса нопоклик саналади, бу қолипсиз одат хонадондан қут-баракани учиради.

Кўриниб турибдики, асл миллий маданият намуналаридан тўлиқ хабардор бўлишга улгурмаган ҳозирги ёшларда сохта оммавий маданият кўринишларини ҳақиқий кадрият сифатида қабул қилиш, маънавий-руҳий жиҳатдан алданиш, адашиш хавфи кучайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун эса фарзандларимизда мурғакликдан бошлаб, миллий маданиятни онгли равишда қабул қилиш кўникмасини шакллантириш лозим, деб ўйлаймиз.

АҲЛОҚСИЗЛИК ЎЧОҒИ

"Хориж байроғини тарғиб қилиб..."

Ҳар тонг коллеж(Ўқитувчи бўлиб ишлаган вақтимда)га йўл олар эканман, Англия байроғи тасвири туширилган бош кийим (шапка) ёки жинси шим кийиб олган ёшлар диққатимни тортарди. Айримлари эса такси фильми ҳайдовчисининг зулфидек сочига "оро берган". Албатта, бугун ўзга давлатлардан бирининг байроғи туширилган мато ва сочикларни енгил автомобилларга қўйиб юриш, ғарб мамлакатлари рамзи туширилган ҳамда турли хил ажнабий имлода ёзилган футболкаларни маъносини ўзи ҳам тушунмаса-да кийиб юрган-

лар "оммавий маданият" тарғиботчисига айланмоқдалар. Наҳотки, ўзимизнинг давлат рамзлари, байроғимиз, гербимиз, харитамиз тасвири туширилган сочик, бош кийиму футболкаларни кийиб юриш хорижникидан афзал бўлмаса? Албатта, афзал! Аммо, буни негадир кам учратасиз. Аммо, бундай тасвирлар шу байроқ эгасининг ўз Ватанига дахлдорлик ҳиссини теран ҳис этганини ва меҳр-муҳаббати юксаклигини англатади. Нега, АҚШнинг ҳеч бир фуқароси ўзга юртнинг байроғини бошига қўйиб ётмайди. Ваҳоланки, бу одат ҳам кишининг қай даражада ватанпарварлигини англатади. Унда нега бизнинг ёшлар хориж давлатлари рамзи туширилган кийим-кечакларни кийиши керак? Менимча, уларнинг ўзлари ҳам нима қилаётганликларини тушунишмаса ҳам керак. Аслида бундай маҳсулотлар орқали бегона мафкуралар, маданиятлар экспорт қилинмоқда. Шундай экан, бу ҳақда ёшларимизга етарлича тушунча бериш, йўл қўяётган хатоларини тузатиш сизу бизнинг вазифамиздир, азиз ўқувчи!

"Бир марталик умрни завол қилиш шартми?"

Оммавий маданият таъсири кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турибди. Қизларимизнинг соч турмаклашидан ҳамда бурун, лаб, киндигига сирға тақишидан тортиб, киндик кўринар кийинишигача ахлоқсизлик намоён бўлмоқда. Куни кеча хориждан келган бир қизимиз лабида пирсинг тақиб юрганга кўзим тушиб, ажабландим. Наҳотки, ўзбек қизлари ғарблик тенгдошларидан "андоза" олишмоқда. Хўш, ота-оналарининг кўзи қаёқда эди?" Бир марталик ҳаётда яйраб, яшаб қолиш"ни тарғиб қилувчи европалик тенгқурига эргашган ўзбек қизидан яна нимани кутиш мумкин? Наҳотки, танасига тиг теккизаётганида унинг зарарлари ҳақида ўйлаб кўрмади? Бундан ажабланманг, азиз ўқувчи. Чунки, оммавий ма-

даният - фикрсизлик ботқоғидир. Ҳўламай нетмай тобе бўлиш - куч билан бўйсундирилгандан кўра фожиалидир. Энг ёмони ҳам шу. Оммавий маданият вакиллари қуйидаги ёт мафкура, тўғрироғи, сафсата асосида ёшлар онги ва қалбини заҳарлашади: "Сенга эркинлик берилади, дунёга бир марта келасан, билганингни қил, ёшлигингда айшу ишратингни сур, кўнглинг туссаган ишни қил, сен озод ва эркинсан, ҳаттоки ота-онанг ҳам сенга хўжайин эмас". Ушбу бузғунчи ғоялар ёшларни ҳар қандай тўғри йўлдан, диндан, маънавиятдан чалғитишга хизмат қилади. Энг ачинарлиси, глобаллашув туфайли зарарли одатларни кундалик турмушга кириб келиши яшин тезлигида рўй беради, аммо уни бартараф этиш учун эса кўп вақт талаб қилинади.

"Саломлашиши ёки уришиш?"

Ҳозирги кунда ёшларимиз ўртасида саломлашиш ҳам "ғайриоддий" тус олмақда! Бош уриштириб, ўпишиб ёки кучоқлашиб кўришиш миллий урф-одатларимиз қонун-қоидаларига тўғри келармикин? Хўш, бу нимани англатади? Бош уриштириш саломлашиши ёки шоҳлашиш. Фарб ёшларининг хурмача қилиқларига кўр-кўрона тақлид қилаётганлар буни замон билан ҳамнафаслик деб тушунишса керак, чамамда. Аслида эса бу миллий қадриятларимизга нописандлиқдир.

"Мотамми ёки хурсандчилик куни?"

Айрим ёшларимиз 14 феврални "Авлиё Валентин" - севишганлар куни сифатида нишонлашади. Бу байрам ҳам "оммавий маданият" маҳсулидир. Ёшларимизни муҳаббат сингари соф туйғуга нисбатан енгил-ёлпи қарашга ўргатадиган, беҳаёликни тарғиб қилувчи бундай "байрамлар"ни нишонлашимиз мантиққа тўғри келармикин? Ривоятларга кўра, эрамиздан аввалги учинчи асрда Буюк Рим салтана-

тининг Терни шаҳрида Валентин исмли руҳоний яшаган. У император аскарларига оила қуришни тақиқлашига қарамасдан, аёлларни хуфиёна никоҳлаган. Буни билиб қолган ҳукмдор руҳонийни ўлимга маҳкум этади. Ана шу Валентиннинг қатл этилган - 14 февраль куни муҳаббат куни сифатида байрам қилинади. Кимдир ўлдирилса-ю, бировлар у ўлган кунни байрам қилишса тўғримикин? Бу тубанликни билдирмайдими? Аслини олганда ғарб ёшлари муҳаббат деганда, сизу биз тушунадиган соф севгини эмас, жинсий яқинликни тушунишига нима дейсиз?!

Мухтасар қилиб айтганда, оммавий маданият кўринишларини аёлларнинг ичкилик ичиши-ю чекишидан тортиб хорижий телесериаллардаги яшаш тарзи тарғиботигача кўришимиз, пайқашимиз мумкин. Унинг хавфли томони шундаки, у одамларнинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қаршилиқ билдиради, ахлоқсизликни тарғиб қилади. Гап шундаки, бундай маънавий таҳдидлар маънавий қарамликка йўналтирилгандир. Шунинг учун бунақанги ёвуз кучлар ва ғоялар таъсирини олдини олиш, ёшларимиз онги ва қалбида мафкураравий иммунитетни кучайтириш сизу бизнинг кечиктириб бўлмас энг зарур вазифаларимиздан биридир, азиз ўқувчи.

ГҶЗАЛЛИК ҚУРБОНЛИК ТАЛАБ ҚИЛАДИМИ? ЁКИ ЛАБИГА СИРФА ТАҚИШ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Ойнаи жаҳон орқали кўзингиз тушадики, ғарб ёшларининг лаби, қоши ва киндигига "зирак" тақиш ҳолатлари одадий ҳолга айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда теварак-атрофимизда аҳён-аҳёнда ана шундай "пирсинг" тақиб олган ёшларни учратасиз. Пирсинг инглизчадан таржима қилинганда, тешиш

ёки санчиш маъноларини англатади. Соддароқ қилиб айтганда, ғарблик ўғил-қизлар аъзои баданини илма-тешиқ қилиб, лаб, тил, бўйин, қош, қовоқ, бурун ва бошқа жойларига "башанглик ва замонавийлик" асносида зирақ тақишмоқда. Энг ажабланарлиси, ўғил болалар бугун уялмай нетмай қулоққа сирға осишганини кўриб ёқа ушлайсиз. Қизлардек сочларини бўяшаётганига ёки ўстираётганига нима дейсиз? Ибн Аббосдан ривоят қилинадик, Пайғамбаримиз (с.а.в.) хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатладилар. Албатта, эркаклар аёллардек қулоғига сирға тақиши мумкин эмас. Айтмоқчимизки, йигит ҳам, қиз ҳам кийинишда, юриш-туришда ҳамиша ҳаёли бўлиши, иффатини асраши лозимки, унга амал қилиш гўзал одоблардан ҳисобланади.

Англияда ўтказилган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги ёшлар ўртасида киндик пирсинги 33 фоиз, қулоқ 19 ва бурун пирсинги 13 фоизни ташкил этган бўлса, тил ва кўкракка "оро бериш" 9 фоизга етган, бундан ташқари қош, қобок ва лабга алламбало зеб берувчилар сони ҳам "ўсиб бормоқда". Ёшлар ўртасида "авж олиб бораётган" оммавий маданиятнинг мазкур тури мутахассислар таъбири билан айтганда, соғлиққа зарарли эканлиги билан хатарлидир. Чунки шифокорлар пирсинг сифатида фойдаланилаётган заргарлик буюмлари аллергик касалликлар келтириб чиқарувчи омил эканлигини аниқлашган. Шунингдек, тилга зирақ тақишнинг салбий оқибати, ички касалликларни кўзгаши ва қон орқали организмнинг барча аъзоларига тарқалиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Игна орқали киндикка, лабга пирсинг осиш ҳам "касалликлар чақириши"ни шифокорлар исботлашган. Аммо шунга қарамасдан, ёшлар табиий гўзалликка путур етказишмоқда. Ёки гўзаллик қурбонлик талаб

қиладимиз? Айтинг-чи, бирор йигит ёки қиз бурнига, лабига, қоғоғига "зирак" тақиш билан чиройли бўлиб қоладими? Бир замонлар айрим қабилалар томонидан йиртқич ҳайвонларни қўрқитиш мақсадида тақилган пирсинглар бугун нима учун фойдаланилмоқда? Қолаверса пирсинглар тарғиботи учун фильмлар олинаётганлиги, унинг "намоёндалари" Генниснинг "Рекордлар" китобига киритилётганига нима дейсиз? Психологлар тадқиқоти шуни кўрсатадики, зирак таққанларнинг лоқайд, худбин ва гап кўтармас, жиззаки характерга эга экани кўзга ташланмоқдаки, улар буни замонавий маданият шакли ҳисоблашса-да, аслида бу ёввойи маданият туридир. Муслмончиликда ҳам танини илма-тешиқ қилиб пирсинг тақиш ёки татуировка қилиш қаттиқ қораланади! Хўш, киндиги ёки қошини қўполлик билан тешиб, сирға ўтказиб одамларга, намойиш қилиб юришдан нима наф? Ёки бурнига ва лабига зирак тақса шоҳ ўсиб чиқадими? Аммо айримлар бунинг ортидан мўмай даромад топишмоқда. Эчкига жон, қассобга эса ёғ қайғуси экан-да! Биринчи Президентимиз таъбири билан айтанда, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги кунда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли

бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда.

ҚИЗМИ Ё, КИЙИКМИ Ё

Ёки саломатликка зарар келтирадиган одатлар

Хизмат сафарида бўлганимда бир отахон "ўғлим, замон ўзгариб кетди, қизу йигитларимизнинг ғалати соч турмақлари, ғайритабиий либослари, татуировка-ю бурни, лаби, тилига зирак тақиши мени ташвишга солади", деди ўйланиб. Албатта, бир сўз билан "оммавий маданият" деб аталаётган бундай "одатлар" баъзан оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Психология ибораси билан уни ўз ўзига шикаст етказиш дея таъриф берадилар. Нима бўлганда ҳам, татуировка ва пирсинг ўзига қасддан жисмоний зарар, яъни соддароқ қилиб айтганда тана аъзолари ва тўқималарига лат етказишдир. Ақлли одамлар ўзлари била туриб танани "безаш учун" унга тиғ теккизмайдилар. Қолаверса бундай бемаъни "безаклар" инсон саломатлигига бир умр зарар етказишини унутмаслик лозим. Динда татуировкани, яъни баданга сурат ёки ёзув чиздиришни шайтоннинг китоби деб атайдилар. Демокчимизки, ота-боболаримиз бунанқанги соғлом турмуш тарзига зид иллатларга кескин қаршилиқ билдирганлар. Чунки авлод келажagini ўйлаган инсон борки, фарзандларини миллий менталитетимизга ёт бўлмиш маданиятнинг "ёввойи" шаклларидан ҳимоя қилади. Очиги, мен татуировка ёки пирсингни маданият дея олмайман. Ваҳоланки, маданият тараққиёт меваси. У эса маданиятсизлик ёки тубанликдан бошқа нарса эмас.

Тошкентда хизмат сафарида бўлганимда кўзим лабига зирак тақиб олган ўзбек қизига тушди ва уни суҳбатга тортдим.

-Хорижда бўлганимда чет эллик тенгқурларимга қизиқиб, лабимни пирсинг қилдирдим. Бугун эса қилган ишимга пушаймонман, - деди ўзини Гуля деб таништирган қиз, - Аҳён-аҳёнда лабим оғриб туради. Ота-онам ҳам бу "қилиғим"ни кескин танқид остига олдилар. Замондан ортга қолмаслик мақсадида лабимни тештириб, пирсинг таққанимда унинг оқибатини ўйламаган эканман. Ҳозир ўзимдан-ўзим уялиб кетаман.

Унинг фикрлари мени таъсирантириб юборди. Албатта, айримларимиз ўйламай-нетмай бирор-бир ишга қўл урамизу, кейин эса "нима қилиб қўйдик", дея бош қотираримиз. Менинг назаримда татуировка чиздириш ва пирсинг қилдириш, ўз танасига нисбатан масъулиятсизларча муносабатда бўлишдир. Замонавий тиббиёт ҳам танани тешмаслик ва унга татуировка чиздирмасликни ёқлайди. Чунки бундай "тажрибалар" жиддий касалликларни келтириб чиқаради. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, татуировка йигирмадан ортиқ касалликларга олиб келиши мумкин. Татуировкага ишлатиладиган бўёқлар ҳам хавфлидир. Уларнинг таркибида экзема, дерматит, аллергик реакцияга олиб келиши мумкин бўлган кимёвий моддаларнинг борлиги ақлли-хушли кишини ташвишга солади.

Юз, бурун, лоб, тил, киндикка зирак тақиш ҳам соғлиқ учун жиддий зарарлигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ. Аммо айрим татуировка ва пирсинг ишқибозлари бўлмиш ёшларимиз буни тан олишни хоҳламайдилар. Оммавий маданиятнинг бунақанги "бачкана" кўриниши улар учун олифталик ва ўзини атрофдагиларга кўрсатишдир.

Сизга айтсам, кимдир татуировка ёки пирсингни гўзалликдир, дейишса қўшилмайман. Танани тешиш ва унга

металл парчани илиб қўйиш ёки баданга чизиш билан инсон чиройли бўлиб қолмайди. Албатта, Яратган томонидан ато этилган табиий гўзалликка нима етсин?! Мен бурнига ёки бирор аъзосига зирак тақиб олган йигит-қизларни кўрсам, кўз ўнгимга Испаниядаги бурнига темир таққан жанговор хўкизлар келади. Наҳотки, ғарб ёшлари эндиликда ҳайвонларга тақлид қилишса?! Хўш бундан кимга, нима фойда?

Тиббиёт мутахассислари пирсинг, яъни тананинг турли қисмларига қадалган металл "безаклар" аллергия реакцияга олиб келишини исботлашган. Албатта, инсон организми бундай ғайритабиий буюмларга ўрганмаган-да! Шунинг учун тешилган жойлар шишиб, яллиғланиши мумкин. Янги тешилган жойга тушган бактерия ва вируслар яллиғланиш сингари гепатит В ва бошқа турли хил жиддий касалликларни юзага келтиради. Бундан ташқари пирсинг қон айланишининг бузилишига олиб келади. Тил ва лабларга тақилган зираклар тишларнинг емирилиши, жароҳат ва милк ҳамда тил касалликларини келтириб чиқариб, инфекция ва яллиғланиш хавфини оширади. Унинг зарарли оқибатларини санаб адоғига етиш қийин.

Мухтасар қилиб айтганда, миллатнинг қудрати соғлом ва баркамол ёшлари билан белгиланар экан, хонадонимизга соғлом турмуш тарзи ҳукмрон бўлишига эришмоғимиз, ғарбдан маданиятимизга суқилиб кираётган зарарли одатлардан фарзандларимизни ҳимоя қилмоғимиз ҳар биримизнинг вазифамиздир.

ЖАҲОЛАТДАН МАЪРИФАТ МАЙДОНИГА,

яъни фарзандларимиз ижтимоий тармоқлардан
илм ўрганиш мақсадида фойдалансинлар

"Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида маънавий таҳдид атамасига шундай изоҳ берилади, у аввало тили, дини, эътиқодидан қатъий назар ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлардир. Албатта, виртуал хуруж ҳам инсон онги ва қалбини ишғол қилишга йўналтирилганлиги билан хавфлидир. Ёшларимизни ёппасига интернет дунёсида "яшаётгани" бир томондан, замон билан ҳамнафасликни билдирса, иккинчи томондан бу оламда улар нима билан бандлиги сизу бизга қоронғулигича қолмоқда. Бирор-бир жиноий тўда ёки бузғунчи оқимга ўралашиб қолса "ота-онаси қаёққа қараган", деб уларни айбдор қиламиз, койиймиз. Ота-оналар фарзандларининг қорнини тўйдириш билан овора бўлган бир пайтда, бошқалар интернет дунёсида болалар онги ва қалбини нималар билан тўлдираяпти, деган савол бугун очиклигича қолмоқда. Энг хатарлиси ҳам шу.

Ўқитувчи ва мураббийлар ҳам дарсларда "ўқувчилари ижтимоий тармоқларда "яшаётганлик"ларини кўриб, кўрмасликка олишади. Мактаб ва коллежлардаги дарс жараёнларида ёшлар телефон ёрдамида интернетда "саёҳат" қилиш билан банд. Гарчи ўқув даргоҳларида уяли телефон ишлаши тартибга олинган бўлса-да, аудиторияларда ўқувчилар яширин равишда ундан фойдаланаётганига гувоҳ бўламиз. Ёшларимизнинг телевизор, телефон, компьютер каби ахборот-коммуникация воситаларига чалғиб қолаётганининг

сабаби улардан мақсадли фойдаланишни билмаётганликларида, деб ўйлаймиз. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи томони, глобал тармоқ дунёқарашимизни кенгайтираётгани, билимимизни бойитаётганини инкор этолмаймиз. Бугунги кунда "интернет, зарарли ёки фойдалими" деган савол эскирди. Ҳозир биз "интернетдан қандай қилиб унумли фойдаланиш ва қайси йўл билан унинг зарарли томонларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш" ҳақида бош қотиришимиз керак? Содда қилиб айтганда, ҳар бир фойдаланувчида мафкуравий иммунитет шакллансинки, у ўз-ўзидан оқу қорани ажрата олсин. Ҳеч кимни глобал тармоқда мана бу сайт ёки профилга кир, деб мажбур қилинмайди, ҳар бир фойдаланувчи онгли равишда у ерга қадам қўяди. Айтмоқчимизки, ёшларимиз зарур маънавий-маърифий билимга эга бўлишса, «зараркунанда» оқимлар таъсирига тушишининг олди олинади. Ўйлаймизки, олдида олов турганини кўрган инсон ўзини унга отмайди.

Мазкур ижтимоий тармоқлардан асосан нима мақсадда фойдаланамиз? Ёшлар ундан илм ўрганиш борасида фойдаланишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунончи, ҳозирда глобал тармоқда бунинг учун барча шарт-шароитлар бор. Илм олиш учун аввало, муҳит керак, деймиз. Фолиб Баҳром ёзишича, оилада, таълим муассасасида сув ва ҳаводек зарур бўлгани каби интернетда ҳам маънавий, мафкуравий, маърифий соғлом муҳит лозим. Шароитни ҳар ким ўз талабига мувофиқ ярата олиши мумкин, балки қайсидир даражада муҳитни ҳам, лекин жамият доирасида соф муҳит шакллантириш кенг жамоатчиликка боғлиқ. Реал оламдаги умуминсоний қадриятлар, ахлоқ-одоб нормалари, инсонпарвар ғоя ва мафкураларни, маърифатпарварлик иш-

тиёқини виртуал оламга ҳам олиб кириш, сингдириш шарт. Бу кўп томонлама ўзимизга боғлиқ. Зотан шоир айтганидек, иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё! Демокчимизки, интернет дунёсини маърифат майдонига айлантиришимиз айна муддао. Виртуал майдонни турли фаҳш, фитна-фасод, иғво, бузғунчилик, парокандалик тарқатадиган жаҳолат гуруҳларининг кўлига топшириб бўлмайди. Зимдан ахлоқий бузқулик, мутаассиблик, кўпоровчиликка чақираётган қора кучларнинг асосий мақсади ғўр ва содда болаларимизни йўлдан уришдир. Мухтасар қилиб айтганда, биз болаларимиз хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг ҳар қадамидан хабардор бўлишимиз, керак бўлса, ижтимоий тармоқларда ҳам фарзандларимизнинг ишончли ва ҳар қадамидан хабардор, назоратчи дўстларидан бирига айланишимиз, ҳар доим тўғри йўлга йўналтириб туришимиз лозим.

ГАМБУРГЕР ОРТИДАГИ ҒОЯВИЙ ТАҲДИД

Ҳаммамиз ғарб сериалларини севиб томоша қиламиз. Зимдан қараганда ҳаммаси рисоладагидек. Аммо фильмлар орқали ғарб турмуш тарзи "экспорти" ҳам кўзга ташланадики, у оммавий маданиятнинг бир шакли сифатида хавфлидир. Яқинда Россиядан келган бир ҳамшаҳаримнинг европа қизлариникидек тарм тарам йиртилган жинси шим кийиб олганини кўриб, таажжубга тушдим. Кўриниб турибдики, оммавий маданият турли хил йўлу усуллар билан юртимизга суқилиб кирмоқда. Оммавий маданиятнинг ўзига оҳанграбодек жалб қилувчи кучи шундаки, у асл мақсадни доим яширади. Унинг асл қиёфаси - қиёфасизлик ва иккиюзламачилиқдир. Содда қилиб айтганда у гўёки сизга

Ўзингиз айтган ишни қилишга имкон яратаётгандек бўладию, аслида сизни ўз манфаати йўлидаги бир "қурол"га айлантиради. Риёкор ёки оломонча маданият "қурбонлари" эса атрофда рўй бераётган воқеаларга қўл силтаб, яна ўша оилавий парокандаликни тарғиб қилувчи "қадрдон" сериалнинг навбатдаги қисмини томоша қилиш мақсадида оинаи жаҳон қаршисидан жой олади... "Клон" ёки «Севги изтироби» телесериалларидаги оилали эркак ва аёлларнинг бир-бирига хиёнат қилиши, ахлоқсизлик ёки тубанлик қайси дин, маданият ва этиқодда бор?! Телесериаллардан кўз узмай кўраётганлар "қовун қовундан ранг олмаслигига" ким кафолат беради?

Олимлар оммавий маданият йигирманчи аср ўрталарида шаклланган десалар, айримлар унинг тарихини Қадимги Рим амфитеатрларида гладиаторлар жанги билан боғлашади. Тадқиқотчилар фикрича, ваҳшийлик ва қонхўрлик тантанаси бўлмиш бундай "мусобақалар" оммавий маданиятнинг бир кўриниши бўлган. Албатта, бугун ҳам оммавийлашган "боевик" ва "ужас", "порна" фильмлар худди ана шундай муросасизлик, жаҳолат, зулм, беҳаёлик ва шафқатсизликни тарғиб этади. Шу боис биз уни маданиятни ёввойи кўриниши, деб атаган бўлардик. Аммо аслида у маданиятсизлик шаклидир.

Сиз билан биз тилга олаётган оммавий маданият аслини олганда ахлоқсизлик тантанаси ўтган асрнинг ўрталарида оммавий ахборот воситалари ёрдамида дунёнинг исталган жойига етиб бориш имконияти пайдо бўлганда "барқ уриб ривожлана бошлади". Янада аниқроқ қилиб айтганда, башариятнинг мураккабликдан соддаликка интилиши борлиқдаги ҳар бир нарсадан шахсий манфаат ва

қўнгилхушлик излаш "анъанаси"ни яратди. Гап шундаки, алалоқибат у одамлар онги, фикри, қалби ва ҳатти-ҳаракатларини бошқарувчи улкан механизмга айланди. Шиддаткор дунёда ахборот ва майда-чуйда ишлар шу қадар кўпки, фикрлашга вақт тортилгандек. Ана шунда оммавий маданиятга эҳтиёж сезилди. Дунё бўйлаб тарқалаётган, миллий анъана ва қадриятларни ўз домига тортаётган бу маданият аслида ҳаёсизлик ва ахлоқий бузқулик тарғиботидир. Унинг намоёндаларида на андиша, на ибодат бор, дейсиз? "Бир марталик ҳаётда яйраб қолиш" калтабинларнинг мақсад-муддаосидир. Айшу ишрат ҳақидаги оммавий маданиятни тарғиб қилувчи қўшиқларни ўзимиз билмаган ҳолда эшитамиз, хиргойи қиламиз. Усти ялтироқ маданият буқаламундек турли йўллар, фильмлар, оммавий ахборот воситалари, кийим-кечаклар, боринги, оддий гамбургерлар орқали одамлар онгу тафаккурини "ишғол этмоқда". Унинг мумтоз маданиятдан фарқи шундаки, у ақлий салохиятни буткул инкор этади, аксинча ҳеч нарсани ўйламаслик, беғам ва беташвиш яшаш керак, деган чиркин ғояни илгари суради. Эътибор берган бўлсангиз, сериалларнинг аксариятида арзимаган бир гап катта шов-шув даражасига олиб чиқилади, воқеалар ривожини реал ҳаёт андозаларига ҳар доим ҳам тўғри келавермайди.

Интернетда "қизлар уруши"ни миллионлар томонидан "мириқиб" томоша қилиниши ажабланарли?! Наҳотки, одамларимиз ваҳшийликни кўриб, кўзи қотиб бораётган бўлса? Олдин одамлар жанжаллашганларни ажратишса, эндиликда уруштириб қувонаяптиларми? Аммо негадир кўпчилик ана шундай турли хил ур-йиқит, икир-чикир, енгил-елпи фильмларга мойил бўлади. Энг ёмони ҳам шу. Мутахассислар-

нинг таъкидлашича, поп корн еб томоша қилинадиган фильмлар кўпайиб борган сайин одамларнинг фикрлаш қобилияти ҳам чекланиб бораверади. Бир замонлар маънавий оламни бойитиш мақсадида кашф этилган кино эндиликда, аксинча маънавий қашшоқлик "жари"га бошламоқда, бизни. Чунки бугун ғарб киноларидан оммавий маданият таъсири яққол сезилмоқдаки, яширин ғоявий хуружлар ғўр ва соддадил ёшларни ўз тўрига илинтириши мумкин. Бир мисол: "Такси" фильми ҳайдовчисининг сочига тақлид қилган ёшлар бугун ҳар бир шаҳарда юзлаб топилади. Ёки ғарб ёшларидек тор жинси шимни қайириб ва йиртиб юриш "мода"га айланаётганига ҳам кўзимиз тушади.

Йигирманчи асрнинг ўрталарига келиб эса оммавий маданият жиддий тус олдики, у том маънодаги маънавий таҳдидга айланди. Ва бундан огоҳ бўлиб яшашни, ундай хуружларга қарши курашишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Зотан Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

"Юксак маънавият - енгилмас куч" асарини ўқиш давомида, маънавий хуружларнинг хавфи ва хатарли оқибатини дунёнинг турли бурчакларидаги мудҳиш ҳодисалар мисолида англаб етамиз. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизга шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишидаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Террорчилар томонидан содир этилаётган портлашлар ва оммавий қотилликлар ҳам халқаро ҳамжамиятни қолаверса барчамизни жиддий ташвишга солмоқда. Бундай жиноятлар маънавий қашшоқлик оқибатида рўй бермоқда.

Албатта, дунёда давлатларни ич-ичидан емиришга олиб келувчи маънавий таҳдидлар ҳам борки, бу кўпроқ ғарб дунёсида кўзга ташланмоқда. Таассуфли томони, қотилликлар ижрозчилари, жиноятчилар ёки тирик бомбага айланаётганлар ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлардир. 2012 йилнинг 14 декабрида АҚШнинг Ньютаун шаҳрида содир этилган оммавий қотилликни 20 яшар Адам Ланза амалга оширган. Унинг битта автомат ва иккита тўппончада ўлдирган қурбонлари ичида ўз муштипар онаси ҳам бор эди?! Хўш, ёшларда ана шундай ваҳшийлик ва тажовузкорлик кайфияти қандай пайдо бўлди? АҚШ Конгресси томонидан фуқароларда қуролга эгалик қилиш ҳуқуқини таъқиқлаш билан муаммога чек қўйиш мумкинми? Ҳолбуки, фуқароларнинг эмин-эркин қурол қўта-

риб юриши - жамият учун катта хавф туғдиради. Интернетда тарқатилган маълумотларга қараганда, ҳар йили АҚШда 30 мингдан зиёд одам қуролли ҳужум қурбонига айланади, яна 200 минг киши тан жароҳати олади. Албатта, бу аҳолида қурол-яроғнинг мавжудлигида, ҳар хил қаланғи-қасанғилар ундан бемалол фойдаланаётганида, қурол-яроғ дўконларининг кўплиги оқибатида содир этилмоқда, деб ўйлашмоқда кўпчилик. Бу масаланинг бир томони.

Истайсизми-йўқми, бир очик ҳақиқатни тан олишимизга тўғри келади, жамиятдаги барқарорликни ахлоқий нормалар ва маънавий қадриятлар таъминлайди. Ғарб ёшлари маънавий тарбияси устида жиддий ишланмас экан, сиз билан бизнинг қалбимизни ларзага келтираётган зўравонликлар давом этиши мумкин. Бежизга Муҳтарам Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида ёшлар онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантиришга қаратгани йўқ. Чунки таъкидлаш жоиз, инсонийликни оёқ ости қиладиган турли бузғунчилик, ваҳшийликлар жоҳилликлар тасвирга туширилган жангари кинофильмларни ғарб ёшлари кўз узмай кўриши, керак бўлса бундай ёвуз ғоялар таъсирига тушиши айни ҳақиқат. Бизнинг айрим ёшларимиз ҳам бундан мустасно эмас. Ана шундай фильмлар ёзилган лицензиясиз DVD дисклар барча аҳоли пунктларида сотилмоқда. Улар ичида тарбиясизликни тарғиб этувчи фильмлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Ёки ғарб фильмларида беҳаё эпизодларнинг тез-тез учраб туриши ҳам бор ҳақиқат. Муаммо шундаки, ғарб ёшлари содир этаётган қотилликлар виртуал оламдаги ана шундай ваҳшийликни реал ҳаётимизга кўчаётганини эслатмоқда. Олайлик, компьютер контрўйинлари ўйнамоқдасиз: Дастлаб

ўзингизга қурол танлайсиз ва у билан "одам ови"га чиқасиз, йўлингизда учраган компьютер тили билан айтганда, "террорчилар"ни ҳам қириб бораверасиз, овингиз бароридан келса, қўлингиз қонга ботганидан хурсанд бўласиз, ана шу бемаъниликда ютиб чиқсангиз, олқиш оласиз. Хоҳланг қилич, хоҳланг пичоқ билан одам сўясиз. Сиз ушбу қотиллик ўйинларини ўйнаганингиз сари унга боғланиб бораверасиз. Бир кун келиб имконият туғилганда "компьютердаги тажриба"ни ҳаётда ҳам қўлланилмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Дунё тадқиқотчилари Норвегияда 2011 йилда Андерс Брейверк томонидан 77 кишининг умрига зомин бўлган мудҳиш жиноятда ваҳший ўйинлар таъсири борлигини ҳам таъкидлашади. Албатта, бу тарбиядан четда қолганликни, зўравонлик вируси гирдобига тушганликни, алаалоқибатда тажовузкорлик кайфияти шаклланганлиги туфайлидир. Ёзувчи Тоҳир Малик ўз асаридида "телебола" (ҳозир виртуалбола) атамасини қўллайди. Адиб айтмоқчи, уззукун зангори экран қаршисида яшаётган, усиз ҳаётини тасаввур этолмаётган, таъсирига тушиб қолган, лўнда қилиб айтганда, телевизор фарзандига айланган боладан нимани кутиш мумкин? Унинг дунёқараши кенг ва қамровли эмас, яъни тор ёки бачкана, ривожланмаган теледунёқараш. Ҳоҳлаганда уни алдаш, ишонтириш, чув тушириш мумкин. Бундай "телебола"лардан турли ғаразгўй кучлар осонликча фойдаланишлари мумкин, турли хил оқимларга қўшилиб қолиш ҳам билимсизлик ва дунёқараш торлигининг, маънавий ғарибликнинг маҳсулидир. Ғарб ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган беҳаё саҳналар жиноятчиликни хаспўслашга хизмат қиляпти, халос. Чунончи, бундай урфларни кўз-кўз қилиш ортида одамни фақат ҳай-

воний нафс билан яшайдиган жонзот(ҳайвонга)га айлангиришдек, тубан мақсад-чиркин мафкура борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда айтишим жоизки, маънавиятга таҳдид пайдо бўлдими, ўзининг бугуни ва эртасини ўйлаган ҳар бир онгли инсон ташвишга түшиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт. Янада соддароқ қилиб айтганда, ёш авлод келажagini ўйлаган у хоҳ ота-она бўлсин, хоҳ жамоатчилик (маҳалла-кўй) вакили, хоҳ ўқитувчи бўлсин, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб уларнинг тарбияси масаласига жиддий ёндашишимиз, ҳар хил таҳдидлардан ҳимоялашимиз лозим, деб ўйлаймиз. Чунки, бу борадаги бепарволик ва бефарқлик зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча - қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади, деган эди Биринчи Президентимиз.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги шиддатли, тезкор даврда, глобаллашув замонида чинакам маънавиятли одамгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, ўз давлатини жаҳон ҳамжамиятида қудратли мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун фидойилик кўрсатиши керак. Огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай ҳаётимиздаги турли-туман маънавий-мафкуравий таҳдидлардан сақланишимиз мумкин. Ёруғ келажак йўлида юртимизнинг энг катта таянч ва суянчи бу ёш авлоддир. Бу -Ўзбекистонда юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-

хунарни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган, «ёниб турган» бахтиёр фарзандлардир. Албатта бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, ҳеч шубҳасиз марра бизникидир, Ўзбекистонникидир.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗДАН ЭЪТИБОРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК!

Ҳаммамиз болаларимиз деб яшаяпмиз. Уларни ҳаёти-миз мазмуни, оиламиз гултожи деб атаймиз. Аммо, баъзан болаларимизга "унга тегма", "бу ишни қилма", «Интернет»га кирма, "индамай ўтир" қабалида танбەҳ берамиз. Ўзи қизиққан саволларни берса, "бошимни оғритиб юбординг" дея жеркиймиз. Уларни айрим ҳолларда ҳақорат қилсак, гоҳ бақириб берамиз. Фарзандимиз биздан ширин сўз эшитгиси келса ёки бажарган иши учун рағбат кутганда ишхонадан ҳориб келганимизни рўқач қилиб, унга эътибор ҳам қилмаймиз. Бироқ, бу бефарқлигимиз болаларимизни мустақил фикрлашдан, атрофдагилар билан мулоқотга киришишдан чўчитади, ўзига нисбатан ишончсизлик уйғотади. Психологларнинг айтишича, руҳий эзилиш таъсирида болада одамлардан узоқлашиш, одамови бўлиб қолиш ва дўстларини ёмон кўриб, ёлғизликни иташ каби нохуш ҳолатлар юзага келади. Сиз унга нисбатан эътиборсиз ва беписанд бўлаверсангиз, вақти келиб фарзандингиз сизга қарши чиқади ва сизни "оёқ учида" кўрсатади, у ўз ҳақини талаб қиладиган жиззаки бўлиб қолади. Сиз бу пайт айбни ундан эмас, ўзингиздан қидиринг. Хорижни қузатсангиз, АҚШда гўдак машинада ёки уйда қаровсизликдан нобуд бўлганини эшитасиз ёки газетада асраб олган ота-онаси уни калтаклагани, норасида касалланиб вафот этгани ёзи-

лади, телевидение орқали кўрсатилади. Ота-оналарнинг ваҳшийлигидан этингиз жунжикиб кетади. Кўришиб турибдики, баъзан аҳолининг мазкур қатлами ҳимоясиз бўлиб, ўз оиласида камситилиб, фикрлари мутлақо инobatга олинмайди, аксинча хўрланади. Ота-онаси ичкиликка берилган бўлса, болалар назоратсиз қолдирилади. Бузук йўлларга юрган ота-оналар ўз маишатини ўйлаб, тарбияга панжа орасидан қарашади. Бир кун келиб, олманинг тагига олма тушади, яъни эътиборсизлик ва ахлоқсизлик бошимизга битган бало бўлади.

Юртимизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясининг 6-моддасида таъкидланганидек, ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга. Ҳар бир давлат боланинг омон яшаши ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб бериши лозимлиги қонунан мустаҳкамланган. Шу билан бирга конвенциянинг 7-моддасида айтилганидек, бола туғилган заҳоти рўйхатга олиниш ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларига эга. Қолаверса, бола конвенциянинг 13-моддасига биноан ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга.

Кундалик ҳаётимизда биз эътибор бермай ёхуд билмай болаларимиз ҳуқуқларини поймол этаётганимиз тез-тез учраб турибди. Албатта, барчамиз ўз келажагимиз нурафшон бўлишини кўнглимизга туккан эканмиз, энг аввало, болаларимиз таълим-тарбиясига юзаки ёндашмаслигимиз, уларни ўз

ҳолига ташлаб қўймаслигимиз, парваришлаб, ташқи тажовузлардан ҳимоя қилишимиз, мустақил фикрига эга етук шахслар қилиб тарбиялашимиз муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Зеро, жонажон юртимиз фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан борар экан, азиз ота-оналар, яъни сизу биз жамиятимиз аъзоларини болалик чоғиданоқ ҳуқуқий онгини ўстириш ва ҳуқуқий маданиятига шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

"ҚАРОҚЧИ" ДИСКЛАР

бузғунчи ғоялар тарғиботининг яна бир
манбаидир

"Дискнинг муқовасига қараб... "

Ҳозирда "диск нима " десангиз ҳатто тўрт-беш яшар болагача билади. DVD, VSD, CD, USB - флеш каби қатор турларга бўлинувчи мазкур магнитли восита ўзида бир дунё маълумотни жамлаши ёки олам-жаҳон кинофильмларни сиғдира олиши билан зимдан қараганда мўъжизадек туюлади. Ҳа, дастлаб ҳар қандай янгилик ҳайратингизни оширади. Албатта, шиддаткор ахборот асрида юзлаб қоғоз ёки бир дунё кинотасма ўрнига мўъжазгина "флешка" кўтариб юриш қулай-да! Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг яна иккинчи томони ҳам бор. Мамлакатимиз бозорларида сотилаётган дискларнинг аксариятида чет эл кинолари ва қўшиқлари тарғиб қилинади. Тўғри, сифати ҳаминқадар бўлса ҳам ўзбек кинофильмлари, клиплари, МРЗ дисклар ҳам учрайди. Харидор эса асосан ёшлар?! Чунки психологларнинг айтишича, ёшлар асосан дискни муқоваси устидаги расмига қараб харид қилишади. Ёши катталар эса аксинча унинг мазмунини эътиборга олган ҳолда сотиб олишади.

"Ҳам ноқонуний, ҳам сифатсиз"

Бир куни Қарши шаҳрида "Рустам Ғойибов концерти диски"ни сотиб олдим. Уйга бориб ноутбукка қўйиб кўрсам концертда хонанданинг овози тиниқ эмас. Видеотасвирлар ғира-шира, тирналгандек, гўё! Хулласкалом, видеолавҳа бирданига кўздан ғойиб бўлиб туради. Сизга айтсам, концерт дискини "мазза" қилиб томоша қилолмадим-да! Очиғини айтсам, сифати жуда паст. Сотувчиларга айтсангиз, улар "биз ҳам ичига кириб чиқмаганмиз, олиб келиб сотаямиз", - дея жавоб беришади, елка қисиб. Ҳа, пала-партиш кўчирилган дисклар ҳеч қандай меъёрларга жавоб бермайди. Албатта, бундай бир марталик, ноқонуний дисклардан бундан ортиғини кутиш мушкул-да. Қолаверса ҳеч ким маҳсулотга кафолат бермайди, сифатсиз чиқса қайтариб ҳам олишмайди, агарда сотувчи таниш бўлмаса. Аслини олганда қонуний ва лицензияли дисклар пойтахтимиздаги махсус дўконларда анча қиммат. Сифати ҳам рисоладагидек! Маҳсулотга кафолат ҳам беришади.

Аммо биз "кино, клип, мультфильмлар ёзилган арзон дисклар бор" деган чорловдан сўнг беихтиёр дисклар рас-тасига бурилиб, "янгилари"ни сўраймиз. Сотувчи маҳсулотни пуллаганидек, биз эса харид қилганимиздан хурсандмиз. Ноқонуний дискнинг сифати бизни қизиқтирмайди. Мухими, нархи чўнтак кўтарадиган даражада. Бироқ, дискнинг сифатсизлиги кўнгилни хира қилади. Аммо мўмай даромад илинжида турли фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб, пул-лаётган "тадбиркорлар" ҳам учрамоқда. Дискларнинг сифатсизлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Масаланинг яна бир томони, мамлакатимизга дисклар

ҳамда шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва сотиш ишлари ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. У қонуний мақомга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дискларни мажбурий тартибда назорат-касса машиналари, терминаллар қўлланилган ҳолда турғун савдо шахобчалари орқали фақат юридик шахслар соетиши мумкин.

"Хориж фильмлари орқали..."

Чет эл фильмларини қайси бирини олмайлик, жиллақурса бир фақш эпизодга кўзингиз тушади. Бундан ташқари фильмларда ғарбча яшаш тарзи "экспорти" яққол намоён бўлади. Кинофильмда ота ёки онасини қаровсиз қолдирган ёки кўчага ҳайдаган хорижлик тенгдошидан ёшларимиз нимани ўрганишлари мумкин. Афсуски, дисклар орқали ёшларимиз онги ахлоқий бузқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби оммавий маданият, турли ёт, бузғунчи ғоялар билан заҳарланаётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Психологларнинг айтишича, "фильмлар мазмунига кўра, даҳшатли ва қўрқинчли, севги-муҳаббат мавзуидаги ҳамда бевосита дам олиш учун мўлжалланган турларга бўлинади. Ўсмир-ёшлар бу фильмларни томоша қилгандан кейин тезроқ ким биландир гаплашиб, мақтанишни хоҳлайди. Кўпинча даҳшатли фильмларни томоша қилган болаларда қўрқув (фобия) кучайиб кетади". Албатта зўравонлик, ур-йиқит, беҳаёликка асосланган фильмларнинг салбий оқибати ҳақида гапиришнинг зарурияти бўлмаса керак. Шунинг учун фарзандларингиз қандай диск ёки сиз совға қилган қимматбаҳо уяли телефон ёки компьютер орқали нима томоша қилаётганига эътибор беринг. Чунки, бугун мактаб ва коллеж ўқувчиларининг уяли телефонла-

рида зўравонлик ва порнографик лавҳаларни тез-тез учратиш мумкин. Агарда сиз бу борада сал бепарволикка йўл қўйсангиз, фарзандингиз ёт ғоялар, бузқўчилик, зарарли иллатлар таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

"Мафкуравий иммунитет зарур"

Ҳозирда "болам буни кўр ёки кўрма" деган таъқиқ ўзини оқламайди. Ғоявий тажовузларнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдир. Мафкуравий иммунитет бу - бузғунчи, ёт, вайронкор ғояларга қарши кураша олиш қобилиятидир. Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Мафкуравий иммунитет ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришдан иборатдир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республика Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониға биноан, давлат қурилишига қарши, ҳудудий бирликни, давлат суверенитети ва сиёсий мустақилликни бузишга йўналтирилган, урушни, террорни, диний қарам-қаршиликни, миллатчиликни тарғиб этувчи қўлёзмалар ҳамда порнографик мазмундаги расмлар, фото, фотопленкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш таъқиқланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, "... маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак,

24.09.2015

бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин".

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ

Бу абадий лаънат демақдир

Гуноҳи кабира

Шукр қилишда фазилат кўп. Чунки Яратган илоҳий неъматларга доимо шукр қилиб, ҳар қандай синовлару мусибатларни сабр билан енгган бандаларига ўз раҳматини ёғдиради. Зотан бу дунёда тушкунлигу умидсизликка тушмай "Инсон" деган улўф номга муносиб ҳаёт кечириш мақсадга мувофиқдир. Аммо Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда "оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги" ташвишланарли ҳол эканлигига урғу бериб ўтдилар: "Сизлар яхши биласизлар, Қуръони каримда "Ўзингизни ноҳақ ўлдирманг" деб буюрилади. Муборак ҳадисларда ўз жонига қасд қилганлар ҳеч қачон жаннатга тушмаслиги ҳам баён қилинади.

Шунга қарамасдан, айрим аёлларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари барҳам топмаётган экан, биз аввало, бунинг сабабларини бартараф этиш ҳақида ҳар томонлама ўйлашимиз, жумладан, аҳолимиз, аёлларимиз ўртасида динимизнинг кўрсатмаларини тушунтиришимиз

лозим", -деди ўз сўзида Давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда жамиятимизда айрим ёшларимизнинг билиб-билмай ўз жонига қасд қилиши кўпайиб бораётгани ташвишга солади. Албатта, ҳар қандай муаммодан халос бўлишнинг йўли - бу ўзини ўлдириш эмас. Бундай нохўш ҳол унинг иродаси ва эътиқоди бўшлигини кўрсатади. Зеро, Аллоҳ таоло ато этган ҳаёт нурини бевақт ўчириш яъни ўзини ўлдириш икки дунёда абадий лаънат ва мангу дўзах азобига гирифтор бўлиш демакдир. Ислом динида инсон ўз жонига қасд қилса, бу осий банда жаҳаннам ўти билан азобланиши қайта-қайта таъкидланади. Аллоҳ таола айтади: "... ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!.." Дарҳақиқат ўзини осган, ёққан, сувга ёки автомобиль ва поезд остига ташлаган инсон борки, бу ўзини ҳалокат ботқоғига отмоқда. Бу гуноҳи кабира бўлиш билан бирга, умрни эрта хазон қилиш ҳамдир. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилади: яъни; "Қим тоғ тепасидан ташлаб, ўзини ўзи ўлдирса, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлади. Агар захар ичиб ўзини-ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлади. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ўша кимса темир парчаси қорнига суқилган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади... Ўзини сувга ташлаб ёки осиб ёки куйдириб, ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам юқорида зикр қилинганлар ҳукми билан баробардир... Ким ўзини ўзи бўғиб ўлдирса, дўзахда ҳам шу хил азобга қолади ва ким ўзини олов билан ўлдирса, дўзах оловида ҳам худди шундай азобга қолади".

Жаноза ўқилмайди

Таассуфки, кундалик ҳаётимизда турли хил йўллар билан ўз жонига қасд қилиш воқеалари учраб тургани, бу айниқ-

са, айрим ёшлар ва аёллар ўртасида содир бўлаётгани дилимизни хуфтон этмоқда. Ўз жонига қасд қилганлар хешу акраболарни ва ота-оналарни оғир кулфатга солиш билан баробарига, айтиб ўтиш лозимки, фатвога биноан бундайларга жаноза намози ўқилмайди. Бундан ташқари ўз жонига қасд қилганларнинг маъракасига бормаслик ва арвоҳига Қуръони карим тиловат қилмаслик шаръан жоиздир. Ҳазрати Расули акрам (с.а.в.) айтадилар: "Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилади: яъни "Бандам ўзини ўзи ўлдириб, менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим".

Худкушлик шаҳидлик эмас!

Ислом уламолари ўзини турли портловчи воситалари билан портлатиш орқали бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлиш бу шаръан ҳаром қилинганлигини таъкидлаганлар. Бу зинҳор базинҳор шаҳидлик эмас. Шаҳидлик ислом динига кўра, Аллоҳнинг ризоси йўлида фидойилик қилган, иймони, эътиқоди, номусини, Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган кишиларга Аллоҳ томонидан бериладиган даража демакдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ички касалликлар хуружи билан ўлган, жони, моли, ор-номуси ҳимояси йўлида ўлдирилган ва турли сабаблар билан фожиали ҳалокатга учраган кишиларга ҳам шаҳидлик мақоми берилади, деб башорат қилганлар. Демак, ислом нуқтаи назарида шаҳидлик мусулмон кишининг ихлосу эътиқоди, амали ҳамда мусибатларга сабр-токат қилиши эвазига бериладиган мукофотдир. Аммо ҳозирда Яқин Шарқ ва араб мамлакатларида, нотинч ҳудудларда ўзларини портлатиш, террор амалиётини амалга ошириш йўли билан бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлаётганлар

- жиноят содир этиб, гуноҳи кабирага қўл ураётган осий бандалардир. Уларнинг шаҳидлик даъво қилишларига ҳеч қандай шаръий асос йўқ. Бинобарин, бу худкушликнинг Исломга ҳеч бир алоқаси йўқ. Ваҳоланки, ўз жонига қасд қилиш билан бошқалар қонини тўкканлар ҳам Аллоҳ таолонинг азобига учрайди.

"Кўк кит" тузоғи

Бугун ижтимоий тармоқларда интернет терроризми деган атама тилга олинмоқда. Соддалаштириб айтганда, интернет орқали инсонни ўз жонига қасд қилишга мажбур қилиш - бу албатта интернет терроризмидир. "Синий кит" ва "Тихий дом" ўйинлари ҳам алалоқибат ўз иштирокчиларини, яъни вояга етмаган ёшларни ўзини ўлдиришга ундайди. Бу бирданига содир бўлмайди. Бу ўйин асосан ижтимоий тармоқларда ўйналадиган жонли ўйинлардан ҳисобланади. Сизга 50 та топшириқ берилади ва барча топшириқлар бажариб бўлингач, сизга ўзингизни ўлдириш "бююрилади". Демокчимизки, эллигинчи - сўнгги топшириқ ўз жонига қасд қилишдир.

Ўйинлар асосан ўсмир ёшлар, мактаб ва коллеж ўқувчиларига мўлжалланганлиги билан ташвишга солади. Чунки катта ёшлилар ҳаётини тажриба жиҳатдан ўйин ташкилотчиларининг тузоғига илинмаслиги мумкин. Ҳали ғўр ва содда ўсмирларни эса алдаш ҳам, ўз йўриғига солиш ҳам осон. Гап шундаки, ўйинда асосан ҳаётнинг оғирлиги, яшаш қийинлашиб кетгани, ўзини ўлдирувчи кадрлар туширилган фото ва видеолавҳалар юкланади. Бу эса ўз навбатида ўсмир ёшлар психологиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Гуруҳга аъзо бўлган иштирокчи ўзининг саҳифасига "Мен

ўйиндаман", "4.20да бошлайман" сингари сўзларни ёзиб кўяди. Шундан сўнг гурӯҳ аъзоларидан, яъни ўйинни яратувчиларидан бири унга кўрсатмалар бериб, "мясини захарловчи ходим" сифатида бириктирилади. Топшириқлар эрталабки 4.20 да етиб келади. Илк вазифа кўлига ўткир тигли воситалар ёрдамида кесиб китнинг расмини чизиш ва ва бу билан ўйинга кирганини исботлаш ва унинг исботини юборишдир.

Жоннинг қиймати

Топшириқлар бирин-кетин бажарилиб, эллигинчи поғонага кўтарилгач, сизга ўз жонингизга қасд қилиш, бирор бинодан сакраш, поезд остига ташлаш ёки сувга отиш "бужурилади". Агар иштирокчи "топшириқ"дан бош тортса, унга қандайдир ҳавола келади. Ҳавола босилиши биланок уяли телефон ёки компьютерга вирус тушади. Бу вирус орқали иштирокчининг IP адреси олинади ва унга тегишли маълумотлардан ўйин ташкилотчилари воқиф бўлади ва топшириқдан бўйин товлаган иштирокчига қуйидагича хабар келади: "Агар ўзингни ўлдирмасанг, оилангни ўлдирмиз! Сен палончи писмадончиевсан. Онанг палончи жойда ишлайди. Отанг ҳозир палончи жойда. Уканг эса боғчадан қайтмайди". Бу хабарни ўқиган ўспириннинг руҳий ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Талвасага тушган ўсмир яқинларини ҳимоя қилиш учун ўз жонига қасд қилади.

Нега айнан ўйин "Синий кит" - "Кўк кит" деб номланади, деб савол бераяспизми, азиз китобхон! Ўйиннинг номи ҳам моҳиятига мос! Чунки кўк китлар ҳам ўзларини соҳилга ташлаб жонларига қасд қилишади. Ўйиннинг яна бир тимсоли 2015 йилда ўзини поезд тагига ташлаб ҳалок бўлган қиз, у ижтимоий тармоқдаги саҳифасида йигити ташлаб

кетгани учун барча билан хайрлашиб, бошини юриб келаётган поезд остига қўяди.

Ўз жонига қасд қилиш ўйини ҳозирда юртимизга кириб келгани, ёшларимиз онги ва шуурига "қармоқ ташлаётгани" хавотирга солади. Албатта, агар сиз ўз танишингиз, фарзандингиз, яқинларингизнинг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида 1 дан 50 гача бўлган сонларни кўрсангиз ва рус тилида ёзилган "Китлар юқорига қараб сузмоқда", "Мени 4.20да уйғот", "Тинч хонадон", "Рина", "Ня. пока", "Китлар кўп", "Менгача бўлган 50 кун", "Мен ўйиндаман", "Сен ўйиндасан" каби ёзувларга кўзингиз тушса, ҳушёрликни қўлдан бой бермай, огоҳликка даъват этинг. Ўзингиз, яқинларингиз, атрофингиздагилар, барча-барчани "Кўк кит" домига тушишига йўл қўйманг.

Мухтасар қилиб айтганда, ўз жонига қасд қилиш турли йўллар билан бўлишдан қатъий назар динимизда қаттиқ қораланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида таъкидланадики: "Бир киши дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, қиёмат куни шу нарса билан азобланади". Зотан Яратган томонидан берилган омонат - умрдан унумли ва оқилона фойдаланиб, уни хайрли ишларга сарфламоқ, гўзал ахлоқ билан безамоқ, савобли амалларга йўналтирмоқ айни муддаодир.

ВАЪДАГА ВАФОДОРЛИК - БУЮК ФАЗИЛАТ

Ўз ваъдасининг устидан чиқиш, сўзидан қайтмаслик, лафзи ҳалоллик энг гўзал хулқлар сирасига киради. Бинобарин киши аҳдлашдими, белгиланган куни ва соатида ваъдага вафо қилиши буюк фазилатдир. Аммо бугунги кунда белгиланган кунда ўз аҳдида турмаслик, сўзидан қайтиш ҳолатлари кўзга ташланаётгани таассуфлидир. Зотан Қуръони Каримда марҳамат қилинадики, "(Эй Мухаммад!)

Китобда Исмоил (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у ваъдасига содиқ турувчи набий ва расул эди". Албатта, Исмоил алайҳиссалом ваъда берсалар, уни ўз вақтида бажарган, бирор киши билан бирор жойда учрашишга келишган бўлсалар, ушбу инсонни уч кун мобайнида кутган эканлар. Зотан ваъдага вафо қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик гўзал ахлоқ қоидаларидандир. Дарҳақиқат мусулмон киши борки, ҳар вақт тўғри сўз, ваъдасига вафо қилиши, берган ваъдасига содиқ бўлиши ҳадиси шарифда даъват этилган: "Қайси бир одамда тўрт аломат топилса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда шу тўрт аломатлардан бири бўлса, уни тарк этмагунча, унда мунофиқликнинг бир белгиси бўлади. Бу тўрт аломат қуйидагилар: Омонатга хиёнат қилади, гапирса ёлғон сўзлайди, бирор кишига аҳд берса аҳдига вафо қилмайди. Ҳақ талашса, жанжал қилади".

Алалхусус, иймон ҳам кишига берилган омонатдир. Топширилган омонатларни турли офатлардан сақлай олмаган инсон ўз иймонини сақлай олмайди. Ваҳоланки, аҳду паймонига вафо қилмаслик, ёлғон қасам ичиш, бировнинг ҳақини емоқ гуноҳи азим эканлигини унутмайлик. Зеро ҳадисда айтилганидек, "Омонатсиз кишининг иймони йўқ ва аҳдига вафосизнинг дини йўқ".

Кундалик ҳаётимизда кўриб, билиб турибмизки, омонатларни сақлай олмасликдан турли хил кўнгилсизлик ва жиноятлар келиб чиқмоқда. Кейинги пайтларда олинган қарзларни ўз вақтида эгасига бермаслик ёки узр айтиб, муддатини узайтиришни сўрамаслик ёки умуман қайтармай қочиб юриш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Судхўрдан пул олиб, бўйнигача қарзга ботган инсоннинг чет элга қочиб кетгани ёки ўз жонига қасд қилгани ҳақида аҳён-аҳёнда эшитиб

қоламиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам олинган қарзни ўз вақтида қайтармаслик - оғир гуноҳлар сирасига киради. Қарзини ўзишга етадиган моли бўла туриб, уни эгасига бермай вақтини ўтказиб юриш зулм ва бекорликдир. Ана шунинг учун берилган қарзни ўз вақтида ололмаганлигингиз, унинг ортидан юриб сарсон-саргардон бўлганлигингиз учун бирор киши эшигингизга қарз сўраб келса, ўйланиб қоласиз. Ҳадисда айтилганидек, "Омонат берган кишига омонатини қайтаринг! Сизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!" Албатта, қарз қиёматга қолмаслиги керак.

Омонатнинг яна шундай бир тури борки, у ҳам бўлса Яратган томонидан инсонга ато этилган жон омонатидир. Имом ал-Бухорий бобомиз ривоят қилган қудсий ҳадисда Расулulloх (с.а.в.) шундай дейдилар: "Аллох таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилурки, "Бандам ўзини ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим".

Мухтасар қилиб айтганда, ваъдага вафо қилиш, ўз сўзида туриш, омонатга хиёнат қилмаслик нафақат мақсадга мувофиқ, балки энг эзгу амаллардан саналади.

ҲАЁСИЗЛИК ҚИЛКЎПРИГИ

Қашқадарё вилоят Халқ депутатлари Нишон тумани Кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги нашри-"Нишон тонги" газетасидаги Саломат Турсунованинг "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча..." номли мақоласида кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзу ҳақида сўз юритилган. Дарҳақиқат, муаллиф томонидан панада қолиб келаётган жамиятимиздаги жиддий муаммолар қаламга олинган. Ҳар қандай шаҳар ёки қишлоқни олмайлик, аёлларимиз болаларини эрларига ташлаб, ўзлари Рос-

сияга ишлаш учун йўл олганликларини эшитамиз, кўрамиз, биламиз. Улар қандай эркакларки, хотини чет элда ишлаб жўнатган пул эвазига кун кечирмоқда?! (Яна эркакман, деб маҳаллада бош кўтариб юрипти). Улар қандай эркакларки, ўзлари ишламай аҳли аёлини бегона юртга жўнатган?! (Кимга ишониб, ё эркакларимиз тубанлашиб кетдиларми?) Ахир эркак аслида турмуш ўртоғи-ю болаларини боқишга, ҳимоя қилишга масъул эмасми? Наҳотки бугунги кунга келиб ҳаётимизда эр-хотин ўрни алмашган бўлса?!

Бегона юртда аёллар "хўжайинлар" мардикорчилиги-ю кўчаларни супириб сидиради, магазинлар полларини ювади, чет эл фуқаролари бажармайдиган оғир меҳнатларни қилади, иш берувчининг инжиқлиги-ю камситишларига чидайди. Яшаш шароити эса рисоладагидек эмас, «аварийный» уйлари ертўлаларда кун кечиришади, кўнгилдагидек квартирага ижарага турай деса, нархи осмонда, топган пулининг ярмини унга сарфлашга тўғри келади. Қонуний бирор корхонада ишлайман деса, ҳужжатларни тўғирлашга ҳам дунёнинг пули кетади. Ҳужжатингиз бўлмаса эса полиция ходимлари сизни ҳар қадамда таъқиб қилиб, "жарима" ундиради, пул бермасангиз полиция отделига қамаб қўйишади, додингизни худога айтасиз. Ҳа, азиз китоб, хотини чет элда тирикчилик деб минг бир қийинчиликларни бошдан кечирса-ю роҳатда яшаётган эркакни нима деб аташ мумкин. Бир киши ҳикоя қилиб берди, Дилбар исмли самарқандлик аёл Санкт-Петербургдаги Балиқзаводда қийин меҳнат шароитида ишлади, эри эса иссиқ уйда (Самарқандда) ўтириб, болаларига тарбиячилик қилди, хотинига SMS жўнатиб, ойма-ой пул жўнатишини талаб қилди. (Наҳотки қилаётган ишидан уялмаса?). Бечора аёл кечала-

ри ухлмасдан меҳнат қилар, соғлиғини ҳам ўйламасди. Бундан ташқари эри олдида бўлмагани учун бегона йигитлар унинг атрофида гирди капалак бўлиб, бузқлик кўчасига бошлашга ҳаракат қилишарди (Чунки турмуш ўртоғи ёнида бўлмаса у ерларда бундай аёлни беҳаё ёки бузққ деб ҳам ўйлашади). Пайғамбаримиз айтадиларки, хотинини қизганмайдиган, рашк қилмайдиган эркак мусулмонлардан эмас, ингинун уларни эркак, деб аташга тил ҳам бормади. Яна шундайлар борки, Россияда бошқа эркак, ўлкамизда бошқа эр билан яшашмоқда. Уларнинг бу бадкирдорлиғи-ю қилиғлари на қонун, на ахлоқ қоидаларига тўғри келади. Ё аксинча айрим эркакларимиз у ерга бориб, «оқ билак хоним»ларга ўйланиб олмоқдалар. Пировардида, оилалар пароканда, фарзандлар етим қолмоқда. Наҳотки норасида болаларнинг уволи уришидан қўрқишмаса? Бундан бир неча йил муқаддам олти болалик эркак Россияга бориб, бир ўрис аёлига ўйланиб кетди, хотин бола-чақаси билан барча алоқаларни ўзди. Катта оилани боқиш ташвиши шўрлик аёл зиммасига тушди. Професор Улфат Маҳкамов "Ахлоқ-одоб сабоқлари" китобида нокас эркак - оила бошлиғининг тутган нотўғри йўлини кескин қоралайди ва қуйидагича ёзади: Нафс балосига берилиб, номусини, қадрини унутган айрим ёш қизлару оилали аёлларни фоҳишалик қилишлари, ёш йигитлар ёки ўиланган эркакларни қабохат ишларга қўл уришлари, ахлоқсиз аёлларнинг ортидан қолмасликлари кишини ташвишлантиради. Ёки ўзича энг гўзал, "кетворган" аёлларнинг ичкилик ичиб, эрларига хиёнат қилишлари (бошқа эркаклар билан ҳам бирваракайига мунтазам дон олишиб туришлари) жирканчлик, аҳмоқлик, ҳаёсизлик эмасми?! Ёки гулдай хотини бўла ту-

риб, кап-катта фарзандларидан ҳам уялмасдан фоҳиша аёллар билан юраётган эсли-хушли, ёши катта эркаларнинг қилмишларини қандай оқлаш мумкин? Бундай ҳаёсиз эркак ва хотинларга ҳамма лаънатлар ўқийди. Абдулла Авлоний айтганидек, ҳаё дилни равшан қиладиган бир нурки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтож... Иффатнинг пардаси, виждоннинг никоби ҳаёдир".

Гап шундаки, ана шундай аёлу эркаларимизда вафодорлик етишмайди. Азал-азалдан халқимизда вафодорлик қиз ва аёлларнинг зийнатли либоси ҳисобланган. Бир ривоятда айтиладики, бир аёл оч-наҳорликдан ўзига тўқ эркақдан бир бурда нон сўрайди. Эркак эса бузқчилик қилса, истаган нарсасини унга муҳайё қилишини айтади. Аёлнинг жавобидан ҳалиги эркак ҳайратга тушади. "Ўлсам ўламан, лекин фоҳишалик қилмайман" дейди-ю қабиҳ ишдан бош тартади. Албатта, аёл иффати-ю ибоси, вафоси-ю садоқати билан гўзал. Ярим очиқ футболка-ю кофта, мини юбка кийиб, ўз қадди-қомати чиройли оёқларини кундалик ҳаётимизда ва ижтимоий тармоқларда "реклама" қилаётган аёлларимиз замонавийлик ортидан эмас, балки ақсизлик изидан қувмоқдалар. Бу беҳаёлик аёлни уч нарсадан маҳрум қилади. Биринчидан, юзидан нур кетади, иккинчидан, оиласидан қут-барака юз ўгиради, учинчидан, ахлоқсизлик уни хорлик ва расволик томон бошлайди.

Бир киши айтиб берган эди, чет эл кўчаларида айланиб юрсангиз, қўлингизга ҳар хил беҳаё қизлар, фоҳишалар расми-ю манзили ва телефон рақами туширилган журналларни тутқазиб кетишади. Афсуски, бундай журналларда яланғоч ўзбек қизлари сурати-ю "ўзбечка Азиза", "восточная красавица Лайло", "ўзбечка Камилла" ёзувларига кўзин-

гиз тушади ва газабингиз қайнайди. Қолаверса журналда уларнинг нархлари ҳам белгилаб қўйилган. Ёки «You Tube» ва телефонлардаги видеороликларда аёлларимизни стриптиз тушаётганлиги-ю ибосиз лавҳаларини кўришингиз мумкин. Муслмончиликда зино қаттиқ қораланади. Бу шайтон кўчасига кирганнинг аҳволи вой, зино бу савобни кесади, касалликларга йўлиқтиради. Ўз ўрнида айтиш лозимки, ҳали давоси топилмаган ОИТС ҳам бузқчиликдан келиб чиққан. Бинобарин бундай аёлларни юртига қайтганда ҳар хил касалликлар олиб келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ахён-ахёнда Россияда фоҳишаликка қўл урганларнинг ўлиги қайтганини эшитиб қоласан. (Яқинда Москвада бир аёл устида икки ўзбек йигити талашиб қолади, ўртада эса ҳалиги аёл қурбон бўлади, майитни юртига олиб келиб кўмишди).

Ўзбекчиликда аёл - ҳаё рамзи сифатида қадрланади. Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ҳадисларда таъкидлайдилар: "Ҳаё иймондандир, иймон эса жаннатга элтади. Ҳаё билан иймон бир-бирига боғлиқ, бири кетса, иккинчиси ҳам кетади". Ривоят қилишларича, ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл ҳам бор экан. Уларни ўлимга олиб кетишаётганда бояги аёл йўлда ип ва игна беришларини сўрабди.

- Нима қиласан ипу нинани? - сўрабди жаллод тааж-жубда.

- Тиззамнинг ёнидан йиртилибди, шуни тикиб олай, - дебди боши танасидан жудо бўлишига бир баҳя қолган аёл.

- Ахир ҳозир ўласан-ку? - дебди жаллоднинг ёрдамчилари, - Сенга барибир эмасми?!

- Мен аёлман, шарм-ҳаёмни сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ олдига аёлдай чиқишим керак! - дебди аёл. Тўғрироғи, ҳаё - бу поклик, қаноат, сабр-бардош, диёнат, одоб ва ихлосдир. Ҳаёсиз кишилар ор-номусни, дўстлик ва садоқатни оёқ ости қилишдан тап тортмайдилар.

Азиз аёллар, сизнинг диққатингизни яна бир жиддий муаммога қаратмоқчиман: "Келажакда фарзандингиз тақдири қандай бўлиши ҳақида қайғуринг. Чет элга ишлашга кетган аёлнинг боласи қандай тарбия олади. Каттагина пулга эга бўлсангизу, фарзандларингиз жиноятчи бўлиб қолса..." Чунончи бу ўринли огоҳлантириш.

Маҳалла фаолларидан бўлганим учун кўча-ку-ю хонадонларда кўп бўламан. Албатта, онаси Россияга кетгану қаровсиз қолган қизу йигитларимиз енгилтак ва тарбиясиз бўлиб улғайиши турган гап. Чунки уларни тергайдиган, қайғурадиган, жон куйдирадиган, назорат қиладиган она бўлмагандан кейин нав-ниҳол ҳам тўғри келган ножўя кўчаларга кириб кетади-да. Синган идишни минг уринган билан ас-лига қайтариш мушкул. Шунинг учун, азиз оналар, фарзандларимизни ўз ҳолларига ташлаб қўймасдан (чет элларга кетмасдан), ёнларида бўлиб уларни тарбиялайлик. Ўз вақтида парваришлаб тарбияламасақ, кейин кеч бўлади. Сўнги пушаймон, ўзинга душман. Арабларда бир мақол бор, ҳар бир нарсанинг ўз вақти ва ўз жойи бор.

ҚИЗЛАРИМИЗНИ ЭРТА ТУРМУШГА УЗАТМАНГ

Оила институтини мустаҳкамлаш ва унда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. 2018 йилнинг 2 февралдаги Президентимизнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони оила институтини мустаҳкамлаш йўлида жиддий қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам оила - жамиятнинг муҳим бўғини сифатидаги ўрни ҳамда давлат муҳофазасида эканлиги, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ўз ота-оналарига ғамхўрлик кўрсатиши мажбурийлиги, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланиши белгиланган.

Айни кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар соғлом авлод - соғлом оилани шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ҳамма ота-она боласи соғломлигини олий бахт ҳисоблайди. Чунончи, оилада соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишига тўсқинлик қилаётган омиллар борлигини ҳам инкор этолмаймиз. Янада соддароқ қилиб айтганда, ҳали оила қуришга тайёр бўлмаган қизимизни балоғатга етмасдан турмушга узатамиз ёки қариндошларимиз билан қуда-анда тутинишга ҳаракат қиламизу, оқибатини ўйламаймиз. Маълумотларга қараганда, эрта турмуш қурган қизларимизнинг оилалари мустаҳкам эмаслиги, оқибатда бундай оилаларда ажралишлар кўплиги кузатил-

моқда. Фармонда қайд этилганидек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, эрта никоҳлар, оилалардаги низолар ва ажралишларнинг олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш керак.

Қариндошлар ўртасида никоҳ оқибатида эса минг афсуски, ногирон ва нимжон гўдаклар дунёга келмоқда. Айтишнинг норасида гўдакларда нима айб?! Ота-она хатоси туфайли улар бир умр ногирон бўлиб ҳаёт кечиришга мажбурмилар?!

Оила кодексида асосан ёшларнинг турмуш қуриш ёши, эркеклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Бу айнан шу ёшда турмуш қуриши шарт дегани эмас, албатта. Шифокорларнинг таъкидлашича, 16-17 ёшли қизлар она бўлишга жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўла тайёр бўлмайди. Яъни бу ёшда ҳомиладор бўлиш ёш она ва чақалоқ ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Кундалик ҳаётимизда бундай ёш оилаларда оналар ва болалар ўлими тез-тез учрайди. Тадқиқотчилар тиббий хулосаларга асосланиб, қизлар учун оила қуришга энг қулай вақт 20-24 ёш, йигитлар учун эса 24-26 ёш эканлигини бот-бот таъкидлашмоқда. Абдурауф Фитрат қайси ёшда турмуш қуриш лозимлиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: "Ўн тўрт ёшдан йигирма ёшгача. Бу даврда уруғ ҳосил бўлганидан шахвоний ҳис зиёда бўлади. Лекин таносил аъзолари ва нутфа моддаси камол даражасига етмайди. Шунинг учун бу ёшда уйланганда, натижа ё самара бермайди ёки оламга келган фарзанд ногирон, заиф ва камқувват бўлади. Бинобарин ҳақимлар эркекларга 23 ва қизларга 18 ёшдан олдин уйланмасликни (турмуш қурмасликни) маслаҳат берадилар. Айтишларича, бу ёшдан олдин уйланишда бир неча зарар бор. Биринчидан, эркекнинг ақлу заковати камол

даражасига етмаган, маишат ишлари ва оила тебратишда ожизлик қилади. Иккинчидан, бу ёшда ёш эру хотиннинг ақлу иродалари комил бўлмаганидан аксар шахвоний ҳисга берилиб, висолнинг суиистеъмом қилиб, умрларининг асосини нобуд қиладилар. Учинчидан, бу ёшда бадан аъзолари ва уруғ моддаси ҳали етилмагани учун фарзанд кўрмайдилар. Тўртинчидан, фарзанд оламга келса ҳам заиф ва камқувват бўлади, узоқ яшамаслиги мумкин. Бешинчидан, бу ёшда аёл ҳомиладор бўлиб қолса, ёшлиги туфайли кучсизланиб қолади, жисми ривожланишдан тўхташи мумкин".

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам эрта турмуш қуришни кескин таъқиқлайди. Албатта, бу ҳужжат миллат келажagini кафолати, десак муболага бўлмайди. Унга кўра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ 473-модда билан тўлдирилди. Қонунга бинан никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига кириш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга узатиш ёки уйлантириш энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жаримага торттиришга олиб келади. Бундан ташқари никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг янги 1251-моддасига кўра эса никоҳ ёшига етмаган шахс би-

лан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга узатиш ёхуд уйлантириш, шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади. Шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Албатта, бу қонун мазмун-моҳиятини ўрганиш, уни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, тушунтириш бугунги кун талабидир. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантирсаккина, бу борада йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, азиз ота-оналар фурсат борида эсимизни йиғиб олиб, фарзандларимизни эрта турмушга узатмайлик. Алал оқибатда қош қўяман деб кўз чиқариб қўймайлик, яъни бахтли қиламан деб, оила нималигини тушунмаган қизимизнинг бахтсизлигига сабаб бўлаётганимизни чуқур англаб етайлик. Фарзандларимиз баркамол ва бахтли бўлишини истар эканмиз, ўсмир қизларимизни

тани-жони соғ бўлишига, касб-хунар эгаллашига замин яратайлик, оилавий турмушга тайёрлайлик. Балоғатга ет-гач ўз маҳалида тўю томошалар билан узатсак мақсадга мувофиқдир. Ана шунда оила мустаҳкам, фарзандларимиз соғлом бўлади! Зотан Мухтарам Юртбошимиз айтганидек, қиз бола-бўлғуси оила бекаси, келажакимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай тарбия берсак, эртага улар янги авлодимизга шундай тарбия беради.

ОПА-УКА ҚУДА БЎЛСА...

Оқибатини ўйлаймизми?

Кундалик ҳаётимизда айрим ҳолатларда опа-сингиллар, ака-укалар, бир сўз билан айтганда, жигарбандлар қариндош-уруғчилик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуда-анда бўлишади. Гап шундаки, қондошлар бу билан борди-келди узвийлигини таъминлашга, яқинлашишга ҳаракат қилишади. Аммо, тиббиёт ва турмуш тажрибаси шунни кўрсатмоқдаки, қариндошлар никоҳидан ногирон ва нуқсонли болалар туғилмоқда. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф "Бахтиёр оила" китобида ёзишича, "Уламо-ларимиз қариндошлар никоҳ қурмаслиги лозимлигини ўқтиришади. Чунки, куёв қариндошга уйланса, болалари заиф-ҳол бўлиши эҳтимоли кучли. Аллоҳ кўрсатмасин, келиш-мовчилик бўлиб қолса, қариндошчилик алоқаларига зарар етиши мумкин. Бегонадан бўлса болалар заифҳол бўлмайди. Келин-куёвнинг баҳонаси билан уларнинг қариндош-уруғлари ҳам қуда-анда бўладилар, ижтимоий алоқалар ривожланади». "Албатта, айримлар яқин ришталар узилиб кетмасин, деган эзгу бир ниятда (қудачилик - минг йилчилик) қудачиликка розилик билдирадилар. Бундай оилалар-

нинг аксариятида ўзаро келишмовчилик ёки туғилган болалар турли хил касалликларга чалинавергач, ажрашиш қайд этилгани етмаганидек, яқин қариндошлар юзкўрмас бўлиб кетишади. Энг ачинарлиси, ажрашган келин-куёвлар бошқа-бошқа турмуш қуришади-ю, минг афсуски, алоқалари ўзилган қариндошлар ярашмайди. Бир воқеа ҳалигача кўз ўнгимдан кетмайди, ўн йиллар муқаддам ака-укаданғиллама тўю-тамошалар қилиб, қуда бўлишди. Аммо ёш келин-куёвлар ҳадеганда бир-бирини тилини топишолмади. Арзимас сабабдан уйларида кунда жанжал эди. Аянчлиси, можароларга баъзан ака-укалар аралашар, алалоқибат оила бузилиб кетди, унинг устига ҳомиладор келинчак ҳам нимжон ва ногирон бола туғди. Ака-укалар ҳалигача бир-бирлари билан гаплашишмайди. Муслмончиликда силлаи раҳм қариндошчилик ришталарини маҳкам боғлаб туриш ҳар бир муслмон учун фарзу вожиб қилинган, алоқани ўзиш эса ҳаромдир. Зеро, Аллоҳ таоло марҳамат қилди:

Яъни "Эҳтимол, (иймондан) юз ўгирарсиз, ер юзида фасод қилиб, қариндошчилик ришталарини узарсиз?! Ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлади, уларни қар қилди ва кўзларини кўр қилди ("Мухаммад", 22-23-оят).

Оятлардан кўриниб турибдики, қариндошлар билан алоқаларни ўзиш иймондан қайтиш билан баробардир. Бу эса Яратганнинг қаҳрини келтиради, улар Тангрининг раҳмати-ю ҳидоятидан бенасиб ҳолда умр кечиришади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадиларки, "Қариндошчилик ришталарини ўзган одам жаннатга кирмайди". Албатта, қариндошлар ўртасидаги никоҳ салбий оқибатлар келтиришини, авваломбор, ота-оналар, ёши катталар тўғри тушуниб етишла-

ри, оила қураётган ёшлар эса бу масалага жиддий қарашлари лозим. Оила жамиятнинг бошланғич ҳужайраси ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Бу масаланинг бир жиҳати.

Муаммонинг иккинчи хавfli томони ҳам бор. Келин-куёвнинг қариндошлик ришталари қанчалик яқин бўлса, туғилажак гўдақда касаллик хавфи шунча кўпаяди. Энг ёмони, болаларнинг ирсий касалликлар билан дунёга келиши қатор муаммолар туғдиради. Тиббий тадқиқотларга кўра, бундай никоҳдан тўрт фарзанд дунёга келса, албатта, уларнинг бирида касаллик қайд этилади. Ҳаётимизда қариндошлар турмуш курдими, билинги, қон-қонга тўғри келиши туғилажак гўдақ соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Кўп ҳолларда яқин қариндошлар никоҳининг асорати бир авлодда бўлмаса, кейинги авлодда юзага чиқади.

Азиз ота-оналар! Ҳаммамиз фарзандларимиз соғлом бўлишини истаймиз. Бунинг учун тиббиёт ҳодимларига мурожаат қиламиз, спорт тўғаракларига кўямиз, жон-жаҳд билан боламизни ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишига шарт-шароит яратамиз. Аммо, фарзандлар туғма нуқсон билан дунёга келса-чи? Бунга давони на табиб, на дўхтир, на сиз топа оласиз?! Бошимиз осмонга етган бўлса ҳам қўлимиздан ҳеч вақо келмайди. Одам алайҳиссалом ўғли Шисга бир иш қилишдан олдин оқибатини ўйлашни насихат қилган. Айтмоқчимизки, қариндошлар куда бўлиб, кейин пушаймон бўлгандан кўра, бундай оқибатсиз никоҳларнинг олдини олиб, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўймаган маъқул. Чунки, бежизга халқимиз бирон-бир ишни қилишдан аввал, обдон ўйла "етти ўлчаб, бир кес" демайди-да.

ЧИМИЛДИҚ КЎРМАГАН "КЕЛИН"ЛАР

Ёки қизларимиз тарбиясига бепарво бўлмайлик

Бир замонлар қизларимиз ота-ю аканинг кўзига тик каролмаган, бегона эркаклардан юз-кўзини олиб қочган. Дарвоқе ибo-ю ҳаё, уят-у андиша бошқача эдими, ўша пайтлар. Аммо ўз ўрнида ўзбек қизлари шарқона ахлоқи, ҳусни-жамоли, латофати ва шарму ҳаёси билан бошқа миллатлардан устун туришини таъкидлашнинг ҳожати бўлма-са керак. Бироқ, ҳозирда, кўча-кўйда ярим очиқ кофта ёки тоника кийган қизларимизни кўриб уятдан қизариб кетман. Аслида она сути оғзидан кетмаган, кўча-ю хиёбонларда сигарет чекаётган беҳаёларнинг ўзлари уялиши керак эмасми? Улар уятни билганларида спиртли ичимликлар ичишмас, мини юпкалар кийишмасди. Бироқ энг ачинарлиси, кўча-кўйда ярим-яланғоч либосларда юргани етмаганидек, ичишу чекишга одатланган қизларни кўриб ҳозирда ҳайратланмай қолдик. Бу хунук манзарани кўра-вериб кўзларимиз ҳам қотиб кетмоқда, шекилли. Наҳотки, аҳвол шу зайлда давом этса? Ёки қизларини миллий либосда кўришни хоҳлайдиган, чекишию ичишини ҳазм қилолмайдиган қатъиятли оталаримиз камайиб кетдими? Қизлари ўқишдан ёки ишдан кеч қайтса, уларни тергайдиган падари бузрукворлар қани? Ҳозир айрим қизларимиз ўз оталаридан ҳам уялмайдиган бўлиб кетишган. Баданига чирмашиб турган тор кийим кийса ҳам ёки йигитлар билан оғиз-бурун ўпишса ҳам кўриб-кўрмасликка оладиган қизи чет элдан никоҳсиз бола орттириб келса ҳам боши осмонга етадиган ота-оналар бор орамизда, афсуски. Хўш, бунинг оқибати нима бўлади? Кундалик ҳаётда кўп куза-

тилмоқдаки, эътиборсизлик оқибатида айрим қизларимиз мактаб ва коллеж ёшидаёқ никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолишмоқда. Ҳа, азизлар, ота-оналарнинг бефарқлиги ёки фарзандларининг ортиқча талтайтирганлиги сабабли айрим қизларимиз турмушга чиқмасдан ёки чимилдиқ кўрмасдан она бўлишмоқда. Бунга нима дейсиз? "Кув тўра"лар эса кўп ҳолларда "қуён" бўлишмоқда. Енгилтабиат бу қизларнинг кейинги ҳаёти нима бўлади? Ёлғиз она номини олган чимилдиқ кўрмаган келинлар фарзандига қандай тарбия беради? Ёки боласи ҳам вақти келиб она изидан борадими? Гоҳида оналар болаларни "Меҳрибонлик уйлари"га топшириб, жуфтаси ростлашмоқда, чет элларда ёшлиқни ҳавога совуриб, оила бекаси деган улғу номдан бенасиб ҳолда "ишлаб" юрган опа-сингилларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳа, айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Тўю-томошалар билан никоҳ асосида қизларини яхши оилага узатиш, кувга вафодор рафиқа ва фарзандларга меҳрибон она бўлишга нима етсин? Наҳотки, қизларимиз ана шуни орзу қилишмаса? Гоҳида қизларимиз моддий манфаат кўриш мақсадида отаси тенгиларни ширин турмушини тап тортмай бузаётганлигини ҳам эшитамиз. Уларга нима керак? Отаси қатори эркак ёки мункиллаган чолми? Йўқ, албатта. Сизга айтсам, шайтон кўчасига кирган "санамлар"га квартира, машина ва каттагина пул керак. Наҳотки, уларда аёллик ғурури-ю ор-номус қолмаган бўлса?

Қизининг тўй кўрмасдан ҳомиладор бўлганини эшитган ота айбни ўзидан асло қидирмайди, балки бориб "норасмий" кувининг ёқасидан тутди, ўйланмаса қаматиш билан қўрқитади. Айрим ҳолларда "яшин тезлиги" билан ўтказилаётган тўйлар ҳам ана шундан. Баъзан "куёв" ўйланиш-

дан бош тортади. Келиннинг умри бундан кейин орттирган никоҳсиз фарзанди билан отасиникида ўтади. Бунга ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Демак, балоғатга етаётган қизларимизга янада эътиборлироқ бўлишимиз, назоратни кучайтиришимизни ҳаётнинг, даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ғоҳишалик кўчасига мойил енгилтак қизларимиз ҳаёти-мизда тез-тез учрайди. Уларни харом лўқма, битта имо ва арзимаган пул билан нопок тўдалар ўз қармоғига илинтириши у қадар қийин эмас. Арзимаган пулга иймонини пулладими, демак ғаразгўй кимсалар уларни қўғирчоқдек ўйнатиши, турли жиноят кўчаларига бошлаши ҳам мумкин. Ҳали онги шаклланмаган бундай қизларни чув тушириш, алдаб кетиш қийинчилик туғдирмайди. Демокчиманки, бағримизда ўсаётган, гулдай нозик қизларимизни ҳар хил тажовузу таъсир, бўронлардан асраш оиланинг, ота-онанинг вазифасидир. Зеро, Биринчи Президентимиз айтганидек, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

"Тўй-тўйдаё бўлсинми?"

Тўю-тантаналар халқимизнинг асрлар ошиб сайқал топиб, такомиллашиб бораётган кадриятларидан бири ҳисобланади. Бундай маросимларда ўзлигимиз, ўзбеклигимиз, орзу-умидларимиз ва ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимиз намоён бўлади. Албатта, эл-юрт олдига дастурхон ёзиб, тўй бериш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун узок йиллар мобайнида тайёргарлик кўраимиз, йиғиб-йиғиштирамиз, топганимизни тўйга олиб қўямиз ва бу шодиёна-мизнинг эса бир умр эсда қоларли даражада бўлишини орзу қиламиз. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, айна кун-

ларда ҳам тўйларимизда миллий қадриятларимизга нописандлик, дабдабазлик, ортиқча, бегона расм-русмларга кўр-кўрона эргашиш, босар-тусарини билмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибдики, бу бизни жиддий ташвишга солади. Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига сафари чоғида диққат-этиборимизни яна бир бор тўй ва маърака маросимларини исрофгарчиликсиз ўтказишга қаратди ҳамда тўй ва маросимларни ихчам, тартибли ва камҳаражат ўтказиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Бинобарин Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамоат фонди фаолларининг Мурожаати эълон қилинди.

Ваҳоланки, ўтган асрнинг бошида "Миллатимиз тараққиётига тўғаноқ бўладиган икки нарса бор, бу тўй ва азодир", - деган эди Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомиз. Аллома тўй ва таъзияга ишлатиладиган маблағни илм ва дин йўлида сарфлашни маслаҳат беради. «Биз тўй ва маърака ҳаёлидан лаззат олардик. Агарда тўй ва маъракага қадимгидек ақча тўкмасак, ул ақчани нима қилмоқ керак? Бунга жавоб берилурки, тўй ва маърака қилинсун. Аммо ҳозиргидек исроф этмасдан қилинсун».

Одатда тўйлардаги "Загслар"да янги русумдаги (ва бир хил рангдаги) 8-9 тача машиналар ваҳимали сигналлар (бу ўз-ўзини кўз-кўз қилиш эмасми?) билан турнақатор бўлиб "мен ҳеч кимдан кам эмасман" (кўпдан кам бўлмайлик) дея шаҳар кўчаларини айланмоқдалар. Загсга қўшиладиган бир автомобил (каптивани) (шаҳар ичида) 200-250 минг сўм туришини, урфга айланган воҳамиз туманларидан Қаршига саёҳат эса миллион сўмга айланишини ҳисобга олсак, бу "кўнгилхушлик" тўйхона эгасига қимматга тушиши (ортиқча

чиқим) ойдинлашади. Ёки жойларда келинлар либослари салонлари бўла туриб, куёв тўралар келинларни ўша куни "Қаршиники яхши, қиммат бўлса ҳам" деб воҳамиз марказига олиб бориб, кийинтириб келмоқдалар. Бу эса ўз-ўзидан ҳаражат устига ҳаражатни келтириб чиқаради. Бир марталик тўйни ўз бойлигини, обрў-эътиборини кўз-кўз қилиш минбарига айлантириш тўқлик устига шўхлик эмасми? Албатта, орзу-ҳавасларнинг ўз чегараси бор, пулим бор экан деб, димоғ отига миниб, бошқаларни кўзга илмаслик, тўйга одамларни чертиб-чертиб айтиш, қимматбаҳо кийиму тақинчоқларга бурканиш Яратганнинг қаҳрини келтирмайдими?! Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларда умматларини бойликка рўжу қўймасликка, Оллоҳ берган нозу неъматларни исроф қилмасликка, камтар бўлишга чақирадилар.

Бугунда тўю ҳашамларда тўй эгаси ёки отарчига қалпоқ кийдириб, тўхтовсиз пул қистириш, шу билан бирга уларнинг устидан пул сочиш "анъана"га айланиб бормоқда. Пулингиз шунчалик кўпайдими, буни одамлар олдида намойиш этиш шарт эмас, тўй эгасига (бировга билдириб ё билдирмай) тўёна қилинг, бирон ҳаражатига ишлатади. Сизнинг қилган ҳар бир яхшилигингиз садақадир. Садақанинг эса энг афзали ими-жимиди яширин қилинганидир. Ичиб олиб пул сочишдан кўра етим-есирларга ёрдам беринг, кўприк қуринг, савобли ишларга қўл уринг, кўчат экинг, боғ яратинг. Алишер Навоий бир синиқ кўнгилни обод қилишни вайрон Каъбани тиклаш билан тенглаштиради. Ёрдамга муҳтожларга қўл чўзиш сизга бир дунё савоб келтиради. Худо берган бойликни ноўрин ишлатиш, бежо қадам босиш, исрофгарчилик, кибру ҳавога берилиш хонадонингиздан қут баракани учиради. Бежизга халқимиз ниманики

килсанг хор, шунга бўласан зор, деб айтмайди. Камбағалликдан олдин бойликнинг қадрига етинг.

Айни кунлардаги тўйлардаги тартибсизларнинг бош сабабчиси бу спиртли ичимликлардир. Абдулла Қаҳҳор бу ҳақда шундай ёзади. Тўйни қимматга туширадиган, кўпинча хунугини чиқарадиган бидъатлардан бири ичкиликдир. Ичкилик бўлмаса, тўй қизимайди, таъзияга ўхшаб қолади, дейдилар. Бу хавф асоссиздир. Ичкиликсиз таъзияга ўхшайдиган тўй тўй эмас.

Яқинда бўлган бир тўйдаги икки ороқхўр ўртасидаги кичкина келишмовчилик катта жанжалга айланиб кетди. Қолаверса, тўйларимизда ўзбек аёлларининг ҳам ҳеч тортинмасдан спиртли ичимлик ичишини (сигарет чекишу нос отиш) кўриб ёқа ушлайсан. Наҳотки, хотин-қизларимиз бундай ноҳўя ҳаракатлари учун тўйхонадаги яқинларидан, ота-онаю қавму қариндошларидан уялишмаса, қолаверса ғарбча "бир марталик ҳаётда яйраб қолиш" каби чиркин ғоялар бизнинг турмушимизга ҳам ўрнашаётган бўлса?! Бизнингча айрим аёлларимиздаги ибоя ҳаё, ор-номус, андиша, вафо тушунчасига путур етаётгандек.

Никоҳ базмларида келин-куёвларнинг европача кучоқлашиб, вальсга тушишига кўпчилик ажабланиб қарайди. Буни улар замонавийлик деб аташади ва бу беҳаёликни ота-оналар кўриб-кўрмасликка олишади. Албатта, фарзандларимиз янгиликка ўч бўлади. Аммо, эндигина оилавий ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг миллий одатларимизга хос бўлмаган, ярашмаган бундай қилиқларига биз ота-оналар бефарқ қараб турмаслигимиз керак. Шундай экан, кимнингдир дабдабаси сабаб бизга бегона урфлар бора-бора оммалашиб кетмаслиги учун болаларимизга

Ўткинчи хою ҳавасларга кўр-кўрона тақлид қилиш нотўғрилигини тушунтирайлик. Бинобарин, азиз ота-оналар, фарзандларимизни миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаб бориш сизу бизнинг энг шарафли, энг муҳим, кечиктириб бўлмас вазифамиз эканлигини унутмайлик. Зотан Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этишимиз зарур.

НИКОҲ РИШТАСИ

Кейинги пайтларда турмуш қураётган йигит-қизлар ФХДЁ бўлимидан расмий никоҳни қайд этиб, ана шундан сўнг шаръий никоҳдан ўтаётганлари анъанага айланиб бормоқда. Айтиш жоизки, юртимиз ҳуқуқшунослигида "ЗАГС"дан ўтилмас, оила ноқонуний ҳисобланади, ғарбда ўзларича турмуш қуриб яшовчиларни "бирга яшовчилар" (сожителъ) дейилади. Улар хоҳлаганда яшаб, истаганда ажрашиб кетади (Биз уларни мантиқсиз оилалар, деб ҳам атаган бўлардик). Муслмончиликда никоҳ ўқилмасдан қурилган оила ҳаром саналади. Бундай хонадонларда на файз, на барака бўлади. Фарзандлари эса "валади зино" ҳисобланади. Имом Шофеъий никоҳни ибодат, деб атаган. Албатта, никоҳ инсон ҳаётининг муайян низом, иффат ва поклик, ўзаро ишонч ва ҳурмат, севги ва муҳаббат ососида қурилишига замин яратади. Никоҳ маданият, аслзодалиқ, тараққиёт ва илғорлик белгисидир. Никоҳ тўфайли инсон зино каби бузуқчилигу ҳаромдан тийилиб, наслнасаби поклигини сақлаб қолади. Никоҳ бўлмаса ким-кимдан дунёга келганини билиб ҳам бўлмасди. Никоҳ сўзи мажозан

оила қуриш, боғланиш деган маънони англатади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Никоҳланиш менинг суннатимдир ва кимки суннатимдан юз ўгирса, биздан эмас", деб таъкидлаганлар. Никоҳ асосида қурилган оила - Аллоҳ ҳимоясидадир.

Шаръий никоҳ гувоҳлар иштирокида диний идора вакиллари (расмий рўйхатдан ўтган имом-хатиблар) томонидан шариат қоидалари асосида ўқилади, расмий никоҳ эса давлатнинг барча фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқий меъёрлар асосида ФҲДЁ бўлимларида "Никоҳ тузганлик тўғрисидаги гувоҳнома" билан қайд қилинади. Паспортда эса штамп босилади. (Ушбу штамп босилмаса, бузилган оилаларда асосий оғирлик келинлар зиммасига тушади. Ачинарлиси, ушбу муҳр босилмаса-да, лекин уларнинг фарзандлари бор, оталик белгиланган. Инсофсиз ота ушбу муҳр йўқлигини важ қилиб кўрсатиб, ўзини бўйдоқ ҳисоблаб, тўй қилиб бошқасига уйланмоқда, норасида гўдаклар чирқираб қолмоқда. Базан фарзанд бўлмаса-да, ҳар хил баҳоналар топиб, ажрашиб, бировнинг гулдек қизини бахтсиз қилишмоқда. Чунки, "загс" сиз томонлар зиммасига ҳеч қандай мажбурият юкланмайди-да). Эрта-индин "загс"дан ўтаман деб қуруқ ваъдалар бериб, алдаб, яшаб юриб ажрашиб кетаётган "бўйдоқ"лар кундалик ҳаётимизда кўплаб кузатилмоқда. Азиз ота-оналар, шунинг учун фарзандингиз келажагини ўйлаган ҳолда ёшлар никоҳи қонуний қайд этилган тақдирдагина қизингизни тўю томошалар қилиб узатинг. Вақтида йўл қўйилган бефарқлик кези келиб, катта-катта хатоларни келтириб чиқаради.

Белгиланган тартибга кўра, икки ёш ФҲДЁ бўлимига ариза берганларидан сўнг даставвал бир ой мобайнида тиббий кўриқдан ўтишади. Ана шу кўриқ соғлом оила барпо этили-

шидаги дастлабки қадамдир. Тиббий кўриқдан ўтган ҳар иккала ёшнинг саломат эканлигига ишонч ҳосил қилинган, тақдим қилинган маълумотномаларга асосланиб, йигит-қиз бир оила деб эълон қилинади. Ислом дини ҳам икки ёшнинг тиббий кўриқдан ўтиш масаласини ёқлайди. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ёзади: Тажрибада никоҳдан, тўйдан кейин келин-кўёвдан бирида турли юқумли касаллик ёки бир оилада яшашга тўсиқ бўладиган беморликлар чиқиб қолиши ҳолатлари ушбу чорани қўллашга мажбур қилди. Чунки, мақсадимиз соғлом оила бунёд этишдир.

Никоҳ деб аталмиш муқаддас ришта орқасида оила қуриш мақсади билан бирга томонларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, моддий ва маънавий манфаатдорликлари ётибди. Расмий никоҳда мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат томонидан ҳимоя қилинади. Яна айтиш ўринлики, расмий никоҳ орқали қонуний жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади. Шаръий никоҳда ҳам эр-хотиннинг ҳуқуқ ва бурчлари мажбуриятлари белгиланган.

Шариат бўйича никоҳдан ўтишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим бўлган: 1) Никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розилиги; 2) Никоҳ ёшига тўлиш; 3) Никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш; 4) Келин учун қалин ва маҳр тўлаш; 5) Диний эътиқод бирлиги; 6) Никоҳланувчиларнинг яқин қариндош бўлмаслиги; 7) Никоҳдан ўтувчиларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши ва ҳоказолар. Ана шу шартларга мувофиқ тузилган никоҳгина қонуний ҳисобланиб, бу билан тарафлар зиммасига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади. Бундан мақсад эса соғлом ва ҳалол никоҳ муносабатини вужудга келтиришдан иборат бўлгандир. Никоҳ келиннигида ўқилган.

- Қонуний ва ҳалол оила қуриб, ушбу муҳташам ошённи мустаҳкамлашга эру-хотин бирдек масъул. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Видо ҳажиди айтган фикрларида ҳам оила муқаддаслиги яққол акс этган: "Эй мўминлар, хотинлар хусусида Аллоҳдан қўрқингиз! Хотинлар сизга Тангрининг омонатидир. Уларни Аллоҳ номига сўз бериб олдингиз (уйландингиз), улар амри илоҳий ила сизга ҳалол бўлди. Сизнинг хотинлар устидида ҳақингиз бўлгани каби, хотинларнинг сизда ҳақлари бор. Сизнинг хотинлардаги ҳақларингиз - хотинлар ва оила шарафини ҳеч бир кимсага оёқ ости қилдирмасликдир. Хотинларингизнинг ҳар турли ейиш ва кийиш эҳтиёжларини таъминлашингиз эса уларни сизнинг устингиздаги ҳақларидир. Улар сизнинг ҳақларингизга риоя этмаклари керак. Сиз ҳам уларга назокат ила муомала этишингиз лозим. Бир хотин эрининг рухсатисиз унинг молидан бирор нарсани бировга бериши ҳалол эмас".

Хулоса қилиб айтганда, расмий ва шаръий никоҳ оилаларни мустаҳкамланишига, ҳуқуқ ва мажбуриятларни қонуний тус олишига хизмат қилади. Юртимиз ўз олдига ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан, бундай мамлакатда барча муносабатлар қонунга асосланади.

ҚУЛЛИК ТУЗОФИ

билимсиз ва ишонувчан кишиларга қўйилади

Яқинда бир нотаниш .аёл билан сўхбатлашиб қолдим. У ниҳоятда озиб-тўзиб кетган, ранги рўйи сарғайган, афтода-ҳол эди.

-Бошимга тушган кўргиликнинг сабаби, бир ҳамқишлоғимнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, Россия Федерациясига иш-

лашга кетганимдир, - дерди йиғламсираб бу аёл, - мен ҳамқишлоғимнинг "сенга иш топдим, тез кел, бир дунё пул ишлайсан" деган гапига чиппа-чин ишониб, самолётга чипта олиб, йўлга чиқдим. У мени кутиб олди ва дастлаб каминага иш излагандай бўлди. Аммо кўп ўтмай мени ўзи билан ишлайдиганларга сотиб юборди... Очиги, одам қиёфасидаги махлуқлар бошимга итнинг кунини солди, айтишга тилим ҳам бормайди. Кечаю кундуз минг бир таволлоларимга қарамасдан мени хўрлашди, бундай зўравонларнинг ҳам онаси, синглиси ва аҳли аёли бордир!

Хали-хануз иффати оёқ ости қилинган ушбу аёлнинг маъюс қиёфаси кўз ўнгимдан кетмайди. Бир хаёли аёлни ўзга юртга чақириб, зўрлаб шармандаи шармсор қилган одамфуруш ҳамқишлоқни инсон дейишга тилим ҳам бормайди. Унга худо кўрсатади, албатта. Қолаверса, бундай бадкирдор илон ёғини ялаган кимсалар "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳам жазодан қочиб қутулолмайди. Бу дунёда ҳар ким ўз қилмишига яраша жазо топажак, албатта.

Бундан ташқари мамлакатимиз Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши, унга асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясини ташкил этилиши бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Жумладан, ушбу комиссия олдида қўйдаги вазифалар қўйилган:

-Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш;

- одам савдоси кўлами, ҳолати ва тенденцияси тўғрисида ахборот тўплаш ва таҳлил этиш;

- ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва химоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- одам савдосига қарши курашиш масалалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил қилиш.

Дарҳақиқат, одам савдосига қарши курашда биргина ички ишлар идоралари томонидан кўрилаётган чоралар ва амалга оширилаётган ишларнинг ўзи камлик қилади. Демокчимизки, авваломбор маҳалла фуқаролар йиғинлари бу масалага жиддий эътибор қаратган ҳолда чет элга йўл олаётган ва хатоликларга йўл қўяётган фуқароларнинг огоҳлантиришлари, уларни одам савдоси қурбони бўлишдан асрашлари лозим.

Ҳозирда одам савдоси ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят тусини олган. Ачинарлиси, бу мудҳиш жиноят қурбонларининг аксарияти, яъни 80 фоизи аёллар ва болалардир. Қуллик тузоғига илинаётган юртдошларимизнинг ишонувчанлиги ва етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги жиноятчиларга қўл келаётганини таъкидлаш жоиз. Наҳотки қўлнинг кири ҳисобланган пул учун одамфурушлар ўз биродарларини пуллаётган бўлишса? Зимдан ишониш қийин! Аммо афсуски бу бор ҳақиқат!

Яна кўз ўнгимда ўша жабрдийда аёл қиёфаси келади. Кимнингдир синглиси, қизи ёки онаси бўлмиш бу заифа аёлга азоб берган эркакман, деб керилиб юрган одамфурушларга лаънатлар ўқийман. Наҳотки ўзга юртда бўлса ҳам уни ҳимоя қиладиган ақалли бир мард топилмади. Тилимни тишлайман.

Ҳа, азизларим кўзимизга бойлик манбаи бўлиб кўринган зулм тузоғидан узоқроқ юришимиз, ҳар томонлама ҳуқуқий билимга эга бўлишимиз айна муддао. Керак бўлса, ўзимиз ҳар доим огоҳ бўлиш билан бирга бошқаларни ҳам сергакликка чорлашимиз лозим. Агарда биз ҳушёр бўлсак, мен тилга олган аёлларимизнинг кўзларида ёш бўлмайди, улар қуллик ва зулм тузоғига тушишмайди.

ГИРДОБ

Муҳтарам Юртбошимиз 2016 йилнинг 19 октябридаги Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузасида одам савдосини глобал таҳдидлар қаторида санаб ўтади; «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби иллатларнинг ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, бугунда (2015 йил маълумотлари асосида) одам савдоси қурбонлари 27 миллионга етди. Таҳлилчилар ана шу "бизнес" йилига 20 миллиард АҚШ доллар фойда келтираётганини, 127 та мамлакатда амалга оширилаётганини афсус билан қайд этмоқдалар. Интернет манбаларида ёзилишича,

дунёда ҳар йили 3 миллионга яқин киши "қул"га айланмоқда. Қадимда қулларга жисмоний ва моддий тажовуз ўтказилган бўлса, бугун одамфурушлар маънавий-руҳий таъсир ва алдов йўли билан эркин замондошларимизни "тутқун"га айлантиришмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, жабрланувчиларнинг ўртача ёши 18-24 ёшни ташкил этади, чунки "қул" бозорларида ёшларга талаб юқори. Одамфурушлар одам савдоси қурбонларини асосан оғир меҳнат, қурилишлар, яширинча цехлар, ноқонуний заводларда ишлатишмоқда. Уларга на тузук маош беришади, на яхшироқ яшаш жойи. Ўн беш-йигирма киши бир каталакдек жойда ўхлаб туришади. Ит юриш, мирза туриш деб ана шунга айтишади-да. Катта кастрюлькада пиширилган овқат ҳам пала-партиш қилинади. На таъм, на туз, на маза-матра?! Уларнинг яшаш шароити гигиенага ҳам, санитария қоидаларига ҳам жавоб бермайди. Бу ҳақда четда ишлаб келган бир танишим ҳикоя қилиб бераркан, "наҳотки" деб ёқамни ушлайман. "Касал бўлиб қайтдим, энди даволанаяпман. «Кидала»га (пул бермасдан ишлатиш) тушганим учун бундайроқ пул олиб келолмадим, йўлга аранг маблағ топдим, эндиликда отам машинасини сотиб мени қаратаяпти, - деди чуқур хўрсиниш билан, - Ишхонада "хўжайинлар" дам олгани қўйишмасди, пулларимни бермасдан ҳам алдаб кетишди, ўртага кирган "посредник" ака ҳам бир зумда ғойиб бўлди. Хужжатларимни олиб қўйишди, қайтариб бер, деб талаб қилганимда уни олганларини бўйинларига олишмади. Бир амаллаб Ўзбекистоннинг Москвадаги консулхонаси орқали хужжат тайёрлаб, уйга қайтдим. Сизга айтсам, хужжат бўлса ёки бўлмаса ҳам у ерларда ҳар қадамда сизни четдан келганин-

гизни билиб, полиция ходимлари тўхтатиб, пул сўрашади. Ҳар қадамда уларга тушмаслик учун қочиб юришингизга тўғри келади, ўз ихтиёрим билан пул бермаганим учун бир-икки марта дўппослашди ҳам. Цемент тушириб, топган бор пуллари ҳам тортиб олишди. Бундай зулмларни бошдан ўтказавериб, дардингни кимга айтишни ҳам билмайсан?! Полиция қиёфасидаги қароқчилар улар?!

Худого шукр, юртимга қайтиб, эмин-эркин юрибман, ҳеч ким тўхтатиб, қароқчилик ҳам қилмайди, тажовуз ҳам. Ўша қийин дамларда тинч ва осойишта юртимнинг қадрини билдим. Ҳар бир инсон ўз юртида азиз. Аттанг, ҳавога учган олти йилимга ва йўқолган соғлигимга ичим ачийди. Ўзимизда ҳам ишлаб, пул топсам бўларди-ку?! Четга кетиб хато қилганимни кеч тушундим. Менга бир ойда 1000 АҚШ доллари ваъда қилишганди, аммо у ерга борганимдан сўнг алданганимни ҳис қилдим". Сўхбатдошимнинг ранги сарғайган, сочлари-ю тишлари тушиб, қуриб кетган. Аммо, шунга қарамасдан, юртига соғ-омон қайтгани учун Яратганга шукроналар айтарди. Гапида жон бор, қолаверса одам савдосининг қурбонлари Россия Федерациясидан ўлиб қайтишмоқда. Улар не-не умидлар билан пул топиш учун ўзга юртларга боришган, ахир. Одамфуруш шайтонлар (чунки мен ундайларни одам деёлмайман) уларни ишлатиб, вафот этишгач, ҳатто майитни жўнатишга ҳам пул бермасдан "кўён" бўладилар. Ҳалиги танишимнинг айтишича, бундай ҳолларда ўзбеклар пул тўплаб, тобутда майитни она юртига жўнатиб юборишади. Одамфуруш номард эса ана шундай вазиятда ҳам одамгарчиликни билмайди-да?! Чунки, улар Худонинг эмас, нафс, жиғилдон, молу-дунё бандаларидир.

Бугун бундай кўргиликларнинг қурбони бўлаётганларнинг

аянчли қисматидан нега ўзга юртларга "жаннат" қидириб кетаётганлар ибрат олишмаяпти? Ё бошга тушганни кўз кўриши керакми?! Кўзимизни очиб, атрофга теран нигоҳ билан боқайлик, одамфуруш шайтонларнинг тузоғига илиниб, кейин тилимизни тишлаб "афсусланиб" юрмайлик. Халқимиз биллиб айтган: сўнги пушаймон, ўзинга душман.

Хулоса қилиб айтганда, жонимизни хатарга қўйиб, йиқилса деворлари ҳам сўямайдиган хорижга ишлаш учун кетмасдан, жаннатмакон юртимиздан ўз ризқимизни топсак бўладикми? Барибир, узоқдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка яхши-да!

СУВНИКИ СУВГА...

ёхуд ҳаром йўл билан топилган даромад кишига
юқмайди

Халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишга солаётган жинорий ва жирканч иллатлардан бири бу одам савдосидир. Одам савдоси эркин инсонни тутқунликка маҳкум этади, эркидан маҳрум қилади, шаъни ва ғурурини топтайди, содда қилиб айтганда, чўрига ва қулга айлантиради. БМТ маълумотларига қараганда, дунёда ҳар йили миллионлаб кишилар одам савдоси қурбони бўлмоқда. Бир йилда ўртача 700 минг нафарга (2015 йил маълумоти) яқин аёллар ва болалар алдов йўли билан хорижга олиб борилиб, пуллаб юборилмоқда. Ёлғон ишлатиб, чет элларга чақириб олиш бу мудҳиш жиноятнинг биринчи босқичидир. Бегона юртда паспортини олиб қўйиб, ўзига билдирмаган ҳолда нопок кимсаларга сотиб кетиш бугун афсуски ҳаётимизда тез-тез учраб турибди. Ушбу "қулдор" эса юртдошимизни ҳақорат қилиб, уриб тепиб ишлатмоқда. Ноинсоф бундай кимсаларга "нега хўрляяпсан" де-

санг, сизга уни сотиб олганларини рўқач қиладилар. Ватандошларини сотиб кетган одамфурушлар (мошенник) ҳам етти ёт кишилар эмас, нари борса ҳамқишлоғимиз, ҳамшаҳару ҳамюртимиз (қариндошлар бир-бирларини сотиб кетиш ҳолатлари ҳам учраб турибди). Ана шундай қабих жиноятлар инсонлар тақдирини чилпарчин қилмоқда (тобутларда майитлар қайтмоқда), умрига зомин бўлмоқда, бедаво дардга йўлиқтирмоқда, тўшакка михламоқда. Бундан ким фойда топяпти? Албатта, энг аввало, илон ёғини ялаган муттаҳам одамфуруш ўртакашлар (посредник). Улар поезд, автобус ёки самолёт орқали ўзлари билан 20-30 кишини олиб боришади. Айримлари белгиланган корхонага ишга жойлаб, бу хизмат учун ҳар бир ишчи маошидан 25 % фоизини олиб, шоҳона яшаб юришади. Қишлоғида данғиллама иморатлар қуриб, қўша-қўша автомобиллар сотиб олишади (ҳаром йўл билан топилган пул беварака бўлади). Дабдабали тўйлар қилишади. Қўл остидаги ишчиси эътироз билдирса, уни бўшатиш ёки ўйига қайтариб юбориш билан қўрқитишади. Айримлари эса одамларни олиб бориб, эски танишларига сотиб, яна жуфтакни ростлашади. Аслини олганда, бу ўртакаш-одамфурушлар ҳам сизу биз каби мусулмонлардир. Мусулмончилик ақидасига кўра, одам-одамга эмас, инсон Яратганга қулдир. Ислом динида бундай салбий хатти-ҳаракатлар қаттиқ қораланади.

Одамфурушлар бу қилмишлари билан енгил пул топиш йўлидан бориб ўзлари ишламасдан бировнинг ризқини ҳам емоқдалар (керак бўлса, мўмай пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар). Бировнинг ризқи эса халқ ибораси билан айтганда, тешиб чиқади.

Кўрмаганнинг кўргани курсин деганларидек, АҚШ долла-

ри одамфуруш ўртакашларнинг қулоқларини кар, кўзларини кўр қилиб қўймоқда. Шу ўринда бир ривоят эсга тушади: Бир сутфуруш киши бир умр пул жамғариб, ҳаж қилгани кемага миниб йўлга тушибди. Хаёл суриб ўтирган экан, бир маймун сутфурушнинг ҳамёнини узиб олиб, кема елканига чиқиб кетди. Сутфуруш эса маймуннинг эгасини ҳиқилдоғидан тўтиб, ҳамённи қайтаришини талаб қилибди. Маймунбоз ўз ҳамёнини очиб, тангаларни битта-битта оёқ остига ташлай бошлабди. Маймун буни кўриб, эгасига тақлид қилибди, аммо у бир тангани кемага, биттасини эса денгизга отаркан. Буни кўриб сутфуруш хайратдан ёқа ушлаган ҳолда "сутларимга кўп бўлсин, деб сув қўшиб сотардим, сувники сувга кетди, сутники кемада қолди" деган экан. Айтмоқчимизки, одамфуруш-ўртакашларнинг ҳаром ва ноқонуний йўл билан топилган даромадлари ҳаромга кетади. Файзу-барака фақат ҳалолликдадир.

Пўхта режалаштирилган бу жиноят ҳар доим уч босқичда, яъни ёллаш, ташиш ва эксплуатация қилиш билан амалга оширилади.

1) Ёллаш жараёнида одамфурушлар дастлаб осмонўпар ваъдалар билан қўнгилчан, гўл, содда кишиларни тузоққа илинтириб, 1000 АҚШ долларлик ишга жойлаштириш ёки сохта никоҳ орқали хориж фуқаролик паспортини олиб беришга сўз беришади. Ёлланган киши маълум бир соҳада ишлашига ишонади, уйдаги бор нарсасини сотиб, чипта олади ёки фоизга судхўрдан қарз кўтаради (отасига ишонгандек ўртакашнинг ваъдасига лаққа тушиб, қарзни тез орада қайтаришга ишонади-да). Бироқ кейин уни зўрлик ишлатиб, бошқа фаолият билан шуғулланишга мажбур қилишади.

2) Жиноятчилар талаб ва таклифдан келиб чиқиб, жабрланувчиларни ишчи кучига "буюртма" тушган мамлакатларга жўнатишади, яъни ташиб олиб боришади, зарур бўлса, уларга ўз ёнларидан чипталар олиб беришади. Кузатувлардан маълумки, йўл давомида жабрдийдалар руҳий ва жисмоний зўравонликка дуч келишади, керак бўлса, бир неча бор қайта сотиб юборилишлари мумкин.

3) Эксплуатация - бу мудҳиш жиноятнинг асосий ўзагидир. Бундан мақсад эса даромад олишдир. Россияда баъзи нопок кимсалар ертўла ёки одам кўзи тушмас жойларда цехлар очиб, солиқ тўлашдан қочиб сотиб олинган юртдошларимизни ишлатишади. Ачинарлиси, улар ҳеч қандай шарт-шароит йўқ ана шундай жойларда яшаб кун кечиришади. Ит ётиш мирза туриш, деб аташади, буни (12 дан 18 соатгача ишлашади). Шаҳвоний эксплуатация - бу жиноятнинг кенг тарқалган шаклларида бири. Чет элга борган хотин-қизларни беҳаёлик кўчасига кириб кетиши ёки бундан тўппа-тўзук оилалар бузилиб кетиши ҳолатлари учраб турибди.

Мамлакатимизда бугунда одам савдосига қарши жиддий курашилмоқда. Қолаверса, қонунчилигимизда одамни олиш-сотиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ва қабул қилиш учун эса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган. Шу билан боғлиқ бошқа ҳолатларда беш йилдан саккиз йилгача ва саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Хулоса қилиб айтганда, биз ёшларимизнинг (қолаверса, барчамизнинг) турли маънавий тажовузлар тўғрисидаги билим ва кўникмаларини оширишимиз, қалби ва онгида ҳар

хил таҳдидларга қарши маънавий-мафкуравий иммунитет ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз, одам савдоси ва унинг оқибатлари ҳақида батафсил маълумот беришимиз ва унга қарши курашга бефарқ бўлмастикка чорлашимиз кечиктириб бўлмас, ғоятда муҳим вазифадир. Зеро, ҳамиша хушёр ва огоҳ киши "одам савдогарлари" тўрига илинмайди, керак бўлса, қолганларни ҳам бу хавфдан огоҳ этади.

"НАФСИГА ҚУЛ КИМСАЛАР... "

Қутқуларни-ю тузоқларидан огоҳ бўлинг

Яқинда бир танишимдан чет элга ишлашга кетган қариндошининг майити ватанига қайтариб олиб келиниб, дафн этилганини эшитиб, донг қотдим. Не бир орзу-умидлар билан ўзга юртга бориб, пул топиб, болаларини тўю тантаналар қилиш мақсадида кетган ушбу жабрдийда киши одам савдоси қурбонига айланиб, эҳтиётсизлик оқибатида баланд бинодан тушиб кетиб ҳалок бўлган экан. Уни ишлатган хорижлик киши марҳумнинг дўстларига ҳатто ойлик маошини ҳам бермапти. Чунки у бир одамфуруш кимсадан бир неча йил олдин ушбу кишини сотиб олиб, эрта-индин пулингни бераман, дея алдаб келар экан. Кейин маълум бўлишича, марҳумнинг ўз қариндоши уни ушбу малъунга пуллаб, жуфтакни ростлаган экан. Ўйланиб қоласан киши, наҳотки одамфурушлар ўз жигарларига хиёнат қилиб, бу қадар тубанликка боришса? Наҳотки, бундай фирибгарларда инсоф, диёнат, ҳалоллик туйғулари ёт бўлса? Наҳотки, нафс йўлига кирган бу бадқирдор кимсалар Яратгандан қўрқишмаса? Қилган ёмонликлари бир куни бошига бало бўлиши ҳамда ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топиши муқаррарлигини тушунишмаса?

Нафсига қул бўлган бу кимсалар энг ёмони соддадил, оққўнги ва ишонувчан кишиларни ёлғон ва осмонўпар ваъдалар бериб ўз ўлжаларига айлантirmoқдалар. Нафс уларнинг кўзларини кўр, қулоқларини қар қилиб қўйган, чамамда. Одамфурушлар ўз биродарларига ёрдам бериш ўрнига ундан фойдаланишни маъқул кўради, уйига пул жўнатиб, охири русумдаги машина-ю кишлоғида ягона бўлган дангиллама ҳовли сотиб олади, бировларни чирқиратиб-а? Аммо, ҳаром йўл билан топилган пул, мазлумнинг ризки унга буюрмаслигини ҳатто одамфурушлар тушунишмайди ҳам. Аслини олганда, у бошига иш тушган, қийналган ҳамюртига қўлидан келгунча ўз ёрдамини бериши лозим. Инчунун, Пайғамбаримиз (с.а.в.) мусулмон - мусулмонга қариндош, деганлар. Шундан келиб чиқиб, Мутафаккир Абу Абдуллоҳ Муқрий айтганидек, "кимки ёру биродарига ёрдам беришдан бўйин товласа, Аллоҳ уни шундай хор қиладики, ҳаргиз қутулолмайди. Нафс йўлига кирган одамфуруш кимсанинг охири вой! Фирибгар - одамфуруш, албатта қилмишига яраша жазосини олади! Бу дунёда қилинган заррача гуноҳ ҳам, савоб ҳам жавобсиз қолмайди.

Ҳозирда одам савдосининг салбий оқибатлари ҳақида ойнаи жаҳондан тортиб маҳаллагача тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай жиноятга қарши курашиш бир ёки икки идоранинг вазифаси эмас, балки бу барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик. Хорижга йўл олаётган юртдошларимиз ҳамиша огоҳ бўлишлари, одам савдоси билан хуфиёна шуғулланаётган фирибгарлар алдовига учмасликлари, уларга ҳужжатларини ишониб топширмасликлари лозим. Ҳатто, Амир Темур бобомиз "ишон, аммо текшириб кўр", дея маслаҳат берганлар. Чунки, одамнинг оласи ичида,

дейдилар. Ўз жигарини пуллаган бундай пасткаш кимсаларга ишониб бўладими, ахир?!

Қолаверса, одамфурушларга мамлакатимиз Қонунларига мувофиқ жазо муқаррарлигини, одамни олиш-сотиш ёхуд ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш каби жиноятларга озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, кўзимизга "жаннат", "роҳат - фароғат" манбаи бўлиб кўринган "чоҳдан" ёки "тузоқдан" узоқроқ юришимиз, бу борадаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишимиз ва бошқаларни ҳам бундай хавф-хатарлардан огоҳ этишимиз лозим. Шояд, ана шунда қулликка маҳкум этувчи транс-миллий жиноятлар барҳам топса.

"ҲАРОМДАН УЗОҚ ЮР, БОЛАМИ!"

чунки у кишини тубанликка етаклайди

Албатта, ҳаммамизнинг мақсадларимиз - ёшларимиз ўрта-сида соғлом яшаш тарзини шакллантиришдир. Кўча-куйда кўзимиз сигарет чекаётган мактаб ёки коллеж ўқувчиларига тушади, танисак-танимасак уларга танбеҳ берамиз. "Чекишни ташла, у соғлигинга зарар" деймиз унга ачиниб. Чунки фарзанднинг бегонаси йўқ, биз ягона халқмиз. Эзгу ниятимиз соғлом болани тарбиялаш. Зотан, фарзандлари соғлом юрт - қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари - соғлом бўлур.

Бундан ташқари гиёҳвандлик деган яна бир иллат борки, бу "бало" ўзи билан бирга венирик касалликлар, гепатит, ВИЧ инфекцияси ва ОИТС каби оғир ва бедаво хасталикларни етаклаб келади. Бу албатта, носоғлом муҳит ва палапартиш яшаш тарзи "меваси" эканлигини алоҳида таъкидлаб

ўтишни истардик. Мутахассисларнинг айтишича, ҳозирги кунда 7 ёшдан 64 ёшгача бўлган 200 миллиондан ортиқ, яъни ер шари аҳолисининг қарийб 3 фоизи гиёҳвандлик моддаларини мунтазам истеъмол қилаётгани, шундан 70 фоизи ёшлар экани ачинарли ва афсусланарли ҳолдир. Энг ёмони гиёҳвандликка мубтало бўлган кишининг умри қисқариб, 5 ёки 7 йилдан ошмаяпти. Аянчлиси, сўнгги йилларда "заҳри қотил" оқибатида вафот этиш ҳоллари катталар орасида 10, болалар ва ўсмирлар ўртасида 42 маротабага ошганлиги ҳар қандай ақлли одамни ташвишга солмай қўймайди. Дарҳақиқат ВИЧ инфекцияси ва ОИТС касалликлари гиёҳвандлик тўрига илинганларни ва ҳаром-харишга берилганларни ажал домига тортаётгани айни ҳақиқат. Аммо бугунги кунда ичмай, чекмай, гиёҳвандлик кўчасига кирмай яшаётганларнинг ошиги олчи эканини, соғлом кишининг омади ва бахти кулаётганини, умри эса узаяётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бежизга до-нишмандлар "ҳалоллик ва покликда барака бор", деб таъкид-ламаганлар.

БМТ тарқатган маълумотларни ўқиймиз; гиёҳвандлик инсон иродасини ва жисмоний саломатлигини синдирувчи, шахс инқирозига олиб келувчи оғир ва тез ривожланувчи касал-ликдир. У нафақат инсоннинг ўз ҳаёти, балки атрофдагилари ҳаётини ҳам хавф остига қўяди. Гиёҳвандлик иллоти, ёш, жинс танламайди. Яна бир хавfli томони, гиёҳвандликка чалин-ган бир киши камида 15 кишини шу жирканч иллат қармоғи-га илинтирмоқда. Қолаверса ҳаётда 5-7 ёшли гиёҳвандлар ҳам борлиги ташвишлидир. Улар бунга ота-оналарининг шу иллатга берилганлиги сабаб йўлиққанлар. Халқ ибораси би-лан айтганда, гўдаклар емаган сомсага пўл тўлашмоқда.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари гиёҳвандлик оstonасини ҳатлаганларни кеч бўлмасдан даволанишга чақирмоқдалар. Чунки бу иллатни дастлабки босқичларида даволаш имкони бор. Аммо, гиёҳвандликнинг оғир шаклларида ҳисобланмиш героинга тобеликка ҳеч қандай даво йўқ. Бошқача қилиб айтганда, бундай иллатлардан узоқ юриш соғлом ва ҳалол яшаш - энг мақбул даво усулидир, десак муболаға бўлмайди. Муслмончиликда бу балони ҳаром ҳисобланганлигини эътиборга олсак, ота-боболаримизнинг "ҳаромдан узоқ юр, болам" деган ҳикматли ўғити эсимизга келади. Бурҳониддин Марғинович инсон сихат-саломатлигига ва ақлига зарар қиладиган ҳар қандай иллат манъ қилинишини таъкидлаган. Зотан, гиёҳвандлик каби жамият ҳаёти учун зарарли иллатни йўқ қилиш ва унинг олдини олиш ҳар бир онгли фуқаронинг вазифасидир.

ЧЕКМА, БОЛАМИ!

"Бир дона сигарета таркибида... "

Кашандага "чекма" деганимиз билан барибир тамакини тутатади. Токи, чекаётгани ўзи учун зарарли ва бефойда эканлигини тушуниб етсагина, бу қалтис йўлдан қайтиши мумкин. Ўзи англаб етмадими, минг бир уринишларингиз ҳам беҳуда кетади. Албатта, унинг зарарлари ҳақида мендан кўра сиз кўпроқ маълумотга эгасиз. "Чекиш инсонни ўлдиради", - дея ёзилган сигарета қутиси ҳошиясида. Бир дона сигарета таркибида инсон саломатлиги учун ўта хавфли кимёвий моддалар - бутан, метан, кадмий, кўмир гази, гексамин, маргимуш, метанол, аммоний ва никотин, шунингдек, газни тутиб туриш учун махсус ишлов берилган қоғоз, елим ва хавфли бўёқ бор.

Унинг тутуни таркибида эса 4 мингга яқин зарарли ис газн мавжуд. Бу автомобиль тутунига нисбатан 4 баробар кўп эканлиги ҳар қандай ақлли одамни хавотирга солади. Алалоқибат чекишга муккасидан кетганлар ўз умрини хазон қилаётгани ҳам таассуфлидир.

"Асабни тинчлантирадими?"

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё миқёсида 5 миллиондан ортиқ киши кашандалик туфайли келиб чиқадиган хасталиклар оқибатида ҳаёт билан видолашмоқда. 17 миллион киши эса унинг таъсирида юрак-қон томир, ўпка саратони, сил, ошқозон ости бези яллиғланиши, оғиз бўшлиғида келиб чиқадиган турли касалликларни орттирмоқда. Далиллар ва рақамлардан маълум бўладики, ҳеч кимнинг тамаки чекиб "шоҳи" чиқмаган. Аксинча, у кашандани бирор-бир касалликка гирифтор қилиши бор ҳақиқат. Айримлар "чексам - асабим тинчланади", - дейишади. Тўғри, асабийлашаётган киши тамаки тутатса бош оғриғи пасаяди. Чунки, сигарет тутуни қаттиқ асабийлашганда таранглашиб кетган нерв толаларини узиб юборади. Вафот этган киши тирилмаганидек, нобуд бўлган нерв толаси ҳам тикланмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ёзганидек, асаб толалари бозорда сотилмайди, ақчага топилмайди. Мана сизга, кашанда фойдали, деб ўйлаган тамакининг зарарли томонларидан бири.

"Қизларимиз ҳам чекаёпти..?"

Маълумотлар мамлакатимизда тамаки чекувчилар эркеклар ўртасида 22 фоизни, аёллар орасида эса 3 фоизни таш-

Унинг тутуни таркибида эса 4 мингга яқин зарарли ис газидан ташкил топган. Бу автомобиль тутунига нисбатан 4 баробар кўп эканлиги ҳар қандай ақлли одамни хавотирга солади. Алалоқибат чекишга муқассидан кетганлар ўз умрини хазон қилаётгани ҳам таассуфлидир.

"Асабни тинчлантирадими?"

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё миқёсида 5 миллиондан ортиқ киши кашандалик туфайли келиб чиқадиган хасталиклар оқибатида ҳаёт билан видолашмоқда. 17 миллион киши эса унинг таъсирида юрак-қон томир, ўпка саратони, сил, ошқозон ости беши яллиғланиши, оғиз бўшлиғида келиб чиқадиган турли касалликларни орттирмоқда. Далиллар ва рақамлардан маълум бўладики, ҳеч кимнинг тамаки чекиб "шоҳи" чиқмаган. Аксинча, у кашандани бирор-бир касалликка гирифтор қилиши бор ҳақиқат. Айримлар "чексам - асабим тинчланади", - дейишади. Тўғри, асабийлашаётган киши тамаки тутатса бош оғриғи пасаяди. Чунки, сигарет тутуни қаттиқ асабийлашганда таранглашиб кетган нерв толаларини узиб юборади. Вафот этган киши тирилмаганидек, нобуд бўлган нерв толаси ҳам тикланмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ёзганидек, асаб толалари бозорда сотилмайди, ақчага топилмайди. Мана сизга, кашанда фойдали, деб ўйлаган тамакининг зарарли томонларидан бири.

"Қизларимиз ҳам чекаёпти..?"

Маълумотлар мамлакатимизда тамаки чекувчилар эркаклар ўртасида 22 фоизни, аёллар орасида эса 3 фоизни таш-

кил этаётганини кўрсатмоқда. Албатта, бу бошқа мамлакатларга нисбатан паст кўрсаткич бўлса-да, ёмон нарсанинг ками ҳам зарарлидир. Шунинг учун жонажон юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу албатта, айримларнинг зарарли иллатдан воз кечишларига ёрдам беришига ишонамиз. Бундан ташқари орамизда чекувчи қизларнинг ҳам учраб туриши ташвишлидир. Ёки кўча-куйда кашанда қизни кўрсанг, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Савол туғилади: қизларимизга нима бўлди, уларга нима етишмайди ўзи? Мутахассисларнинг таъкидлашича, айниқса, тамаки қизлар учун ниҳоятда зарарлидир. Ҳатто аҳён-аҳёнда чекиб юрадиган қизларнинг овози дағаллашиб, хириллаш пайдо бўлади. Юз ранги ҳам ўзгариб кулранг тусга киради. Терининг майинлиги камаяди, майда ажинлар туша бошлайди. Ҳомиладор кашанда аёлнинг боласи ногирон туғилиши ёки нобуд бўлиши мумкин. Бундай далил-исботларни юзлаб келтириш мумкин.

"Қонун билан таъқиқланади"

Мамлакатимиз Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига қўшилган. "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ҳар қандай шаклдаги тамаки ва тамаки маҳсулотларининг тарғиботи (рекламаси) таъқиқланган, бундан ташқари "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Ана шундай Қонунлар мазмун-моҳиятини ёшларимизга етказиш ва бу борада мунтазам тарғибот ва ташвиқот олиб бориш сизу бизнинг кечиктириб бўлмас вазифамиздир.

Мухтасар қилиб айтганда, айримларнинг тамакига тутқун ёки қул бўлиб қолаётгани ачинарли ҳолдир. Бу билан ўз соғлиғимизга дарз етказётганимизни унутмайлик. Агар сиз чекишни ташласангиз, ўзингиз ва атрофдагиларингизнинг соғлиғини ўйлаган бўласиз. Чекишни муқаддас динимиз ҳам қоралайди. Инсон соғлиғига зиён келтирувчи ҳар қандай иллат ҳаромдир. Зотан, бирор-бир иллатга "асир" ёки "қул" бўлмасдан, соғлом турмуш тарзини касб этиб, соғлом ва эркин яшашга нима етсин!

КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?

Ёки даволат қачон 100 фоиз бўлади?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятни кўпайиб кетганининг асосий сабаби бу ўрта махсус билим юртларида ўқувчиларнинг давомати тушиб кетгани, бу ҳолни ўрганиш ва назорат қилиш бўйича мукамал тизим яратилмаганидир", деб таъкидлади. Аслини олганда, "Таълим тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, ўқувчилар дарс машғулотларига доимий қатнашиши шарт. Нафақат қатнашиши, балки замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим. Унда нега Қонун шартлари бажарилмаяпти. Балки биз Қонунларни аҳоли онгига етказоолмаётгандирмиз. 2017 йилнинг 8 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида "қабул қилинган қонун

хужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида норматив-ҳуқуқий хужжатларни ўз вақтида тарқатиш, ижрочиларига ва аҳолига уларнинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришнинг самарали механизмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга" эканлиги таъкидланган. Ваҳоланки, Ўзбекистони Конституциясининг 48-моддасида белгиланганидек, "фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга... мажбурдирлар". Албатта, юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилар экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси Қонунлар асосида яшашлари, ҳуқуқий хужжатларга қатъий риоя қилишлари жоиздир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунни билмаслик, унга итоат қилмаслик кишини жазодан халос этмайди.

Қолаверса Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида "ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", деб белгиланган.

Хўш, нега айрим ўқувчилар коллеж, лицей ва мактаблардаги дарс машғулотларига иштирок этмайдилар. Давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг 17 июлидаги йиғилишида ҳам умумтаълим мактаблари тўғрисида тўхталар экан, таълим муассасаларида давоматнинг пасайиб кетганини гапириб ўтдилар. Нега таълим муассасаларида давоматни 100 фоизга етказиш қийин кечмоқда? Бунинг асосий сабаблари нимада?

Қайси таълим муассасасига борманг, ўқувчиларнинг дарсга келмаслик сабабларидан бири сифатида уларнинг Тошкент ёки вилоят марказида репетиторга қатнаши важига дуч келасиз. Наҳотки, дарс машғулотларини сурункали қолдириш, фанларни ва касб-ҳунарни ўзлаштирмаслик эвазига, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан ўтишни кафолатлаш мумкин. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, репетитор кучи билан ин-

ститутга кира олмаган ўқувчилар коллежлардаги ўқув машғулотларини ўзлаштириш ҳамда касб-хунар эгаллашдан ҳам қуруқ қолишмоқда. Бироқ коллеж ва лицейларда дарсларни қанда қилмасдан, чет тилларни ўзлаштириб, муайян мутахассисликка эга бўлиб, боз устига олий ўқув юртларига ўқишга кираётганлар ҳам борлиги, булар кўпчилик эканлиги баайни ҳақиқатдир. Бизнингча, бу энг аввало, ўқувчининг ўз устида муттасил ишлашини талаб қиладиган жараёндир. Агарда ўқувчининг ўзида бўлмаса, манаман деган репетитор ҳам унга осмондаги ойни олиб беролмайди?!

Баъзан коллеж ва лицей ўқувчиларини дарсларга бормасдан, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги қурилиш объектлари, тўйхона, ошхона, ёқилғи қўйиш, автомобилларни ювиш, хизмат кўрсатиш шохобчаларида, фермер хўжаликларда ишлаб юрганига кўзингиз тушади. Ота-онасидан ўзоқда, назоратсиз юрган ўқувчиларнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтмоқчи жиноят кўчасига кириб кетмаслигига ёки ҳаётда адашмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди?! Албатта, ҳар бир ўқувчи - бу бизнинг эртамыз! Бизнинг эртанги кунимиз унга ва унинг салоҳиятига боғлиқ. Ўқимай, дарсларга келмай, кўча-куйни чангитиб юрган, саводсиз ўқувчидан эртага нимани кутиш мумкин?! Наҳотки бир юмалаб, ўқиб, изланмасдан комил инсонга ёки етук мутахассисга айланиб бўлса?!

Коллеж ўқувчи қизларининг турмушга чиқиши ёки ўғил болаларнинг чет элга ишлашга кетиши ўқув машғулотларига қатнамаслик важларидан бири. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрлари кечагидек қулоғим остида жаранглаб турибди: "Қиз болани коллежни битирмасидан, хунар эгалламасидан кимки турмушга бер-

моқчи бўлса, билиб қўйинглар, мен бунга мутлақо қаршиман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўз ўрнини топади, йўлини йўқотмайди". Албатта, бу ҳикматли сўзлар бугун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Чунки коллежни тугатмасдан турмушга чиқиб, оилани эплолмай, қийналган, керак бўлса, ажрашиб кетган, бундан ташқари таълим муассасасида ўқишга келмай, диплом ололмай, курсдан курсга қолдирилган қизларимиз қанчадан-қанча?! Нима бўлган тақдирда ҳам ота-оналар фарзандларининг келажагини ўйласалар, уларни коллеж ёшида, ҳали бола бўла туриб, оила қуришга тайёр бўлмай, касбли-ҳунарли қилмасдан турмушга узатмаганлари мақсадга мувофиқ.

Чет элга ишлашга кетган ёшларни бузғунчи оқимлар алдовларига учиб, Яқин Шарқда жангари тўдаларга кўшилгани ҳамда ит ўлимини топганини ойнаи жаҳон орқали кўриб-билиб турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маросимда таъкидлаганидек, бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз ва мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қуй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Узоқ масофада яшашини рўқач қилиб, таълим муассасасига ўқишга келмаётган ўқувчилар ҳам афсуски, бор.

Ўқишга келмаслик сабабларидан яна бири сифатида ўқувчининг ўқишга қизиқмаслиги ёки ота-онасининг бунга қаршилигини важ қилиб кўрсатишади. Ақлли-ҳушли ота-она борки, фарзандим, деб яшайди, унинг келажагини, истиқболлини кўришни истайди. Ўғил ё қизини коллеж ёки мактабда ўқишига тўсқинлик қилиш, ўзи ўтирган шоҳни кесишдан ўзга нарса эмас. Ақли жойида бўлган инсонлар фарзандини ҳар куни таълим муассасасига келиб-кетишини таъминлайди. Шунингдек бу ота-онанинг Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 30-моддасида белгиланган бурчидир. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: "Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана улуг аждодимиз нима деб ёзганлар: "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ". Буни ҳар биримиз ёдда тутишимиз лозим.

Албатта, Қонунга биноан таълим муассасасида узлуксиз дарс қолдирган ўқувчиларнинг ота-онасини жазолаш ҳам мумкин, шунингдек қонунбузар ота-оналар бугун кунда Суд ҳукми билан жазоланишяпти ҳам. Зотан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасига биноан ота-она-

лар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларининг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига тўсқинлик қилса, бу уларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Яъни, ушбу моддага биноан катта миқдорларда жарима жазоси қўлланилганда, ота-оналар бугун фарзандини таълим олишига қаршилиқ кўрсатиш у ёқда турсин, керак бўлса ўғил-қизини етаклаб, таълим муассасасига олиб келаяпти.

Хўш, калаванинг учи қаерда? Қандай қилсак, ўқувчиларни коллежу лицейларимизга ва мактабларимизга тўлиқ келишига эришишимиз мумкин. Агарда биз уларнинг келмаслик сабабини изласак, бундай важлар истаганча топилади. Гап сабаб ёки баҳонада эмас, балки Қонунлар ижросини таъминлашдадир. Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2015 йилнинг 4 декабрида қабул қилинган 370-сонли "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Гуруҳ раҳбарлари ва ота-оналар кенгаши фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" ҳамда 371-сонли "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларни ўқув машғулотларига иштирок этишлари устидан назоратни кучайтириш тўғрисида"ги буйруқлари ижросини таъминлаш ҳам ўқувчилар давоматини ошишига хизмат қилади. 371-сонли "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларни ўқув машғулотларига иштирок этишлари устидан назоратни кучайтириш тўғрисида"ги буйруққа асосан, таълим муассасаси ўқитувчисига унинг атрофида яшаётган ўқувчилар микроучасткаларга бўлиниб, бириктирилган бўлса, ҳар бири микроучастка раҳбари билан ўқувчилари биргалик-

да коллежга келиб-кетса, ҳар кунлик даволат таҳлил қилиб, келмаган ўқувчиларнинг оилаларига маҳаллалар раислари, фаоллари билан бориб, тегишли чоралар кўрилса, ўйлаймизки, бу ўқув юртининг бу борада ҳеч қандай муаммоси бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташриф чоғида барчамизнинг диққат-этиборимизни яна бир бор шу, долзарб муаммога қаратди: "Вилоятнинг энг каттасидан кичигигача рўйхатни олиб, "Нима учун сен коллежга келмадинг? Нима учун мактабга келмадинг?" дея назорат қилиши лозим. Шунинг учун мана шу жамоатчилик - 6-7 та жамоат ташкилотлари менга бир нарсани таъминлаб бера олмапти - мактаб, коллеж, лицей, олийгоҳга 100 фоиз даволат олиб келиш керак!

Мактаб ё коллежга келмаган ота-онани нима учун телевизорда кўрсатмайсиз? У кимнинг боласи? У ёш - давлатнинг келажаги! Нима учун, биз давлат вакили бўлиб юрт келажагига бефарқ бўлишимиз керак?! "Нима учун сенинг боланг мактабга келмади?", деб бир марта газета ёки телевидениеда чиқаринглар... юрган билан юрганнинг фарқи бор".

Мухтасар қилиб айтганда, калаванинг учи тартиб-интизом, назорат ва шахсий жавобгарликка бориб тақалади. Тартиб-интизом бу ўқув юртига мунтазам келиб кетиш, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш бўлса, назорат-ўқувчиларнинг формада келиши, фанларни ўзлаштириши, касб-ҳунар эгаллаши, дафтарларини кўздан кечириш, ўқувчи билан ишлашдир. Шахсий жавобгарлик эса бу нафақат биринчи навбатда ота-онанинг фарзандлари устидан назорати, шунингдек устозларнинг шогирдлари тақдирига, жамоатчиликнинг кела-

жак олдидаги масъуллигидир.

Мамлакатимизда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтилиши жамоатчилик, ота-оналар ва 9-синф битирувчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, шу жумладан ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилади. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка(касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилади.

Аммо, мактабми ё академик лицей ё коллежми ўқувчининг ўқув машғулотларини рисоладагидек ўзлаштиришида дарсларга мунтазам келиб-кетиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ота-оналар, керак бўлса ўқувчининг ўзи ҳам бу ҳаётини ҳақиқатни тушуниб етиши керак.

АГАР ҲҚИТУВЧИ КИТОБ ҲҚИМАСА,

Ҳқувчидан нима қутиш мумкин?!

"Китобга қайтиш..."

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида алоҳида эътибор "ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш ва аҳолининг китобхонлик кўникмасини янада юксалтиришга қаратилганлиги" барчамизга маълум. Ушбу фикрнинг мантиқий давоми ва амалий исботи сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида" ги Фармойиши ҳамда "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" ги Қарори имзоланди. Бинобарин мамлакат миқёсида китобхонлик танловлари ўтказилиб, ғолиблар Президент совғаси- «Spark» автомобиллари билан тақдирланганини ойнаи жаҳон орқали кўриб, билиб турибмиз.

Албатта, немис файласуфи таъкидлаганидек, китоб ўқимаслик - бу фожиа. Бу фожианинг баҳоси йўқ. У инсонни тубанликка олиб боради. Агар бутун бир халқ ёки миллат китоб ўқимай қўйса, бу халқнинг ёки миллатнинг келажаги бўлмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ёшларни китобга, китобхонликка қайтариш керак. Китобсиз - келажак йўқ. Ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларни китоб билан дўст

бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Китоб ўқимаслик - маънавий қашшоқликни келтириб чиқаради. Инсон бой-бадавлат бўлиши мумкин, агарда китоб ўқимаса, уни пуч ёнғоқдан фарқи йўқ. Ҳазрат Алишер Навоий инсонларни икки категорияга бўлади. Бой-бадавлат одамларни суврат аҳли, зиёлиларни эса сийрат аҳли, дейди. Суврат аҳлининг уйининг тўрида шоҳ бўлгандан кўра, сийрат аҳлининг уйида гадо бўлганинг афзал, дея қўлидан китоб тушмайдиган зиёлиларни улуглайди буюк мутафаккир.

Китоб ўқиш орқали билим, тафаккур ва маънавий оламимизни бойитиш энг аввало, ўзимиз учун керак. Айтмоқчимизки, биз китобни аввало, ўзимиз учун ўқиймиз. Китоб ўқиган одам маънавий бой ва маънавий соғлом одамдир. Бундай инсонлар фақат ва яна фақат яхшиликка ошно бўладилар!

"Нега ўқимай қўйдик?.."

Баъзан ўзимга шу саволни бераман. Аммо аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, кўпчилигимиз китоб ўқимай қўйдик. Дўконларда китоблар қимматлигида ҳам эмас, балки биз китобдан чиқиб кетдик. Ёки вақтимиз йўқми? Фильмларни кўришга ёки соатлаб гап сотишга, дам олишга, ўйин-кулгуга вақт топамиз-ку?! Коллежлар АРМларига компьютерга бирор ишимиз бўлса ёки дарслик учун кирамиз, холос. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровдан шу нарса маълум бўладики, 100 нафар ўқувчидан аксарияти яқин ойларда ҳеч қандай китоб ўқимаган. Китоб ўқишга хоҳиши бўлмаганни қани мутолаа қилдириб кўринг-чи?!

Чет элларда автобус, метро, поезд йўловчиларининг кўз узмай китоб ўқиётганига гувоҳ бўласиз. Йўловчини сўхбатга

тортсангиз, чуқур билим ва кенг тафаккурига тасаннолар айтасиз. Албатта ёшларни китобга қайтариш бу ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, китоб ўқишдир. Аммо кутубхонага кириб бирор-бир бадий китоб мутолаа қилаётганларни камдан-кам учратамиз. Аслини олганда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг бўш вақтларида кутубхонада китоблар мутолаа қилиш билан шуғулланишлари айна муддао. Бу биринчидан, тафаккур доирасини кенгайтиради, тўғри фикрлашга ўргатади, иккинчидан, сўз бисотимиз ошади, учинчидан маънавий оламимиз бойийди. Мутолаа асносида янги ғоялар пайдо бўлади. Жон-Пол Сартр таъбири билан айтганда, китоб - ўзида бутун оламнинг ранг-баранглигини, умуман, унинг юзини, феълени рўй-рост кўрсатиб берувчи ойнадир... Китоб ўқинг! У сизни фикрлашга ўргатади. Фикрлай олиш эса одамни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи асосий хислатдир.

"Китоб - бу шифо"

Китоб инсон руҳий оламига шифодир. Аллоҳнинг муборак китоби - "Қуръони карим" барча дардларга даволиги бежиз эмас. Алишер Навоийни оласизми, Бобораҳим Машраб ёки Ҳувайдонинг китоблари бўладими, ўқиган сари руҳингиз енгил тин олади, кўнглингиз эса таскин топади. Ёки "Жаҳон адабиёти" журнаlinesи варақлаб, яхши бир таржима романни ўқисангиз, баҳри дилингиз очилади. Бу эса ўз навбатида, китобнинг, муқаддас сўзнинг қудрати - кучи туфайли. Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романида бир эпизод бор: Раъно китоб ўқиб турган лаҳзада Анвар "бу қандай китоб" деб унга савол беради. "Фузулийники" дейди Раъно. Анвар эса "Фузулий - яхши китоб" деб китобхонликни олқишлайди. Ана шу яхши, ўқишли китоблар инсонга руҳий қувват ато

этади, уни қўллаб-қувватлайди, ҳамдарду ҳамкор бўлади. Китобдан яхшироқ дўст тополмаган Буюк Жомий ҳам "Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда, Жонингга юз роҳат берар ҳар онда" деган бўлса, не ажаб.

Педагог М.Очилова "Буюк Британияда китоб терапевти касби борлиги, бундай мутахассислар китоб ўқитиш орқали руҳий муаммолар қуршовида қолган кишиларни даволаши"-ни ёзади. Инчинун бугун дунёда "Библиотерапия" ривожланаётгани, у руҳий ва ахлоқий касалликларнинг олдини олишга хизмат қилаётгани баайни ҳақиқат.

Албатта, Ғазолий, Навоий, Ғузулий, Махтумқули каби ижодкорларнинг китоби инсон руҳиятига озуқадир. Бундай маънавий-руҳий қувватнинг баҳоси йўқ. Инсон китоб билан юксалиб боради. Абу Али ибн Сино ўз таржимаи ҳолида китоб - камолот манбаи бўлганлигини тан олади: "Бир куни шоҳ Нуҳ ибн Мансурдан кутубхонага киришга ва у ердаги тиббиётга оид китобларни мутолаа қилишга руҳсат олдим. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонага китоб сандиқлари турар, китоблар устма-уст таҳлаб қўйилган эди. Ҳар бир хонада бир фанга оид китоблар тўпланган эди... У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик уларнинг ҳатто номларини эшитмаган бўлса керак. Бу китобларни ўзим ҳам аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим". Бу баҳрамандлик дунёга донғи кетган тиббиёт бобокалони Ибн Синонинг шаклланишига улкан ҳисса қўшди.

"Қалқон ўрнида ..."

Ёшларимиз шуни тушуниб етишлари керакки, китоб ўқимасдан комил инсон бўлиб етишиш қийин. Яна шуни айтиш ло-

эмки, китоб ўқимаган инсоннинг савияси паст, дунёқарашига тар, онги шаклланмаган бўлади, болаларча фикрлайди, ҳар бир ишдан манфаат излайди, ҳар қадамда билимсизлигу саводсизлигини, тубанлиги-ю ахлоқсизлигини намоиш этади. Бундай маънавий қашшоқ инсонлар гарчи молу дунёлари билан мақтансалар-да, уларни алдаш осон. Чунки улар китоб кўрмаган кишилар-да. Китоб ўқиган, зарур билимга эга бўлганлар турли хил бузғунчи оқим, ғаразгўй кимсалар, қора кучларга қўшилиб кетмайди. Ғаразгўй кучлар тузоғига тушмаслиги учун уларни бор ҳақиқат, билим ва китоб билан "қуролланиш"и муҳим аҳамиятга эга. Виртуал оламда ҳам, ҳаётда ҳам қора кучлардан ҳимоя қалқони бу билим ва китобдир. Китобхон инсонни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Чунки бундай инсонга билим ва тафаккур куч-қудрат бахш этади.

"Суюкли ёр"

Навоий форсча бир шеърида бировдан қарзга олиб китоб ўқиганларни қоралайди. Ахир китоб бу дўст ва ёрдир. Ақлли адам бу ишни қилмайди. Чунки биров ёрини бировга бир неча кунга қарзга бермайди-ку, дейди мутафаккир. Мана сизга китоб қадри ва унинг инсон учун бекиёс ўрни ҳақида Навоийвор лўнда талқин. Қолаверса Навоий "Муншаот"нинг 44-мактубида унинг учун китоб ёр эканлигини - китобдан бошқага кўнгил бермаганлиги тарзида изоҳлайди: "...Шайх Алибек ва Хусайнқулибекка тушунтириб айтган эдим, шоядки сизга (Хусайн Бойқаро) етказишган бўлса. Бу муддаога далил шуки, кейинги вақтда заҳмат тортиб ясаган мураккаъни (Ҳожа Аҳрор ва Жомий йўллаган хатлар тўплами) ва ҳар қандай қийинчилик билан яратган китобларниким, булардан бошқа ҳеч нарсага кўнгил берилмаган эди - олиб келган эдим (Машҳад шах-

рига), чунки баданга хасталик ёпишди: муборак дийдорингизга мушарраф бўлиб, қазо ҳам етса, бу китобларнинг бариси сизнинг назоратингизда бўлса, дегандим. Ўзимда бунга қувват топмадим, у китобларни Юсуф Алидан юбордим". Навоий умри поёнига етаётганини сезганиданми, бир умр кўнгил қўйган китобларидан кўнгил узолмасдан уларнинг келгуси тақдирини ўйлайди. Китоб - уни қадрлайдиган инсоннинг қўлига етгач, дил ором олади. Китобни қадрламайдиганлар уни йиртиб, писта ўраб сотишади ёки тандирга қоғоз ўрнига ишлатишади. Китобни йиртган, буклаган ва унга чизган кишиларни ҳам оқлаб бўлмайди. Аслини олганда китобни хор қилиш - маънавий тубанликдир. Асқад Мўхтор айтганидек, "китоб - бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани".

"Энг қиммат совға"

Мен учун энг қиммат ва энг яхши совға ҳам китоб. 2017 йил 8-март-халқаро хотин-қизлар кунинда коллежимиз (Талимаржон саноат ва сув хўжалиги коллежида ишлаган давримда) зиёли аёлларига китоб совға қилдик. Ҳамма ҳамкасбларимиз бу совгадан хурсанд бўлишди.

Мен-ку кўпинча туғилган кунлару тўйларда китоб олиб бораман. Ким нима деса десину, китоб кирган хонадонга, оилага файзу барака кирази. Цецирон китоб кирмаган хонадонни жонсиз танага ўхшатади.

Ойнаи жаҳон орқали Самарқанд шаҳрида қизлар сепига Навоийнинг 10-жылдлик китобларини қўшиш аънамага айланаётгани маънавий камолот дебчасидир. Китоб сизу бизнинг ўзлимиз, кимлимизни англашга кўмаклашади. Нафақат совға қилинган китобни чирой ёки кўз-кўз қилиш учун жовонга қўйиш, балки уни мутолаа қилиш сизу бизга илм

дарвозаларини очиш билан бирга, сабр-бардошимиз, иродаимизни бақувват қилади, ўзимизга ишончимизни мустаҳкамлайди, ҳаётга қизиқишимизни оширади.

"Ўқи" дейиш кифоями?

Албатта, биз-устозлар шогирдларимизга "китоб ўқи" дейишдан олдин ўзимиз уларни ўқиган бўлишимиз керак, аслида. Ахборот ресурс марказларидаги ўқитувчиларнинг обуна каталогларига кўз югуртирсангиз, устозларимиз дарс ўтиш учун дарслик олишдан нарига ўтмаганига гувоҳ бўласиз. Қанийди, муайян фан дарслиklarини ўқиш билан бадий тафаккуримизни шакллантириб бўлса?! Зиёлиликнинг биринчи шarti зиё тарқатиш бўлса, билим ва зиё ўчоғи бадий китоб эмасми? Демокчимизки, устозлар ўз соҳаларига оид қўлланмалардан ташқари, миллий ва жаҳон адабиёти намуналарини ўқишлари мақсадга мувофиқ. Чунки биз-устозлар шогирдларимиз берган саволларга қийналмай жавоб беришимиз учун кенг билим ва тафаккурга эга бўлишимиз айна муддаодир. Бу муаммонинг туб илдизи яна ва яна китоб мутолаа қилишга бориб тақалади. Яқинда ойнаи жаҳонда адабиётшунос олим Омонулла Мадаев айтганидек, айрим адабиёт ўқитувчилари "Алпомиш"ни ўқувчиларига ўргатишадую, ўзлари бу дostonни ўқимаган эканликларини қандай изоҳлаш мумкин. Дарс ўтиш 80 минутни бир амаллаб ўтказиш эмаску? Афсуски, ана шундай устозларимиз ҳам орамизда бор.

Мухтасар қилиб айтганда, эртанги кунимиз янада порлоқ бўлиши учун бугундан китоб ўқишимиз, ўқувчиларимизда ҳам китобхонлик маданиятини шакллантиришимиз шарт. Бу ишот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Зотан Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, айна вақ

тда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, компьютер, планшет билан шуғулланиш яхши яхши... Бу нарсалар замон талаби ҳозир. Аммо ҳеч нарса китобнинг ўрнини босаолмайди. Мутолаа маданиятини шакллантиришни эса ёшлиқдан инсонни болалар боғчасида, мактабда китоб ўқишга ўргатишдан бошлаш керак.

УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Таълим-тарбия жараёнига қандай таъсир этади?

Донишмандлар "ҳар бир ишда меъёрни сақла, асалнинг ози ширин", деб таъкидлаганлар. Албатта, ҳозирги кунимизни уяли телефонларсиз тасаввур эта олмаймиз. Саксон яшар момодан тортиб боғчага қатнайдиغان гўдакнинг қўлида ҳам телефон. Жамиятимизга шиддат билан кириб келиб, ҳаётимизнинг муҳим бўлагига айланган бу ихтиро вақт ўтиши билан ўзининг салбий тарафларини ҳам намоён этмоқда. Айтмоқчиманки, ундан ўз ўрнида меъёрида фойдаланмаслик, боғланиб қолиш нотўғри мақсадларда ишлатиш қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кези келганда айтиш керакки, фарзандига энг сўнгги модел телефон олиб бериб, компьютер, муסיкий марказ, интернет билан таъминлаган ота-онанинг муҳайё этилган бундай шарт-шароитлардан қандай мақсадда фойдаланаётганини, қандай ижтимоий тармоқларда "яшаётганини", кун бўйи телефон чўқалаб, нима билан банд эканини назорат қилаоляптими? Минг таассуфки, баъ-

зан ёшларимиз қизиқувчанлик ёки бекорчиликдан сайтлар ёки ижтимоий тармоқларга кириб, беҳаё расмлар ва тажовузкорлик акс этган видеороликларни кўчириб бошқаларга тарқатмоқдалар. Дарс жараёнларида ёки кўча-куйда болаларимиз ана шу бемаъниликни бир-бирларига "ташлаш" билан банд. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё деганларидек, юқорида айтганимиздек, биз интернетга қора буюк чаплаш фикридан буткул йироқмиз. Чунки, мактаб ва коллеж ўқувчилари бу халқаро ахборот тармоғи орқали мобиль алоқа воситасидан фойдаланиб, турли электрон дарсликлар, бадиий ва илмий адабиётларни ўқиш, шунингдек, муайян порталлар, тармоқлар орқали бир қатор форумлар, маҳаллий ва халқаро конференциялар, танловларга қатнашиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Керакли ахборотни бир зумда қўлга киритиш, электрон ҳужжатлар имзолаш, дўстлар орттириш, ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш каби юзлаб имкониятлар компьютерга қараганда ихчам, қулай ва арзон телефон орқали амалга ошаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, ёшларимизнинг замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг ва ижобий мақсадда фойдаланишига эътибор қаратишимиз ва уларни доимо шунга йўналтиришимиз лозим. Чунки, биз назорат қилиш орқали уларни турли хил бўзғунчи оқимлар ва нопок кимсалар таъсирига тушишидан осраб қоламиз.

Айтиш лозимки, юртимиз таълим муассасаларида уяли телефонлардан фойдаланишнинг қонуний тартиблари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланишни тар-

тибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам ўқув жараёнида, шу жумладан, таълим олувчилар томонидан телефондан фойдаланиш билан боғлиқ салбий жиҳатларни олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида қабул қилинган, деб ўйлаймиз. Қарорга биноан таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулоти ва тадбирлар бошланишидан олдин таълим олувчилар телефонни ўчириб, сумкасига солиб қўйиши шарт. Уяли телефонни бўйнига осиб ва чўнтакда сақлаш таъқиқланади. Қолаверса, ён-атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб қилувчи видео ва суратларни намойиш қилиш, ўқув машғулоти вақтида телефон орқали сўзлашиш ҳамда турли хабарларни жўнатиш, телефонни стол устига қўйиш, муסיқа тинглаш, сурат ва видео тасвирлар кўриш, диктофон, калькулятор, календарь, блокнот ва ён дафтарча сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Чунки таълим муассасасига қадам қўйган ҳар бир ўқувчининг фикри-зикри уни чалғитувчи телефонда эмас, балки билимини бойитувчи дарсда бўлиши лозим. Шунингдек, ушбу қоидалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ходимларига ҳам бирдек тааллуқли бўлиб, қарорга кўра ҳар бир таълим олувчи, ходим, меҳмон ва бошқа шахслар мактаб ёки ўқув юртлари ҳудудларига йўл олганда ўз телефонларини "овозсиз" режимга ўтказишлари шарт. Бу масаланинг бир томони.

Уяли алоқа воситасининг яна бир зарарли жиҳати борки, мутахассисларнинг фикрича, уяли телефонлардан ажралиб чиқаётган электромагнит тўлқинлар инсон бош мияси фаолиятининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Оқибатда қонда айланиб юривчи турли зарарли кимёвий бирикмалардан ми-

янинг ҳимояланиш қобилияти сусаяди. Бу эса ўз навбатида, уйқусизлик, асабийлик ва депрессия каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Бош оғриши, тез чарчаш, ҳолсизлик каби аломатлар ҳам мобиль телефонларнинг зарарли таъсири оқибатидир. Қолаверса, уяли телефон кишининг фикрлаш қобилиятини сусайиши ва хотирани заифлашувига олиб келиши мумкин. Кўриниб турибдики, уяли телефонга ортиқча "кўнгил қўйиш" соғлиғимизга зарар келтиради.

Мухтасар қилиб айтганда, ёшларни бундай воситалардан чеклаш билан муаммога нуқта қўйиб бўлмайди. Айтмоқчимизки, уларга уяли телефондан тўғри мақсадда фойдаланишни ўргатиш орқали турли хил муаммоларни олдини олган бўламиз.

"ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК!"

Ҳар гал Биринчи Президентимизнинг "Тинчлик учун курашмоқ керак, уни кўз қорачиғидек қадрлаш, асраб-авайлаш лозим" деган фикрлари хаёлимга келар экан, кўз ўнгимда Афғонистон заминидаги нотинчлик ва ундаги даҳшатли уруш гавдаланади. Очиги, тўс-тўполон, зув-зув учиб турган ўқ ёмғири остида ва қақшатқич жангу жадалларда тинчлик ва осойишта лаҳзалар қадри билинади. Отишмалар пайтида кўнгилга қил сиғмайди, эрта бормисан ёки йўқ, худо билади. Ёнингдан физиллаб ўтиб кетаётган дайди ўқ сенга ҳам тегиши мумкин. Уруш бор жойда на хотиржамлик, на хурсандлик, на келажакка ишонч бор!

Мухтарам Юртбошимиз бу ҳақда шундай дейди: «Минг афсуски, жафокаш Афғонистон заминидаги бу тўқнашув қарийб 40 йилдан буён давом этмоқда.

Маълумки «уруш олови» афғон халқига четдан тиқиштиришди, бу - унинг танлови эмас. Ана шу йиллар мобайнидан юз минглаб тинч аҳоли уруш қурбонига айланди миллионлаб инсонлар ўз уйларини ташлаб кетишига ва бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлди.

-Ҳарбий мошиналар тўдасида афғон тоғлари бўйлаб йўлга чиқар эканмиз, ҳушёрликни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилардик. Чунки мужоҳидлар кутилмаганда қўқисдан ҳужум қилишар, ҳеч кимни аяб ўтиришмасди, - дейди байналминал жангчи Хайрулло Гелдиев «афғон уруши»ни хотирлаб суҳбатларимиздан бирида. - Бир неча бор уларнинг ҳужумларига дуч келганмиз, кўз ўнгимда кўплаб қуролдошларим ҳалок бўлишган, ҳали-ҳануз ўша даҳшатли дамлар ҳаёлимдан кетмайди, уруш ўн гулидан бир гули очилмаган йигитларнинг умрига хазон қилди. Уларнинг қанчадан-қанча орзу-умидлари, йўлларига интизор ёрлари, ҳали-ҳануз кутаётган оналари бор эди? Ҳа, афсус, шоир айтганидек, номинг ўчсин уруш!

Икки йиллик ҳарбий хизмат давримда бу бошимдан не-не қора кунлар ўтмади, дейсиз. Ҳар кун юрагингизни ҳовучлаб, "ҳозир ана уруш бошланади" деб яшайсиз. Баъзан эртага тирик қолишингизга ишонмаймиз. Биз жойлашган аэродром портлатиб юборилганда, тўғриси ўлдим, деб ўйлаган эдим. Аммо, кўзимни очсам, госпиталда ётибман, аъзои баданим ўраб ташланган, бутун танам қақшамокда... Ўзи асрагани учун худога шукрлар қилдим! Чунончи, уруш қалбимга етказган жароҳат эса бутун умрга татиғулик.

Тинч-осойишта ҳамда жаннатмонанд юртда яшашнинг ўзи бир бахт, бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган хотиржамлик тўфайли ҳар куни ишга бориб қайтаман, оиламда қут-

барака бор, фарзандларимни тарбияляяпман, ўқитаяпман. Маҳалламиз аҳли кундан-кунга бойиб, тўю томошалар қилмоқдалар. Юртимиз обод бўлиб бормоқда. Бунинг ҳаммаси тинчлик туфайли!!! Тинчлик ҳукм сурмаган қўшни афғон зами-нида мактабларини вайрона ва ўқувчи-болаларни ўқимас-дан қўлига қурол ушлаб, сарсон-саргардон бўлганини, хона-донлардан тўй садолари ўрнида аза товушлари эшитилгани-ни ўз кўзим билан кўрганман. Энг эътиборли жиҳат Муҳта-рам Юртбошимиз ташаббуси билан 2018 йилнинг 27 мар-тида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ўтка-зилгани қўшни юртда тинчлик ва барқарорлик ўрнатили-ши сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Худога шукр, юртимиз тинч осойишта! Эътибор берган бўлсангиз, ота-боболаримиз дастурхон атрофида дориломон кунларимизга шукроналар айтиб, элу юртга тинчлик-омонлик тилайдилар. Бу азалий қадриятларимизга хос қутлуғ ва улуг хислат. Унинг заминида бекиёс маъно-мазмун мужассам. Зеро, тинчлик ва осойишталик ҳар бир оила, ҳар қандай давлат ва жамият учун таъбир жоиз бўлса, сув ва ҳаводек зарур, бе-баҳо неъматдирки, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш энг шарафли, энг муқаддас бурч саналади. Албатта, бу беш кун-лик дунёда тинч ва хотиржам юртда умргузаронлик қилишга нима етсин!

Бугунги шиддаткор ахборот асри ва глобаллашув жараён-лари, яъни дунёда мафкуравий курашлар авж олган пайтда даврнинг ўзи олдимизга ҳушёрлик ва огохлик талабини қўйиб, ҳар биримиздан тинчлик учун масъуллик ҳиссини кучайти-

ришни тақозо этмоқда. Зотан, бугун Мухтарам Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистонимиз тараққиётнинг янги босқичида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришаётган бўлса, буларнинг барчаси юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг асраб-авайлаб келинаётганига боғлиқ.

Албатта, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни саклаш, асраш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз керак.

Ёши улуг отахонлару мунис онахонларимиз ҳузурида бўлсангиз, улар қўлларини дуога очишганда албатта "юртимиз тинч бўлсин", дея ният қилишади. Негаки, она юрт тинч бўлса, одамлари осуда ва хотиржам яшашади, байрамлар ва тўйлар қилишади, тинч мамлакатнинг инсонлари бой бўлади. Тўю тантаналар ҳам осуда ўлкага ярашади. Соҳибқирон Темурбобомиз ҳам "Темур тузуклари"да тинчлик давлатчилик ва тараққиёт асоси эканлигини бот-бот таъкидлаганлар. Албатта, Биринчи Президентимиз айтганидек, биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзуинтилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови - бу тинчлик ва осойишталикдир.

Бинобарин, одамларимиз "тинчлик-осойишталикни асраш" деганда қўлда қурол билан мамлакат чегарасини кўриклаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни тушунишади. Аслида ҳам шундайми? Йўқ, албатта. Тинчликни асраш фақат ҳарбий муҳофаза деганини англатмайди. Осуда ҳаётни ҳимоя қилиш фақат ҳарбийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла

посбонлари зиммасидаги вазифа эмас! Тинчлик фаровон, осойишта ҳаётимиз, жами эзгу тилакларимиз амалга ошишининг асоси ва ягона манбаи экан, уни асраб-авайлаш ҳам-манинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳар бир инсон "юртим тинч - мен тинч" деган асл ҳақиқат билан яшаши, ўз уйи, маҳалласи, Ватанининг хавфсизлигини таъминлаш учун аввало, ўзи қай-гуриши, бу ишни муқаддас бурчи, деб билиши лозим. Ҳаммамиз маҳаллаларда яшаймиз. Мамлакат барқарорлиги оила ва маҳаллалар тинчлигидан бошланади. Гап шундаки, бу масканга келиб-кетувчи турли хил оқимга мансуб нопок мақсадли бузғунчи кимсалардан огоҳ бўлишимиз, фарзандларимизни ана шундай разил кимсалар, оммавий маданият таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз, маҳаллаларни соғлом яшаш тарзи гўшасига айлантириш ҳам тинчликни таъминлаш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Оиласи тинч ва кўнгли хотиржам бўлган инсонда фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланиш имконияти бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, келажак авлодни асраб-авайлаш, маънавий ва жисмоний камолоти учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиб бериш, уларнинг қалбини бидъат ва жаҳолат, ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш ҳам юрт тинчлиги учун курашнинг узвий қисми саналади. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, "Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, мамлакатимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асрасак, истиқлолимиз абадий, истиқболимиз порлоқ бўлади". Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидқидилдан амалга ошириши, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиши, те-

варак-атрофида бўлаётган воқеаларга теран нигоҳ билан қараб, Ватан тинчлиги йўлида хушёр ва огоҳ бўлиб яшаши биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Албатта, бугунги нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, хушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи ҳар биримиздан тақозо этмоқда. Чунки юртимиздаги доруломон кунлар, тинчлик ва хотиржамлик бугун ва келажак учун ҳар доим сув ва ҳаводек зарур эканлигини ҳар биримиз англаймиз, мушоҳада қиламиз. Боринки, барча хурсандчилигу шодлигимиз осудалик тўхфаси эканлигини тан оламиз. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги таъриқ сўзида таъкидланганидек, "Бизга тинчлик ва омонлик керак!" Ушбу ҳақиқат ҳар биримизнинг ҳаётий даъватимизга айланмоғи лозим, биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим».

Бугун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш

учун кураш кучайиб бораётган айни шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, бузғунчи ғоялар таъсири ва хуружидан ҳимоя қилиш ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат бу ҳам тинчликни асраш ва уни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз давомидир. Шунингдек бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга инсон ҳаётининг маъно мазмунини англадиган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади. Бинобарин Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг омалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Янада соддарок қилиб айтганда, дунёвий ва диний илмга эга бўлганлар ва маънавий меросимизни ўзлаштирганлар турли ғаразгўй кучлар найрангига учмаслиги ва тўрига илинмаслиги, таъсирига тушмаслиги ҳаётий ҳақиқатдир. Албатта, Яқин Шарқ каби минтақаларда юз бераётган қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдири ҳам айнан билим ва тушунчага эга бўлмастик, жаҳолат ботқоғига ботиш, ақидапарастлик ва маҳдудликка бориб тақалади. Таъбир жоиз бўлса, оми, саводсиз, ғўр кимсалар қабих кучлар қўлида қўғирчоққа айланиб қолмоқдалар. Бундай ғаразгўй кучларнинг асосий нияти - ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган содда ёшларни йўлдан уриш, ўз қора мақсадлари йўлида фойдаланиш. Бир

сўз билан айтганда, фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-этиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли инсонгина бузғунчи кучлар қутқуларига учмайди, яъни тўғри йўлидан адашмайди. Бунинг учун фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатларга эга бўлишига эришишимиз лозим. Чунончи, ёшларга ислом дини-инсонийлик, тинчлик, меҳр-оқибат, ҳам-жиҳатлик этиқоди эканини тўғри тушунтириш ҳам оқу қорани фарқлашда яқиндан ёрдам беради.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун биз фарзандларимизни, умуман барчани турли зарарли оқимлардан ҳимоя қилиш учун бу борадаги бор ҳақиқатни уларга етказиш ҳамда билим билан қуроллантириш айти муддао деб ҳисоблаймиз. Чунки тинчликнинг қадр-қиммати ва қабих кучларнинг асл қиёфаси ҳақидаги ҳақиқатни билган кишигина юртимиздаги хотиржамликни кўз қорачигидек асраб, авайлайди. Зеро, Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бундай хавф-хатарлардан, жаҳолатдан одамларни, авваламбор, ёш авлодни маърифат билан ҳимоя қилиш керак.

Хотима ўрнида

ЁКИ "МИЛЛИЙ ҒОЯ - ВАТАННИ СЕВИШ УЧУН
КЕРАК!"

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда амалга оширилган ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида "Миллий ғоя - Ватанни севиш учун керак", деб таъкидладилар. Албатта, мамлакат тараққиёти фарзандларнинг юртига бўлган муҳаббати ва садоқати билан белгиланади. Ватанпарвар инсонлар бугун дунё рўбарў бўлаётган бало-қазолар - терроризм, экстремизм, одам савдоси, оммавий маданият, маънавий, мафкуравий-ахборот хуружлари тўрига илинмайди. Бир сўз билан айтганда, Мухтарам Юртбошимиз бундай жаҳолатга қарши курашиш учун маърифат механизмини илгари сурар эканлар, энг аввало, ёш авлодда мафкуравий иммунитет шакллантириш зарурияти тақозо қилинаётганини таъкидлайдилар. Яъни Президентимиз ибораси билан изоҳлаганда "ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир".

Бунинг учун биринчи навбатда, ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбиялашимиз, ҳар бир ота-она бола тарбияси билан жиддий шуғулланиши айтиш мумкин.

Иккинчидан, жамоатчилик, маҳалла-қуй, нурунийлар, хотин-қизлар, фаоллар, барча-барчимиз ҳудудимиздаги ҳар бир болага нисбатан ўз эътиборимизни аямасдан, доимо бу болада огоҳ бўлишимиз ва уни ғаразгўй кимсалар қўлига бериб

қўймаслигимиз, нотўғри йўлдан қайтаришимиз лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда, "...шу йўналишда шакланган тизим самарадорлигини янада оширишимиз, айниқса, диний масалалар билан бевосита шуғулланадиган ҳоким ўринбосарлари, мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришимиз зарур. Хусусан, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари - барча-барчамиз биргалиқда иш олиб боришимиз лозим". Яъни иш ана шундай ҳамкорликда ҳамда бефарқ бўлинмасдан рисоладагидек ташкил этилса, фуқароларимиз диний экстремизм ғоялари таъсирига тушмайди.

Учинчидан, биз фарзандларимизда китобхонлик маданиятини шакллантиришимиз даркор. Чунки китоб ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди ёки у жиноят кўчасига кириб қолмайди. Аччиқ бўлса ҳам тан олиш керакки, террорчилар сафига қўшилиб қолганлар ҳам, одам савдоси қурбонига айланганлар ҳам, жиноят ботқоғига ботганлар ҳам, оммавий маданият тарғиботчилари ҳам бу энг аввало, билимсиз ҳамда китоб ўқимаган кимсалардир.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби кўплаб илмий-маърифий муассасалар ташкил этилгани, буюк алломалар ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, қалом ва ақида илми каби махсус мактабларни очилгани ҳам ўз навбатида, ёшларимизни "маърифат билан", "билим билан" қуроллантирмоқда.

Юртимиз китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзмалар сақланаётгани, ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкинлиги барчамизга маълум. Шундай экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "хусусан, ислом динининг аслинсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак".

Яъни Юртбошимиз айтмоқчи, ёшларимиз буюк алломаларимиз асарларини доимий мутолаа қилиши бу ўз навбатида турли таҳдидларга қарши ишончли ҳимоя вазифасини ўтайди. "Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда - аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?".

Мухтасар қилиб айтганда, Мухтарам Президентимиз жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг юқорида қайд этилган уч асосий жиҳатини аниқ белгилаб бердилар. Мухими, биз ҳозирданок бундай маънавий-мафкуравий ҳамда ахборот хуружларига қарши курашга киришмоғимиз, ўз боламизни, ўз оиламиз, ўз маҳалламизни, ўз юртимизни асрамоғимиз жоиз. Зеро Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатно-

масида таъкидланганидек, "биз улў боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир истеъдод эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани - бу ҳам ҳақиқат". Сўзимиз якунида айтишимиз мумкинки, буюк аждодларимиз вори си бўлмиш - ана шундай комил инсонлар нафақат она юртимиз тараққиётини белгилайди, балки ўзбек номига муносиб бўлиб, бузғунчи тўдалар таъсирига тушмайди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Нажот- маърифатда.....	12
Ахборот хуружларидан огоҳ бўлинг. Ахборий Жамият ва дунёнинг ахборий манзараси.....	17
Ахборот бу - психологик курол.....	18
Мақсад- инсон онгини эгаллаш.....	21
Ахборот кўпорувчилиги.....	21
Ахборот хуружи усуллари.....	23
Оқни қорадан фарқлай олсак.....	24
Агар, огоҳсен.....	25
"Бузғунчи ғояларнинг олдини олиш...".....	29
Қизлар ўзгариб кетдими.....	31
"Одно"даги одобсизлик.....	35
"Ўргимчак тўри"даги тузоқ.....	38
Хоинлик.....	42
Қадамнингни ўйлаб бос.....	45
Бузғунчи оқимлар қутқуларига учмайлик.....	48
"Хор бир ҳудуднинг қулфи-калити бўлсин".....	51
Сохта салафийлик.....	55
Хайрли ишларни кўфр деб бўладими.....	57
Тараққиёт кушандалари.....	57
Ибн Таймия ва унинг тажовузкор ғоялари.....	58
Оқ сўт ҳаққи.....	60
"Ўз болангни ўзинг асра" ёхуд ҳаёт ҳақиқати нинг асл моҳияти.....	66
"Биз асрамасак ким асрайди?".....	68
"Бунга ким айбдор?".....	69
Фақат ва яна фақат тарбия ҳисобидан".....	70
Миссионерлик "ўйинлари" ва кирдикорлари Муддаоси -тўғри йўлдан уриш.....	71
Қонун билан таъқиқланади.....	72
Низолар ўчоғи.....	73
Маблағ чекланмайди.....	73
Билим ва собит этиқод билан.....	75

Кибертерроризм найранглари.....	75
Маданиятнинг ёввойи шаклими.....	78
Ахлоқсизлик ўчоғи.....	80
Саломлашишми ёки уришиш.....	82
Мотамми ёки хурсандчилик куни.....	82
Гўзаллик қурбонлик талаб қиладими.....	83
Қизми ё , кийикми ё.....	86
Жаҳолатдан маърифат майдонига.....	89
Гамбургер ортидаги ғоявий таҳдид.....	91
Маънавий таҳдидлардан огоҳ бўлайлик.....	95
Фарзандларимиздан эътиборимизни аямайлик.....	99
"Қароқчи " дисктлар.....	101
Ҳам ноқонуний, ҳам сифатсиз.....	101
Хориж фильмлари орқали.....	103
Мафкуравий иммунитет зарур.....	103
Ўз жонига қасд қилиш.....	105
Жаноза ўқилмайди.....	106
Худкушлик шаҳидлик эмас.....	107
"Кўк кит" тузоғи.....	108
Жоннинг қиймати.....	109
Ваъдага вафодорлик-буюк фазилат.....	110
Ҳаёсизлик қилкўприги.....	112
Қизларимизни эрта турмушга узатманг.....	118
Опа-ука куда бўлса.....	122
Чимилдиқ кўрмаган "келин"лар.....	125
"Тўй-тўйдаё бўлсинми".....	127
Никоҳ риштаси.....	131
Қуллик тузоғи.....	134
Гирдоб.....	137
Сувники сувга ёҳуд ҳаром йўл билан топилган даромад кишига юкмайди.....	140
"Нафсига қул кимсалар".....	144
Ҳаромдан узоқ юр, болам.....	146
Чекма болам.....	148
"Асабни тинчлантирадими".....	149

"Қизларимиз ҳам чекапти".....	150
"Қонун билан таъқиқланади".....	150
Калаванинг учи қаерда.....	151
Агар ўқитувчи китоб ўқимаса, ўқувчидан нима кутиш мумкин.....	159
Нега ўқимай кўйдик.....	160
Китоб - бу шифо.....	161
Қалқон ўрнида.....	162
Суюкли ёр.....	163
Энг қиммат совға.....	164
"Ўқи" дейиш кифоями.....	165
Уяли телефонлар.....	166
Тинчлик учун курашмоқ керак.....	169
Хотима ўрнида.....	177

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР
ШЕРХОН ҚОРАЕВ
ДУНЁНИ МАЪРИФАТ ҚУТҚАРАДИ

муҳаррир: Н.Равшанов
техник муҳаррир: Р. Юлдашева
мусахҳих: М.Ҳафизова
дизайнер: З.Махсатов

Босишга рухсат берилди: 10.07.2018 йил.
Бичими 60x841/16, "Baltika TAD" гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Нашр табоғи 6,7.
Шартли босма табоғи 10,7
Адади 100 нусха. 1886ет. Буюртма № 69
Эркин нархда. Шартнома №1

"Қашқадарё кўзгуси ОАВ" МЧЖ нашриёти.
Нашриёт лицензияси АИ №244.
180018. Қарши шаҳри. Мустақиллик шоҳ кўчаси , 22 уй.
Тел: +99875 227-50-40, 99895 680-50-50.

"Photo Express" ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди.
Манзил:Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси , 22 уй.

10.000 с



Шерхон Қораев -1977 йилнинг 5-октябрида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган.

Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг докторантурасида ўқимокда.

Унинг шеърлари ва мақолалари мамлакатимизнинг вақтли матбуотида нашр этилган. Муаллифнинг "Мустақиллик моҳияти", "Бир қултум ишқ", "Авлиёлар авлиёси" каби ўттизга яқин шеърый, публицистик, илмий-оммабоп рисоалари аллақачон китобхонлар қўлига етиб борган. Шерхон Қораев –"Фидокор", "Марказий Осиё маданияти" газеталарида ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент автомобиль-йўллар институти, Талимаржон саноат ва сув хўжалиги касбхунар коллежларида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда "Нишон тонги" газетаси бош муҳарриридир.

ISBN 978-9943-4751-6-8



9 789943 475168